

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

## **ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

йўналиши

**“ПЕДАГОГНИНГ ЛОЙИҲАЛАШ МАДАНИЯТИ”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тузувчилар: М.Б.Уразова, Б.Х.Ходжаев**

**Тошкент – 2016**

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	29
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	133
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	149
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	156
VII. ГЛОССАРИЙ .....	157
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	160

# **I. ИШЧИ ДАСТУР**

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг лойиҳалаш маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, педагогик лойиҳалаш тамойиллари, алгоритми, босқичлари ва шакллари, ўқув лойиҳаси ва унинг имкониятлари, лойиҳалар устида ишлашни ташкил этишга доир янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришнинг маданий-тарихий шарт-шароитлари, лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи тўсиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари, педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришга интегратив-аксиологик ёндашув, лойиҳалаш маданиятининг функциялари, мезонлари, даражалари, асосий тенденциялари ва тамойиллари ҳамда инновацион йўналишлари масалалари баён этилган.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Педагогнинг лойиҳалаш маданияти” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларини лойиҳавий фаолиятга доир билимларини такомиллаштириш, педагогик лойиҳалаш босқичлари ва шаклларини ўзлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Педагогнинг лойиҳалаш маданияти” **модулининг вазифалари:**

- лойиҳавий фаолиятни амалга ошириш тамойиллари ва алгоритмини аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг педагогнинг лойиҳалаш маданиятига доир билимларини такомиллаштириш;
- тингловчиларда педагогик фаолиятнинг турли кўринишларида лойиҳавий фаолиятни татбиқ этиш малакаларини таркиб топтириш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Педагогнинг лойиҳалаш маданияти” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- лойиҳалаштириш ва лойиҳавий фаолият;
- лойиҳавий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари;
- лойиҳалаш маданияти ва унинг таркибий қисмлари;
- ўқув лойиҳалари ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

### **Тингловчи:**

- ўқув жараёнини лойиҳалаштириш;
- ўқув лойиҳаларининг хилма-хил турларидан фойдаланиш;
- талабаларнинг лойиҳавий фаолиятини ташкил этиш;

- ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш **кўникмаларни эгаллаши;**

**Тингловчи:**

- педагогик лойиҳалашга интегратив-аксиологик ёндашиш;

- илғор иш тажрибалардан фойдаланиш;

- лойиҳавий фаолиятда юзага келадиган тўсиқларни самарали бартараф этиш;

- ўқув лойиҳаларини моделлаштириш **малакаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

- педагогик фаолиятнинг қайта тушунилиши ва мустақил такомиллаштирилишини таъминловчи мустақил таҳлилни эгаллаш (рефлексив);

- мустақил таълим ва ўз касбий-методик даражани ошириб бориш (когнитив);

- конструктив равишда ҳаракат қилишга имкон берадиган ахборотни олиш, қайта ишлаш ва татбиқ қилиш, технологик қарорлар, тамойил ва ёндашишлар тизимини лойиҳалаштириш (ахборот);

- касбий фаолият самарадорлигини таъминловчи оғзаки ва ёзма мулоқот технологияларини эгаллаш (коммуникатив) **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Педагогнинг лойиҳалаш маданияти” модулини ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

“Педагогнинг лойиҳалаш маданияти” модулини ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;

- виртуал амалий машғулотлар жараёнида кейс, лойиҳа ва ассисмент технологияларини қўллаш назарда тутилади.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Педагогнинг лойиҳалаш маданияти” модули мазмуни ўқув режадаги “Педагогик такт ва техника” ва “Касбий фаолиятни моделлаштириш технологияси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда нопедагог мутахассисларнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогнинг лойиҳалаш маданиятига доир рефлексив, инфорацион ва коммуникатив касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
				Назарий	Амалий машғуллот	
1.	Педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришнинг маданий-тарихий шарт-шароитлари.	6	2	2		4
2.	Педагогик лойиҳалаштириш – лойиҳалаш маданиятини ривожлантириш шарти сифатида.	8	8	4	4	
3.	Ўқув лойиҳаси: имкониятлари ва	8	8	2	6	

	афзалликлари					
4.	Лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш технологияси	8	8	2	6	
	<b>Жами:</b>	<b>30</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>16</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1 - мавзу: Педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришнинг маданий-тарихий шарт-шароитлари.**

Педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришга доир компетенциялар ва уларнинг ўзига хосликлари. Гуманистик таълимий парадигма педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантириш асосий модели сифатида. Педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришга интегратив-аксиологик ёндашув.

### **2-мавзу: Педагогик лойиҳалаштириш – лойиҳалаш маданиятини ривожлантириш шарти сифатида.**

Педагогик лойиҳалаш тушунчаси. Педагогик лойиҳалаш тамойиллари ва алгоритми. Педагогик лойиҳалаш босқичлари ва шакллари.

### **3-мавзу: Ўқув лойиҳаси: имкониятлари ва афзалликлари.**

Лойиҳа муаммоли таълимнинг самарали методи сифатида. Ўқув лойиҳасининг турлари ва функциялари. Талабаларнинг лойиҳалаш фаолияти. Ўқув лойиҳасини амалга ошириш босқичлари.

### **4-мавзу: Лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш технологияси**

Ўқув лойиҳаси устида ишлашнинг самарали шакллари. Лойиҳалар устида ишлашнинг индивидуал ва гуруҳий фаолиятни ташкил этиш. Гуруҳли лойиҳаларни ташкил этиш йўллари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот**

#### **Компетент ёндашув – педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантириш омили**

Педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришга доир компетенциялар таксономияси. Лойиҳавий фаолиятга доир компетенциялар тизими. Рефлексив, информацион ва коммуникатив компетенциялар.

### **2-амалий машғулот**

#### **Ўқув лойиҳаси – таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш воситаси**

Ўқув лойиҳаси методи: мазмун-моҳияти ва ўқув лойиҳасининг турлари. Ўқув лойиҳаси методини қўллашнинг педагогик-психологик ўзига хосликлари. Лойиҳалаш бўйича таълим олувчиларнинг мустақил ижодий иш турлари.

### **3-амалий машғулот**

#### **Лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш амалиёти**

Лойиҳалар устида ишлаш тартиби ва қоидалари. Индивидуал лойиҳа ишларини бажаришда тьюторнинг ўрни. Гуруҳий лойиҳаларни амалга ошириш йўллари ва фасилитаторлик фаолияти.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маъруза-мунозара, муаммоли маъруза, вебинар маъруза, визуал маъруза, виртуал амалий машғулотлар);
- ўқув мунозараси (оғзаки ва ёзма давра суҳбати, форум, ақлий ҳужум, симпозиум, дебат);



- кичик гуруҳларда ишлаш шакллари (Team-based Learning). Кичик гуруҳларда коммуникация ва интеракция. Ўқувчиларнинг кичик гуруҳлардаги ишини бошқариш (Tips for the Classroom). Кичик гуруҳларда ишлаш техникаси (Placemat; To-Do-List; Feedback; ). “Кичик гуруҳ – қайта алоқа” тести. Лойиҳа таълим технологияси. Портфолио технологияси. Ўқитувчининг тьюторлик модели.

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш мезони</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Изоҳ</b>
1	Амалий топшириқлар Ўқув лойиҳаси Ўқув портфолиоси	2.5	Амалий топшириқлар – 0,5 балл Ўқув лойиҳаси – 1 балл Ўқув портфолиоси – 0.5 балл

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

Бундай ишланмалар тингловчиларнинг тадқиқ этиш фаолиятини улар матнни мустақил ўқиш топшириғини олишганида йўналтиришга ёрдам беради. Қуйида эътиборимизни, ялпи ўқиш пайтида, саволлар ёзилган варақ туфайли, тингловчиларнинг эътиборини “Педагогик лойиҳалаш тамойиллари” тўғрисидаги матн ичида сочилган муайян деталларга жалб этилганига қаратамиз. Ундан аввал материални ўзлаштириш учун ўқитиш бўйича қўлланма қуйидаги ҳолларда яхши кўмакчи эканлигини эслатиб ўтиш лозим:

1) тингловчиларга ўзларининг кузатиши эҳтимолдан узоқ бўлган фикрнинг анча нозик ҳаракатини сезишда ёрдам беради.

2) ишнинг ҳамма босқичларида юқори тартибдаги фикрлашни рағбатлантиради;

3) мунозара ёки ёзма иш учун асос бўлиб хизмат қилади, яъни тингловчи ўз қобиғига ўралиб қолмайди.

---

1. Педагогик лойиҳалаш тамойиллари деганда нима тушунилади?

2. Педагогик лойиҳалашга доир қайси тамойил етакчи ўрин тутуди?

1) прогностик; 2) кетма-кетлик; 3) тесқари алоқа; 4) самарадорлик.

3. Педагогик лойиҳалаш тамойилларининг таълим тамойиллари билан алоқадорлигини қандай баҳолайсиз?

---

## **БИР НЕЧА МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ МАЪРУЗА ТАЙЁРЛАШ**

Тингловчилар интерфаол машғулотларда самарали иштирок этишлари учун маърузаларга тайёрланиб келишлари лозим. Бунинг учун тингловчиларига маърузалар тайёрлаш йўллари ва имкониятлари ҳақидаги

тасаввурларни кенгайтириш лозим. Ана шундай имкониятлардан бири – бу бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёрлаш ҳисобланади. Мазкур маъруза жавдвал ҳолатида тайёрланиб, тингловчига жавоб бериш учун таянч сигнал вазифасини бажаради. Бунинг учун тингловчи беш устундан ва материалнинг ҳажмига қараб бир неча устундан иборат оддий жадвал тузади. Юқоридаги қатордаги устунларда ахборотнинг турли манбалари номини кўрсатишади: дарсликлар, журнал мақолалари, интернет материаллари, интервьюлар.

Чап томондан биринчи қаторнинг ҳар бир қаторига тингловчи мавзуга тегишли ёки жавоб олинмиши зарур бўлган саволни ёзади:

<b>Саволлар</b>	<b>Дарслик</b>	<b>Журнал мақолалари</b>	<b>Интернет материаллари</b>	<b>Интервью</b>
Ўқув лойиҳаси деганда нима тушунилади?				
Ўқув лойиҳасининг қандай турлари мавжуд?				
Ўқув лойиҳасини тузиш қандай кетма-кетликка асосланади?				
Ўқув лойиҳаси қандай функцияларни бажаради?				
Индивидуал ўқув лойиҳаси қандай				

тарзда базарилади?				
Кичик гуруҳларда ўқув лойиҳаси устида қай тарзда самарали ишни ташкил этиш мумкин?				
Ўқув лойиҳасини қўллашга доир педагог қандай компетенцияларга эга бўлиши лозим?				


## ЁЗМА ВА ОҒЗАКИ “ДАВРА СУХБАТИ”

Ёзма “Давра суҳбати” – бу биргаликдаги ўқитиш методи бўлиб, бунда қоғоз ва ручка доимо айлана бўйлаб, ўйин иштирокчиларининг кичик гуруҳи орасида узатиб турилади. Мисол учун, шериклардан бир қандайдир ғояни ёзиб, кейин варақни чап томонидаги шеригига узатади. У ўша ғояга ўзининг қандайдир мулоҳазаларини қўшади ва варақни кейинги кишига узатади. Ушбу русум-қонданинг бошқа вариантида ҳар бир иштирокчи ёзувини ўзининг ранги билан ёзади. Бу умумий фикрни шакллантиришда қўшилган ҳиссани кўринарли даражада кўрсатиб туради ва ўқитувчига тушунишга ва ҳар бирининг иштирокини қайд қилишга ёрдам беради.

Оғзаки “Давра суҳбати” – бу биргаликда ўқитиш методи бўлиб, олдингисига ўхшайди, фақат у оғзаки шаклда ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи навбати билан олдинги одам айтган фикрни илғаб олади ва ривожлантиради.

### Ёзма “Давра суҳбати”

**(Ҳар ким ёзади ва варақни чап томондаги қўшнисига узатади)**



### Оғзаки “Давра суҳбати”

**(Ҳар ким ўз фикрини айтади ва сўзни чап томондаги қўшнисига беради)**

## МАЪРУЗА-МАСЛАҲАТ

### **Мақсади:**

- тингловчиларда ўз устида ишлаш малакаларини ривожлантириш;
- уни амалиётда қўллаш олиш учун материални ўзлаштириш.

Мазкур метод мавзуни ўрганишда унинг амалий йўналганлиги билан уйғунлигини таъминлайди. У қуйидаги вариантларда амалга оширилиши мумкин.

**Савол-жавоблар.** Ўқитувчи ўқув материални баён этади (бунда маърузанинг 50-70% вақти сарфланиши мумкин), у кўриб чиқиладиган назарий қоидаларнинг амалиётда қўлланилишига доир катор нюансларга алоҳида эътибор қаратади, қолган вақтда тингловчиларнинг саволларига жавоб беради.

**Саволлар-жавоблар-мунозара.** Машғулотдан бир неча кун олдин ўқитувчи тингловчиларни навбатдаги ўтиладиган мавзунинг номи билан таништиради ва улардан ёзма равишда саволлар тўплайди. Машғулотнинг биринчи қисми мавзунинг асосий жиҳатларини баён этиш тарзида ўтказилади ва тингловчиларнинг саволларига жавоблар берилади. Уларни ривожлантириш ва тўлдириш асосида ўқитувчи материални баён этади. Машғулотнинг иккинчи қисми мазкур муаммога доир эркин фикрлар алмашиш шаклида ўтади ва тингловчиларнинг қўшимча саволларига жавоблар берилади. Якунида лектор (маърузачи) мунозара якунларини чиқаради.

Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, тингловчилардан жуда кам саволлар бўлади ёки умуман бўлмайди. Бунинг сабабларига қуйидагилар киради:

1) ўрганиладиган материални амалиётда қўллаш тингловчиларда қийинчилик туғдирмайди; мазкур ҳолатда одатдаги анъанавий маърузанинг ўзи етарли;

2) мавзу умуман янги, шунинг учун тингловчилар ҳатто уни амалиётда қўллаш жараёнида дуч келадиган қийинчиликларни тасаввур қила олишмайди;

3) тингловчилар кўриб чиқилаётган муаммонинг чуқурлиги ва мураккаблигини етарлича баҳолай олишмайди, ўз тажрибаларига ортиқча баҳо беришади.

Ишдаги фаолликни ошириш учун дастурлаштирилган консультацияни қўллаш мумкин. У одатдаги гуруҳли консультациядан шуниси билан фарқ қиладики, бунда лекторнинг ўзи тингловчиларга саволлар билан мурожаат қилади.

Дастлаб лектор тингловчилардан саволларга жавоб сўрайди, кейин эса хато ва нотўғри жавобларни таҳлил этади.

Дастурлаштирилган консультация қоидага мувофиқ, маъруза ва маърузалар цикли тугаганидан сўнг ўтказилади. Тингловчилар материални яхши ўзлаштирадилар, уларда муаммони тўғри ҳал этиш алгоритми шаклланади.

Дастурлаштирилган консультацияда ҳар бир иштирокчида қизиқиш ҳосил қилиш учун қайта алоқадан фойдаланиш мумкин. Барча иштирокчиларга савол ва улардан бири тўғри бўлган уч-беш жавоб тақдим этилади. Қачонки, маърузачи тўғри жавобни айтганда, нотўғри жавобни айтган тингловчиларда савол пайдо бўлади. Маърузачи бундай ҳолатда тўғри жавоб берган тингловчилардан ўз жавобларини изоҳлаб беришни ёки ўзи саволни тушунтириб беради.

## **ТУШУНЧАЛАРНИ АНИҚЛАШ**

### **Мақсади:**

- тингловчиларни гапдаги ҳар бир хорижий тилдаги сўзни тушуна олишга ўргатиш;

- тингловчиларнинг гапдаги ҳар бир сўзга эътиборли муносабатда бўлиш заруриятини англашларига ёрдам бериш;

- ўқув топшириғини бажаришда гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш кўникмасини шакллантириш.

Ўқитувчи изоҳни **тушуниш** – бу тингловчиларнинг нарса ёки ходисаларда билдирадиган образларни тасаввур эта олиш эканлигини айтишдан бошлайди. Бу фақатгина тасаввур этишгина эмас, балки сўзни тушунишнинг биринчи даражаси.

Сўзни тўлиқ тушуниш қачонки, тингловчилар нарса ёки ходисанинг тузулишига оид таркибий қисмлар(нималардан ташкил топган) ва унинг функционал ўзига хосликлари (нимага ёрдам беради, у билан нима қила олиш мумкин ва бошқалар)ни айтиб бера олганда, юзага келади.

#### **Машғулот қуйидаги тарзда ўтказилади:**

1. Барча тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинишади.
2. Ҳар бир гуруҳ матнни олади. Барча гуруҳлардаги матнлар бир хил ёки турли хил бўлиши мумкин.

Ўқитувчи гаплардаги нотаниш сўзларни топиш ва изоҳли луғатлар, ўқитувчининг ёрдамида уларнинг маъносини изоҳлаб беришни сўрайди.

3. Гуруҳларда матн устида ишлаш бошланади. Тингловчилар биргаликда нотаниш, тушунарсиз сўзларни топишади ва уларнинг маъносини биргаликда изоҳлашади.

4. Топшириқ бажариб бўлинганидан сўнг, “кичик гуруҳларга хужум” бошланади. Савол берувчи ва жавоб берувчи гуруҳлар қуръа ташлаш йўли билан аниқланиши мумкин. Барча гуруҳлар навбати билан дастлаб биринчи гуруҳга савол беришади, иккинчи ва бошқалар. Масалан:

Бир гуруҳ савол беради.

Савол берилган гуруҳ аъзоси тезда жавобни айтиши лозим.

Гуруҳ жавоб бергандан сўнг унинг тўғрилиги экспертлар гуруҳи томонидан баҳоланади. Баҳолаш 0 баллдан 5 баллгача бўлиши мумкин.



5. Яқунларини чиқариш. Ўқитувчи кўп балл йиғган гуруҳни эълон қилиши мумкин. Мазмуни нотўғри тушунилган сўзларга изоҳ берилади.

## **ЎЗARO ЎРИН АЛМАШИНУВЧИ ЖУФТЛИКЛАР ВА ГУРУҲЛАР**

### **Мақсади:**

- тингловчиларни материалнинг тузилиши, асосий фикрларни белгилай олиш, эсда сақлаб қолиш мумкин бўлган шаклда уларни тасаввур эта олишга ўргатиш;

- нутқ маданиятини ривожлантириш;

- фасилитаторлик қобилиятини таркиб топтириш.

1. Биринчи босқичда педагог асосий фикрларни тасаввур этишнинг турли шакллари ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Асосий фикрларни тасаввур этишнинг биринчи тури оддий – бу асосий фикрларни сўз ёки қисқа гаплар тарзида тасаввур этишдир. Мазкур сўз ёки гаплар устунлар тарзида номер қўйиш орқали ёзилади.

Асосий фикрларни тасаввур қилишнинг иккинчи шаклида ўзак белгилаб олинади ва ана шу ўзак атрофида асосий фикрлар жамланади.

Асосий фикрларни шакллантиришнинг учинчи шакли – бу уларни қисқартириш ёки шартли белгилар билан алмаштиришдир.

2. Иккинчи босқичда тингловчилар кичик гуруҳларга бирлашадилар. Ҳар бир кичик гуруҳ ўзига берилган матнни олади ва уни ўқийди. Матнлар ҳаммада ҳар хил.

3. Шундан сўнг гуруҳда ҳар бир тингловчи мустақил равишда мазкур матнга доир таянч конспектни тузишади.

4. Навбатдаги босқичда тингловчилар жуфтликларда ўзларининг таянч конспектлари ҳақида фикр алмашишади. Мазкур босқичда ўзининг таянч конспектини ўзгартириш имконияти мавжуд.

5. Навбатдаги босқичда таянч конспект гуруҳий муҳокама этилади. Гуруҳ ўзаро келишган ҳолда қандайдир яратилган таянч конспектни қабул

килади. Мазкур босқичда гуруҳ бутун жамоанинг олдида “овоз чиқариб” айтиб берувчи тингловчини аниқлаб олиши керак.

6. Мазкур босқичда гуруҳнинг бир аъзоси аниқланган таянч конспект бўйича чиқиш қилади ва ўқилган матннинг мазмунини баён этади. Барча тингловчилар эшитишлари керак. Мазкур даврда меъёрларнинг бажарилишини таъминлайдиган техник экспертнинг мажбурияти намоён бўлади.

7. Биринчи гуруҳ аъзоси чиқишини тугатгандан сўнг бошқа гуруҳ савол бериши мумкин. Саволларга жавоб берилади. Мазкур турдаги иш баҳоланиши мумкин (баллар жадвалда қўйилади). Саволларнинг навбат билан берилишини техник эксперт йўлга қўяди.

8. Саккизинчи босқичда бошқа гуруҳнинг вакили агар асоси мавжуд бўлса, қилинган чиқишни тўлдиради.

9. Тўққизинчи босқичда бошқа гуруҳ вакили чиқиш, саволларга жавоблар бўйича норозилигини ифода этади.

Ана шу ерда биринчи матн билан ишлаш яқунланади. Педагог ёки илмий эксперт яқунларни чиқаради.

Кейинги босқичда бошқа гуруҳ вакили ўзининг таянч конспектини намоёниш этади. Мазкур ҳаракат ҳамма чиқишлар тугагунча давом этади.

Инсценировка яқунларни чиқариш билан тугалланади. Ҳар бир гуруҳ тўплаган балларни ҳисоблаш ва жами баллар устунига ёзиб қўйилиши керак. Ана шу асосдан келиб чиқиб, ўринларни ҳам белгилаш мумкин.

## **КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ**

Учта ва ундан кўп жиҳатлар ёки саволларни таққослаш тақозо этилганида ушбу метод, айниқса фойдали бўлади. Жадвал қуйидагича тузилади: вертикал бўйича таққосланадиган нарсалар, горизонтал бўйича эса, ушбу таққослаш бажариладиган хусусият ва хоссалар жойлаштирилади.

Масалан, концептуал жадвал орқали педагогнинг лойиҳалаш маданиятига доир компетенцияларни таққослаб кўрсатиш мумкин.

<b>Компетенциялар</b>	<b>Таърифи</b>	<b>Мазмуни</b>	<b>Қўлланилиш соҳаси</b>
Рефлексив			
Коммуникатив			
Информацион			
Когнитив			

### **Т-ЧИЗМА**

Т-чизма мунозара вақтида қўшалок жавоблар (ха/йўқ, тарафдор/қарши) ёки таққослаш-зид жавобларни ёзиш учун универсал график органайзер ҳисобланади. Масалан, “Педагогик лойиҳалаш шакллари” матнини “тарафдор ва қарши” тамойилига асосланиб ўқилганидан сўнг, бир жуфт тингловчи қуйида келтирилганидек, Т-чизмани тузиши ва беш дақиқадан кейин, чизманинг чап томонида педагогик лойиҳалаш шаклларининг афзалликларини ёзиши мумкин. Сўнгра беш дақиқа мобайнида улар бу фикрга қарши иложи борича кўп сабабни келтиришлари керак. Ана шу вақт охирида улар яна беш дақиқа мобайнида ўз Т-чизмаларини бошқа жуфтлик чизмалари билан таққослашлари мумкин.

<b>Педагогик лойиҳалаш шаклларининг афзалликлари</b>	<b>Педагогик лойиҳалаш шаклларининг камчиликлари</b>

### **ТУШУНЧАЛАР АСОСИДА МАТН ТУЗИШ**

“Тушунчалар асосида матн тузиш” методи билиш-изланиш туридаги мустақил ишлар сирасига кириб, бу иш турли хил мантиқий амалларни талаб этади: таҳлил қилиш ва умумлаштириш, далил ва ҳодисаларни қиёслаш, улардаги муштараклик ва фарқли томонларни аниқлаш, асосий ва иккинчи даражали белгиларни ажратиш, сабаб-оқибат алоқаларини очиб бериш ва ҳоказо. Одатда тингловчилар номаълум ҳодисалар, янги материалларга дуч келадилар, янги билимларни эгаллаш ва ўқув муаммосини ҳал қилиш йўлларини излаб топишни талаб этадиган муаммоли вазият пайдо бўлади.

#### **Мазкур методни қўллаш технологияси:**

Масалан, “Педагогик лойиҳалаш шакллари” мавзуси бўйича:

- 1) модел, моделлаштириш, объект, тизим, жараён, вазият;
- 2) босқич, натижа, мақсад, ташхис, вазифалар, бошқариш;
- 3) информацион, тадқиқий, ижодий, ролли, микро, мезо ва макро, бевосита ва билвосита.

### **ЎН МИНУТЛИК ЭССЕ**

*Эссе* – бу муаллифнинг индивидуал нуқтаи назарини ифода этиш шакли бўлиб, бирор нарса-ҳодиса ёки жараён ҳақидаги умумий ёки дастлабки дунёқарашни ўз ичига олади.

Ўн минутлик эссени ёзиш қоидалари (“Педагогнинг лойиҳалаш маданияти” мавзусида):

1. Таклиф этилган мавзуга доир сўзлар ҳажми 500 тадан 1000 тагача бўлиши мумкин.

2. “Педагогнинг лойиҳалаш маданияти деганда кўз олдимга ... келади”, “Менинг фикримга кўра лойиҳавий фаолият ... бўлиши керак”, “Педагогда лойиҳалаш маданиятига доир ... каби компетенциялар таркиб топиши зарур” каби жумлалардан фойдаланинг.

3. Ўзингиз ҳавас қилган, сиз учун идеал бўлган устозларингиздан бири мисолида орзуингиздаги педагог тимсолини гавдалантиринг.

### **БЛИЦ-ЎЙИН**

Ўйинни ўтказиш тартиби:

1) тингловчиларга жадвалнинг чап томонида берилган тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади;

2) дастлаб индивидуал равишда тушунчаларга мос жавобни ўнг томондаги фикрлар орасидан танлаб, тартибланган рақамини “индив. жавоб” устунига (масалан “1” рақамли тушунчага “10” рақамдаги жавоб) ёзиш сўралади;

3) сўнгра худди шундай тартибдаги иш кичик гуруҳларда амалга оширилади. Яъни “гуруҳ жавоби” устуни тўлдирилади. Кичик гуруҳ аъзоларида мазкур устунга ёзиш учун ягона жавоб бўлиши лозим;

4) ўқитувчи тўғри жавобларни ўқийди. Тингловчилар ўзларига берилган қоғознинг “калит” устунига жавобларни ёзиб чиқишади.

5) тингловчилар мустақил равишда калитга асосланиб, “индивидуал хато” ва “гуруҳ хатоси” устунларини тўлдиради. Ҳар бир тингловчининг ва кичик гуруҳ натижалари таҳлил этилади.

**Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг педагогиклик касбига доир  
карашларини ўрганишга доир БЛИЦ-ўйин**

<b>Фикрлар</b>	<b>Гурух жавоби</b>	<b>Гурух хатоси</b>	<b>Ка- лит</b>	<b>Индив. хато</b>	<b>Индив. жавоб</b>	<b>Педагог- олимлар</b>
Лойиҳалаш бор нарсани нимага айлан- тириш зарурлиги юзасидан ғоялар ва ҳаракат дастурини ишлаб чиқаришдан иборат.						В.Е.Радио- нова
Лойиҳалашнинг кўп қиррали маданий- тарихий феномени ўз фаолиятининг барча соҳаларида исталган кишининг ҳаётий фаолиятнинг туб моҳиятидан келиб чиқади						Е.С.Заир- Бек
Агар Ердаги воқеликни яхши тушунишни истасанг, келажакни яхши режалаштира ол						Абу Райхон Беруний
Ақлли киши келажак авлод учун фойда келтириб, у ақл ва идрок билан ҳаммани мушоҳада эта						Мирзо Улуғбек

олсагина, руҳан қаноат ҳосил қилади						
Лойиҳалаш – бу бир вақтда ҳам фан ва ҳам санъатдир						П.Хилл

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>

<p><b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<p><b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш</li> </ul>

### **Кейс: Лойиҳа устида ишлаш**

Лойиҳаларнинг ҳар хил тури учун мавзулар келтиринг (асл нусха юзасидан). Уларни маълум ва бошқа белгилар бўйича таърифланг (алоқалар мазмуни бўйича, уларнинг давом этиши, иштирокчиларнинг сони бўйича). Албатта муаммони таърифланг, лойиҳанинг мақсади ва вазифаларини баён қилинг, кўрсатилган муаммони ҳал қилиш учун ишлатилиши тахмин қилинаётган фанлар бўйича ўқув материални кўрсатинг, шунингдек қандай қилиб лойиҳа натижалари расмийлаштирилишини ва бу қандай соҳада амалий (назарий) аҳамиятга эга эканини тушунтиринг, Ўқувчиларнинг ақлий, ахлоқий, маданий ривожлантириш қандай мақсадлар қўйилиши алоҳида кўрсатилиши лозим.

Ҳар қайси гуруҳда лойиҳага нисбатан турли ғояларни муҳокама қилинг. Лойиҳа муаммоси нимадан иборат? Лойиҳа турини аниқланг. Иштирокчиларга лойиҳа устида ишлашлари мобайнида қандай билим (қайси соҳадан) зарур бўлишини белгиланг, лойиҳа натижаларини расмийлаштиришнинг мақбул кўринишларини тақдим этинг.



Ўз лойиҳангиз таркибини унинг турига мувофиқ равишда тайёрлашга уриниб қуринг. Тадқиқот услублари, ахборот манбаларини аниқланг, муаммони ечиш фаразини таърифланг.

Тадқиқот, лойиҳани ҳимоя қилиш натижаларини расмийлаштириш режасини тайёрланг.

Дарсларга қатнашинг ва уни асосий тавсифномалар (мақсади, тури, кўришиши, лойиҳалаштириш шакли, унинг қанчалик оммабоплиги ва нима учунлиги) даражасида таҳлил қилинг.

## **“АССЕСМЕНТ” МЕТОДИ**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



### Тест

Аниқ мавжуд предметлар, воқеалар ва тузиладиган объектларнинг тавсифини аниқлаш ёки бошқариш...

- А) Башоратлаш
- В) Моделлаштириш
- С) Конструкциялаш
- Д) Режалаштириш



### Қиёсий таҳлил

“Лойиҳалаш” ва “моделлаштириш” тушунчалари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни таҳлил этинг.



### Симптом

Педагогнинг лойиҳавий фаолиятга амалий тайёрлиги...



### Амалий кўникма

Лойиҳавий фаолият алгоритмини тузинг.

## ИНСЕРТ” МЕТОДИ

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодаляйдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан

фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

### “БРИФИНГ” МЕТОДИ

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

#### Ўтказиш босқичлари:

1. Такдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Тингловчилар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг такдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### “ПОРТФОЛИО” МЕТОДИ

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчи ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали

текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

<b>Фаолият тури</b>	<b>Иш шакли</b>	
	<b>Индивидуал</b>	<b>Гуруҳий</b>
Таълимий фаолият	Тингловчилар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Тингловчилар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1 - МАВЗУ: ПЕДАГОГНИНГ ЛОЙИХАЛАШ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ

##### РЕЖА:

1. Педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришга доир компетенциялар ва уларнинг ўзига хосликлари.

2. Гуманистик таълимий парадигма педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантириш асосий модели сифатида.

3. Педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришга интегратив-аксиологик ёндашув.

##### Keywords and concepts:

practical readiness.

project, design, modeling, pedagogical cultivation activities, theoretical training,

##### Педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришга доир компетенциялар ва уларнинг ўзига хосликлари

компетентли мутахассиснинг тайёргарлиги ҳисобланади.

Таълим стратегик вазифаси бўлиб ўқув вазиятларидан ташқарида самарали ҳаракат қила оладиган, ўз касбий фаолиятида юзага келадиган намунавий ва муаммоли масалаларни еча оладиган

Таълим технологияси кўп гапирилган, аммо кам мулоҳаза юритилган мавзулар сирасига киради. Бу таълим ва технология ҳақида ақлли ва мулоҳазали сўзлар ҳеч қачон айтилмайди дегани эмас. Таълим соҳасидаги кўпчилик одамлар ҳозирги кунда ўз таълим фаолиятига яқин бўлган нарсаларга етарлича диққат қаратиш кераклигини тушунмайдилар. Таълим мазмунида технологиялардан фойдаланиш одатий ҳолга айланган туюлса-да, кўпчилик одамлар учун у соғлом фикр соҳасига кирган. “Таълим

технологиялари” тушунчаси таълимдаги аксарият одамлар томонидан муқаррар деб қабул қилинган бўлса, яна кўпчилик уни шунчаки “кириб қолган” атама сифатида тушунадилар.

Биз шунинг учун ҳам таълимда технологиялардан фойдаланиш алоҳида танқидий таҳлил ёки фикрлаш талаб қилимайди деган кенг тарқалган фикрга дуч келамиз. Синфхонада компютернинг бўлиши одатий ҳол бўлиб, у худди ошхонадаги маиший техника, кўчадаги светофор, банкомат ёки видеокузатув камералари каби “жиҳозларнинг бир қисми” вазифасини ўтайди. Аммо бу технологияларнинг барчаси замонавий жамият учун катта аҳамиятга эга бўлган масалалар билан бевосита боғлиқ. Кўпчилик одамларнинг умуман олганда совутгич, газ плита ва кир ювиш машиналарини ишлатишда унча уқуви бўлмаса-да, улар энергия истеъмоли, турғун ҳаёт тарзи ёки жинсий тенгсизлик каби масалалар ҳақида кўп қайғурадилар. Катта кўча каби жамоат жойларидаги кўпдан-кўп технологияларга унчалик эътибор бермасалар ҳам кўпчилик одамлар йўл ҳаракати натижасида ҳаво ифлосланиши, банк иши, молия, жиноят ва назорат масалаларида ҳам ташвиш тортадилар. Совутгич, кузатув камералари, ҳатто синфхона компютери каби кундалик техник воситаларга яқиндан эътибор берилса, у айна пайтдаги айрим муҳим ижтимоий масалалар билан шуғулланишга кенг йўл очиб беради. Шу фикрлар инобатга олинадиган бўлса, бутун таълим жараёнида ишлатиладиган сон-саноксиз технологияларга яқиндан эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу китобнинг саккиз боби давомида таъкидлангани каби, бу эҳтиёткорлик ва мулоҳазакорлик билан амалга оширилиши керак. Чунончи, бизнинг асосий эътиборимиз бевосита мавжуд технологик жиҳоз ва асбоб-ускуналарга эмас, балки уларни ўраб турган амалдаги нарсалар ва фаолиятларга, одамлар томонидан уларга нисбатан берилган аҳамиятга ва бу технологиялар билан алоқадор ижтимоий муносабатлар ва тузилмаларга қаратилиши лозим. Китобнинг мана шу илк босқичида буларнинг барчаси оғир ва мураккаб тушунчалар бўлиб туюлиши мумкин. Шу сабабли ушбу

кириш боби кейинчалик биз муҳокама қиладиган барча жиддий масалаларга ойдинлик киритишда асос бўлиб хизмат қилади<sup>1</sup>.

Компетентли тайёргарлик моделига ўтиш шароитида олий мактабда компетентли ёндашишни қўллайдиган ўқитиш технологияларини аниқлаш ўзига хос долзарблиikka эга бўлади. Бошида “тушунчалар”ни таҳлил қилиб оламиз. Компетенция (лот.Competentio competo дан олинган бўлиб, эришаман, тўғри келаман деганини билдиради) – субъектнинг мақсадни қўйиш ва унга эришиш учун ташқи ва ички захираларни самарали бирга ташкил қила олишликка тайёргарлиги. Ёки, бошқача қилиб айтганда, бу субъектнинг муайян касбий масалаларни еча олишга шахсий қобилиятидир. Компетенцияларнинг йиғиндисини (берилган фан соҳасида самарали фаолият учун зарур бўлган билим ва тажрибанинг мавжудлиги) компетентлик деб аташади (лотинчадан competence). Касбий таълимда компетентлик у ёки бу соҳада билим ва тажрибаларнинг йиғиндиси ёки аниқ иш жойи ёки бажарилаётган ишнинг ўзгариб турадиган талабларига мос таъсир қилишга имкон берадиган умумий ва касбий тайёргарлик даражасидир. Компетентлик ва компетенциялар ўртасида тўғри ва инверсион (текскари) боғлиқлик мавжуд. Муслимов Н.А бир қанча касбий компетенциялар турларини ажратади, улар касбий фаолиятда одам етуклигини кўрсатади:

- махсус компетенция – етарли юқори даражада ўз касбий фаолиятини эгаллаш, кейинги касбий ривожланишини лойиҳалаштира олиш;
- ижтимоий компетенция – биргаликдаги касбий фаолият, ҳамкорликни эгаллаш, ўз меҳнати натижаларига ижтимоий жавобгарлик;
- шахсий компетенция – шахсий мустақил акс этиш ва мустақил ривожланиш усуллари, шахснинг касбий деформацияларига қарши туриш воситаларини эгаллаш;

---

<sup>1</sup> Neil Selwyn. Education and Technology: Key Issues and Debates. – Australia: Continuum, 2011. – P.1-2.

- индивидуал компетенция – касб доирасида индивидуалликни мустақил қўллаш ва ривожлантириш усуллари эгаллаш, касбий-шахсий ўсиш, мустақил ташкил қилиш ва мустақил реабилитация қилишга тайёрлик.

- асосий компетенциялар – мослашиш ва махсус фаолият учун зарур бўлган шахснинг маданиятлараро ва соҳалараро билим, қобилият ва кўникмалари.

Юқорида айтиб ўтилганларга таяниб ва компетенцияларнинг аниқ мутахассислик ёки фаолият доирасида аниқлаштирилиши мумкинлигини билган ҳолда бўлажак педагогнинг махсус касбий компетентликка йўналтирадиган компетенциялар турини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Е.С. Заир-Бекнинг «Взаимосвязь проектирования и самопроектирования методических компетенций в системе общетехнической и методической подготовки» мавзусидаги докторлик ишида махсус касбий компетентликнинг шаклланишига қаратилган қуйидаги компетенциялар аниқланган:

- ўқитиш ва ўқитиш методикаси билимини интеграцияловчи касб таълими педагогининг махсус компетенциялари;

- мақсадли компетенция – педагогнинг умумкасбий ва махсус касбий фанларни ўқитиш мақсадларини аниқлай олиши;

- мазмуний компетенция - умумкасбий ва махсус касбий фанларни ўқитиш мазмунини аниқлай олиш;

- мониторингли компетенция – ўқитиш натижаларини кузатиш олишлик.

Заир-Бек Е.С. таъкидлайдики, махсус компетенцияларнинг шаклланиши машина ҳайдаш асослари, тикув ишлаб чиқариш технологиялари, графика, замонавий ишлаб чиқаришни билишга таянади. Шунга кўра махсус компетенцияларнинг ҳар бирида батафсилроқ тўхталамиз.

1. Педагогнинг мақсадли компетенцияси энг турли хил мақсадларни қўйиш қобилиятини кўзда тутди. Касбий ўқитиш мақсади ёшларда



технологик маданиятни шакллантиришга йўналтирилган, таълим жараёни мазмунини аниқлайди, шаклланган билим ва қобилиятларни баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади. Мақсаднинг англаниши – касбий вазифаларни қўллашга бир қадамдир. Мақсаднинг ҳосил бўлиши ва мақсаднинг қўйилиши муаммоси бутун педагогик фаолиятнинг тизимни ҳосил қилувчи таркибий қисм бўлиб ҳисобланади, мақсадларни тўғри қўйиш қобилиятига педагог меҳнати натижалари боғлиқ. Мақсад оғзаки ёки ёзма шаклда ифодаланган хулосалар жами сифатида юзага келади. Мақсадли компетентликнинг шаклланиши шу билан мураккаблаштирилганки, унда охириги натижа қай йўл билан олингани эмас, балки ўзи кўринади. Афсуски, талабалар кўп ҳолда қисқа йўл билан боришни афзал кўради – мақсадни таҳлилсиз ва олдиндан айтиб бера олмай, интуитив равишда аниқлайди.

2. Мазмуний компетенция касбий ўқитиш босқичларидан ҳар бирида таълим, тарбия ва ривожланиш мазмуни мақсадларига кўра аниқлаш қобилиятдан иборат. Таълим мазмуни муҳими Давлат таълим стандарти ҳисобланган меъёрий ҳужжатлар билан аниқланади. Ўқув жараёнини самарали қўллаш учун бўлажак технология ўқитувчисига қуйидагиларни билиш зарур:

- умумтаълим тайёргарликнинг ҳар бир босқичида кўзда тутилган ҳажмда технологик таълимнинг мазмуни;
- кўрсатилган мазмун ҳажми доирасида ўқувчиларнинг минимал зарурий тайёргарлигига бўлган талаблар;
- ўқитиш йиллари бўйича ўқув юкламанинг йўл қўйиш мумкин бўлган максимал ҳажми.

Касбий ўқитиш бўйича намунавий дастурлар фақатгина умумтаълим билим, кўникма ва қобилиятларнинг янада умумлашган таянч доирасини қамраб олади ва ишчи мактаб ва муаллифлик ўқув дастурларини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Улар асосида миллий таркибий қисмни акс этган ишчи дастурлар тузилади. Умумтаълим Давлат стандартида миллий-

минтақавий ва маҳаллий таркибий қисмларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда технологияга ўқитиш ишчи дастурлари тузилади. Ўз халқи хусусиятини (халқ ҳунарлари, декоратив-амалий ижод, унда яшовчи халқнинг ўзига хослиги) акс этувчи таълим муассасаси ишчи дастурини ишлаб чиқишда педагог қобилияти ҳамда ўз ахборот, техник таъминот методик салоҳияти имкониятларининг ҳисобга олиниши ва, табиийки, ўқувчилар тайёргарлиги даражаси педагогнинг методик етуклигини исботлайди.

3. Педагогнинг мониторингли компетенцияси қайта боғлиқлик (назорат муаммоси) ва реал олинган натижаларни режалаштирилганлар билан қиёслаш, яъни таълим сифатини таъминлашни қўллаб қувватлашда педагог қобилиятини тавсифлайди. Таълим сифатини баҳолаш таълим жараёни натижаларининг аниқланишини кўзда тутди. Шу билан бир вақтда сифат – бу нафақат таълим маҳсули тўғри келиши керак бўлган меъёрий даража, балки натижани таъминловчи ҳам мазмун, ҳам шартлар, ҳам жараён дидир.

Педагогик ташхис – мониторингнинг таркибий қисми, у назорат, текшириш, баҳолаш, статик маълумотларнинг йиғилиши, уларнинг таҳлили, динамиканинг аниқланиши, маълумотлар олдиндан айта олишни ўз ичига олади. Дидактик ташхис қилиш мақсади бўлиб ўқув жараёни самарадорлигининг ўз вақтида аниқланиши, натижалари оқими таҳлили ва баҳоланиши ҳисобланади.

Бироқ замонавий талаблар шундан иборатки, махсус касбий компетенциялар замонавий касб таълими педагоги учун етарли эмас. Махсус касбий компетенциялардан ташқари касб таълим педагогининг методик, методологик ва педагогик фаолияти маданиятини акс этадиган компетенцияларга ҳам эга бўлиш зарур. Мазкур компетенция турига қуйидагиларни киритиш мумкин: рефлексив, когнитив, ташхисга оид, коммуникатив, ижтимоий.

Лойиҳавий фаолиятнинг мазмунли тавсифини ёритиб берадиган компетенциялар турининг ҳар бирида батафсилроқ тўхталамиз.

1. Рефлексив компетенция педагогнинг ўз меҳнатини интеграл, ажралмас қобилият билан баҳолай олиши билан боғлиқ. Гап унинг вазифалари, мақсадлари, воситалари, шартлари, натижалари ўртасидаги сабаб-оқибатли боғлиқликларни кўра олиш ҳақида юритилмоқда. Педагог айрим педагогик қобилиятларни баҳолашдан ўз малакаси, ўз фаолияти натижавийлиги, хусусийдан бутунни баҳолашга ўтиши зарур.

Педагогларнинг ўз-ўзини билиши тажрибанинг барча таркибий қисмлари уйғунлашган бирикмаси, бошқа одамлар ва ўз-ўзини билиши асосида юзага келади. Бунда мос ўз-ўзига баҳо бериш, ўз шахси ва фаолиятнинг ютуқлари ва камчиликларига бўлган ўзига хос талабчанлик, ўз ижодий ютуқлари ва омадсизликлари сабабини тушуна олиши зарур.

Заир-Бек Е.С. фикрига кўра, педагогнинг ўз-ўзини билиши педагог томонидан ўз шахси ва фаолияти турли хил томонларининг мос идрок қилиниши ва тушунилишига ёрдам берадиган рефлексив гностик вазифаларнинг муайян йиғиндиси жараёнини билдиради. Талаблар йўналганлиги ва хусусиятини эътиборга олиб, аутопсихологик компетентлик шаклланиши билан боғлиқ бўлган гностик вазифалар уч гуруҳга бўлинади: а) перцептив-рефлексив; б) диагностик; в) прогностик.

Педагогик рефлексия методик фаолиятда – бу қийиндан (иккиланишлар) ўз-ўзи билан муҳокама қилишга ва ундан чиқишни излашга бўлган кетма-кет ҳаракатлар жараёни. Рефлексия – касбий фаолиятни доимо таҳлил қилиш ва ҳар бир босқичини баҳолашга бўлган мажмуали фикрлаш қобилиятидир. Ўз ичига бир қатор асосий интеллектуал қобилиятларни оладиган рефлексив қобилиятлар ёрдамида ноаниқлик шарт-шароитида ўз касбий фаолиятини бошқариш мумкин. Шу билан бирга олиб қаралганда бу “асосий қобилиятлар” ўзига хос рефлексив технологияни ташкил қилади, унинг ёрдамида педагогнинг касбий тажрибаси ва маҳорати такомиллашади.

Асл педагогик йўналаганликнинг яққол кўрсаткичи бўлиб касбий-методик фаолият соҳасида қўйилган мақсадларга эришишда, узлуksиз равишда касбий тайёргарликни такомиллаштиришга интилишда индивиднинг эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган қизиқишлар ва истаклар ҳисобланади.

Педагогнинг ижодий индивидуаллигини идрок қилувчи йўналганлик асосини маънавий қизиқишлар ва эҳтиёжлар ташкил қилади. Уларга умуммаданий, махсус ва психологик-педагогик билимларга эҳтиёж ва уларнинг кадрини тан олишни киритамиз.

Психологик фан билан ўз фаолияти натижаларига эришишга ходимларнинг асосланишлари уч кўрсаткичи ажратилади: эришилган натижаларнинг баҳоланиши; уларнинг умумий фойдалилиги ва ижтимоий аҳамиятининг аниқланиши; эришилган натижалардан кейин ходим учун олинган оқибатнинг баҳоланиши.

Фаолият жараёнида амалга ошириладиган касбий-педагогик ўз-ўзини такомиллаштириш мотивацияси позитив оқибатларнинг англаниши, ижтимоий аҳамият ва ўз ютуқларининг кадрини кўзда тутуди.

Мотивация функцияси қўлланилиши самарадорлиги бўлажак педагогларнинг ўз-ўзини қўллаши, улар билан ўз шахсий ижоди салоҳиятининг ривожланиши ва очиб берилиши имкониятлари билан баҳоланади, бу эса юқори охирги натижалар ва ижодий мустақил ривожланишга асос соладиган шарт-шароитлар ва ундовчи стимулларни яратишни талаб қилади.

2. Когнитив компетенция ўз касбий даражани доимо оширишга тайёрлик, мустақил равишда янги билим ва қобилиятларни эгаллай олиш, мустақил ривожланиш ғояларини қўллаш ва ўз методик компетентлигини мунтазам бойита олишни тавсифлайди.

Заир-Бек Е.С. мустақил ривожланиш жараёнини “...педагогик қарорнинг тўғри келадиган вариантини танлаш учун мос асосни аниқлаш ва

содир этилган рефлексия ҳаракатидан тўғридан-тўғри келиб чиқиш; бу топилган вариант шахсиёт бошқарилишини тизимли ташкилига киритилади, у педагогик ҳаракат субъекти эҳтиёжлари, мақсадлари ва мотивлари шаклланишига етарли даражада сабаб бўлади, унинг шахсий хислатлари шаклланишига таъсир қилади, ўз-ўзини ифодалашга интилишни шартлаб беради”.

3. Педагогнинг ахборот компетенцияси махсус ва касб-педагогик билимлар ва фикрлаш усулларидан ташқари бўлажак касб таълими педагоги томонидан касбий фаолият жараёнида керакли ахборотнинг олинishi, қайта ишланиши ва ишлатилишида махсус қобилиятларнинг эгалланишини кўзда тутди.

Функционал тобе педагогик, ахборот, методологик, психофизиологик восита ва методикалар мажмуасини қўллаш орқали таълим ташхисига эришишга қаратилган янги ахборот технологияларининг эгалланиши алоҳида ўрин тутди. Янги ахборот технологияларининг инструментал тизими асосан – бу шахсий компьютер. У мультимедиа ва гипермедиа принциpidан фойдаланиш, CD-ROM (CompactDiscReadOnlyMemory) лар асосида курилган.

Ахборот компетентлигининг эгалланиши аҳамияти шундан иборатки, педагог тахсил олувчи устунликларини ҳисобга ола олсин, кўп даражали дасрликлардан, автоматлашган ўқитиш ва назорат тизимларидан фойдаланишда ҳар бир ўқувчининг ўқув фаолияти ҳақида тизимли тасаввурни таъминлай олсин.

4. Коммуникатив компетенция педагог коммуникатив фаолияти хусусиятлари, бўлажак касб таълими педагоглари билан ўзаротаъсири ўзига хослигини тавсифлайди. Урғу дидактик (тарбиявий ва таълимий) мақсадларга эришишга қаратилган педагогик фаолият самарадорлиги билан коммуникация алоқасига берилади. Коммуникатив компетенция юқори даражадаги мулоқотга эришишга ёрдам берадиган усулларни ўз ичига олади.

Уларга бошқанинг тутган ўрнини мулоқотда тушуна олиш, унинг шахсига қизиқиш билдириш, бўлажак касб таълими педагоги шахси ривожланиши, хулқ-атвори жиҳатлари бўйича ички ҳолатини тушунтириб бера олиши ва ўқий олиш, новербал мулоқот воситаларини (мимика, имо-ишоралар) эгаллаш, бўлажак касб таълими педагоги нуқтаи назарига тура олиш ва бошқа одам билан ишонч муҳитига йўналтириш, риторика усулларини эгаллаш, баҳоловчи ва айниқса интизомлаштирувчи ташкил қилинадиган таъсирларни ишлатиш, ўқитиш жараёнида демократик услубнинг устунлиги, педагогик вазиятнинг айрим жиҳатларига юмор билан қарай олиш киради.

5. Ижтимоий компетенция методик тайёргарлик даражасини ошириш ижтимоий аҳамиятини англаш, таклиф қилинган янги методик ёндашишлар ва уларнинг қўлланилишига жавобгарликни ўз зиммасига олиш қобилияти кўрсаткичи, шахсий қизиқишларнинг аниқ бўлажак касб таълими, таълим муассасаси, жамият эҳтиёжлари билан боғлиқлигининг намоён бўлиши ҳисобланади. У ахлоқий маданият, идеаллар, маънавий қадриятларни тавсифлайди. Бўлажак касб таълими педагогларида услубий тайёргарликни мустақил лойиҳалаштиришга ижтимоий тайёрлик таркибий қисми ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучлар бўлиб юқори ахлоқий эҳтиёжлар ва умумшахсий ва касбий ўз-ўзини такомиллаштириш далиллари; фаол ҳаётий позиция; доирасида ҳаёт тушуниладиган ўз асл вазифасини топиш ва у ҳақда қайғуриш “тўғри йўл” ҳисси, айнан шундай ўзини амалга ошириш заруритияга ишонч билан кузатиладиган кечинма ҳисобланади. Ҳеч қандай маъмурий методлар билан бошқариш методик тайёргарликнинг мустақил лойиҳалаштирилиши, эришиш усулларини мустақил танлаш орқали мустақил қўйилган мақсадга эришишни рағбатлантирувчи ўз меҳнати ижтимоий аҳамиятига асосланадиган мустақил ташкил қилинган педагог фаолияти билан сифатли самара бўйича тенглаша олишга қодир эмас.

“Компетенция”, “касбий компетентлик”, “лойиҳавий фаолият” ҳақидаги олимларнинг нуқтаи назарларининг батафсил таҳлили, касбий

компетентликнинг асосий таркибий қисмлари (А,К.Марковага кўра) ҳамда лойиҳавий фаолият хусусиятлари ва тузилишини аниқлагандан кейин ўз ишимизда яна бир, фикримизча, касбий компетентликнинг муҳим бўлган таркибий қисми – лойиҳавий компетенцияни аниқлаш ва изоҳлаб беришга уриндик. Лойиҳавий компетентлик, биринчидан, касб таълими ва замонавий педагогнинг рақобатдошлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда муҳим ўрин тутди, сабаби тахсил олувчилар таълими сифатини оширувчи педагогик лойиҳаларни таълим жараёнига тайёрлаш ва жорий этиш учун зарурий бўлган билим, қобилият ва шахс хислатлари йиғиндисини билдиради. Иккинчидан, педагогнинг лойиҳавий компетентлиги лойиҳавий фаолият самарадорлигини таъминловчи педагогик вазифаларни ҳал этиш шартларининг ўзгаришларига кўра ўзгарувчан, динамик, ўз вақтида тўғриланадиган компетенциялар мажмуасини билдиради. Умумий кўринишда у касбий амалиётда мавжуд бўлган лойиҳавий фаолиятнинг амалга оширилиши тажрибасини натижавий қўллаш қобилияти ва тайёрлигида ифодаланади ва умумий касбий-педагогик компетентликнинг қисми бўлиб ҳисобланади, унинг шаклланиши бўлажак мутахассислар тайёргарлигининг барча асосий йўналишлари бўйича амалга оширилади. Учинчидан, лойиҳавий компетентлик - ностандарт лойиҳавий фикрлашнинг шаклланиши, инновацион педагогик стратегияларнинг эгалланиши юқори даражаси ва педагогик фаолият мазмуни, воситалари ва методлари, шартлари ўзгаришига мослашишга қаратилган лойиҳавий қобилиятлар ва компетенциялар мажмуасини эгаллашнинг юқори даражасидир.

**Гуманистик таълимий  
парадигма педагогнинг  
лойиҳалаш маданиятини  
ривожлантириш асосий  
моделли сифатида**

“Инсонпарварлик педагогика”си замонавий тарбия назарияси ва амалиётида XX асрнинг 50-йиллари охири – 60-йилларининг бошларида АҚШда пайдо бўлган йўналиш.

Инсонпарварлик педагогикасининг фалсафий-ғоявий йўналганлиги педоцентризм ғояларига яқин. “Детоцентризм, педоцентризм – тарбиявий концепция бўлиб, оиланинг қизиқишлари фақат болага қаратилади. Детоцентризм кўпроқ бир болали ва тўлиқсиз оилалар учун хос”. Инсонпарварлик педагогикасида тарбиянинг бош мақсади шахснинг ўз-ўзини актуаллаштиришидир. Инсонпарварлик педагогикаси эса янги тарбиялаш ва “прогрессивизм” педоцентризми ғояларига яқинроқ. Педагогдан у болани қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишни, унинг сезгиси ва эҳтиёжларини ҳис этишни талаб этади. АҚШда у бошланғич, ўрта ва олий мактабда ўқув курсларининг мазмунига ва қурилишига таъсир кўрсатади.

“Инсонпарварлик психологияси” XX асрнинг 50-йилларида АҚШда бихевиоризм ва фрейдизмга қарши юзага келган ҳамда унинг асосида тарбияланувчининг шахсий манфаатларини биринчи ўринга қўйиш ётади. Хусусан, бу қараш вакиллари тасодифан юзага келадиган кичик гуруҳлардаги машғулотларни афзал биладилар.

Инсонпарварлик таълимотининг асосчиларидан бири Карл Роджерсдир. Ўзининг педагогик қарашларини К.Роджерс инсон ҳулқидаги ўзгаришлар асоси сифатидаги унинг қобилиятлари шахсий тажрибаларга таянган ҳолда ўсади, ривожланади ва ўргатилади, деб таъкидланган “Freedom to learn for the 80’s” китобида баён этган. Кимнидир ўзгартириш, унга тайёр тажрибани узатиш керак эмас. Фақат унинг ривожланишига имкон берувчи муҳитни яратиш мумкин. К.Роджерс бундай муҳитни яратишни “қулайлаштириш” (ингл. facilitate) деб атайди.

Бугунги кунда бутун дунёда қулай муҳитни яратувчи ўқитувчиларни фацилитатор деб аташади. Бундай муҳитни яратиш шарт-шароити тарбиячининг билими ва интеллектига боғлиқ бўлмайди. Ундан фақат тарбияланувчини нимани яхши кўриши, нимага қизиқиши, нима билан шуғулланишини аниқ белгилай олиш талаб этилади. Фацилитаторнинг муҳим ҳиссиёти сифатида К.Роджерс эмпатия, тарбияланувчи шахсига



ижобий баҳо бериш, фацитаторнинг тарбияланувчига мувофиқлигини киритади. Фақат ана шундай шароитда шахс ўз хулқ-атворини ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

К.Роджерс анъанавий педагогиканинг қуйидаги қоидаларидан қониқиш ҳосил қилмайди:

1. Ўқитувчи билимларни баён этади, ўқувчилар уларни ўзлаштиришга ҳаракат қилади.

2. Дарс ва имтиҳонлар – таълимнинг асосий таркибий қисмлари. Дарс билимларни шакллантириш шакли, имтиҳон эса эгалланган билимларнинг даражасини аниқлайди.

3. Ўқитувчи бошқарувчи, таълим оловчилар эса унга бўйсунувчилар сифатида акс этади.

Бу билан боғлиқликда К. Роджерс таълимнинг икки турини ажратиб кўрсатади: оддий билимлар, фактлар билан қуроллантирадиган ахборий ва таълим оловчиларга уларнинг ўз-ўзини ўзгартириши ва ўз-ўзини ривожлантириши учун зарурий, ҳақиқий билимлар берувчи аҳамиятли таълим. Инсонни шахс сифатида шакллантирувчи таълим шахсга йўналтирилган ёки К. Роджерс фикрича, аҳамиятли таълимдир.

Ўқитувчи ўз фаолиятида ўқувчиларининг ўз-ўзини тўла намоён эта олишига таяниши зарур. “Унинг ўқитиши ўқувчилар катта қизиқиш билан ҳал этадиган, ҳар доим ҳам ўзи мустақил мураккаб вазиятлардан чиқиш йўлини топа олмайдиган, ўқитувчининг ёрдамига таянадиган ва ижод қилишга такрорланмас истакни ҳосил қиладиган ҳаётий муаммолар билан ўзаро ҳаракатга киришиши асосига қурилиши керак. Ўқитувчининг роли ўқувчилар билан шундай шахсий ўзаро муносабатларни ва юқорида тилга олинган тенденцияларни намоён бўлишига имкон берувчи психологик муҳит ташкил этишда ўз аксини топади”.

К.Роджерснинг фикрича, инсонни концентрлайдиган таълимнинг натижаларини таълим муассасасидаги баҳолар билан баҳолаш мумкин

бўлмайди. Унинг мезонлари эгалланган билимларнинг миқдор ва ҳатто сифат кўрсаткичларида эмас, аксинча бу ўзгаришлар шахсда, унинг ўсиши ва ривожланишида акс этади. Уларга қуйидаги турдаги ўзгаришлар киради:

- инсон ўзини тўла идрок эта бошлайди;
- у кўпроқ ўзини ва ўз туйғуларини қабул қилади;
- кўпроқ ўзига ишонч ва автономен шаклланади;
- ўз олдига реал мақсадлар қўяди, ўзида комилликни кўради;
- унда инсоний қиёфа шаклланади;
- бошқа одамларни қабул қилиш ва тушуниш бошланади.

Бугунги кунда, инсонпарварлик педагогикаси ҳақида кўп гапираяпмиз, ҳар қандай педагогика маълум аниқ тарихий шароитларда шаклланади. Шу сабабли у ҳақдаги мулоҳазалар, унга абстракт (мавҳум) инсонпарварлик нуқтаи назардан ёки бошқа давр мезонлари нуқтаи назаридан қараш уни “инсонпарвар” каби “инсонпарвар бўлмаган” сифатида ҳам баҳолашни юзага келтириши мумкин. Педагогиканинг илмийлиги, демак, унинг инсонийлиги ҳам унга хос бўлган бола шахси моҳиятини тушуниш, уни ривожлантириш воситаларини мақсадга мувофиқ излаш даражаси билан белгиланади. Ҳамма даврларда ҳам педагогика инсон ва жамиятнинг илғор ривожланиш талабларига мос келишга интилган. Одамлар ўртасидаги муносабатларга, болаларга таъсир этиш ва улар билан ўзаро алоқаларда инсонга қарши воситалар, усуллар ва методлар мавжудлиги бутунлай бошқа тушунчаларни ифода этади. Буни педагогика эмас, балки болаларни тўла итоаткорлик ёки ваҳшийлашиш ҳолатига киритиш борасида масъулиятни билмайдиган, одамийликка зид тизим деб аташ мумкин.

Айтиб ўтилганларнинг барчаси педагогиканинг инсонпарварлиги ёки инсонпарварликка зидлик муаммосининг аҳамияти ва қарама-қаршиликларини аниқлаб олиш учун илм аҳлинини қизиқтирадиган бир қатор масалаларни объектив аниқлаб олишга мажбур этади.

“Инсонпарварлик” тушунчаси моҳиятини, унинг турлари ва илмий педагогика билан муносабатларини қандай талқин қилиш керак? “Фалсафа комусий луғат”да инсонпарварлик “Одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фаилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш ғоялари билан суғорилган дунёқараш” сифатида қаралади. “Педагогик энциклопедик луғат”да эса, инсонпарварлик шахс сифатида инсон, унинг эркин ривожланиши ва ўз қобилиятларини намоён эта олишини қадрият сифатида қабул қилиш эканлиги уқтирилади.

Кенг маънода инсонпарварлик – инсонни шахс сифатида қадрият деб белгилайдиган, унинг эркинлик, бахтга бўлган ҳуқуқи, ўзининг қобилиятларини намоён этиши ва ривожлантириши, ижтимоий институтларнинг баҳолаш мезонларида инсон равнақини ҳисобга оладиган қарашларнинг тарихий ўзгарувчан тизими, инсонийлик – одамлар орасида кутиладиган меъёрий муносабат.

Инсонпарварлик яна асосида инсоннинг чексиз имкониятлари ва унинг комилликка доир интилишлари, ўз қобилиятлари, қарашларини эркин намоён этишга доир шахс ҳуқуқини эътироф этиш турадиган, инсон равнақини ижтимоий муносабатлар даражасини баҳолаш мезони сифатида тасдиқлайдиган дунёқараш тамойили тарзида ҳам қаралади. Ҳозирги вақтда мазкур тамойил педагогиканинг асосий тамойилларидан бири сифатида шакллантирилди.

Инсонпарварлик тушунчаси бошқа одамларга ва Ер юзидаги барча тирик мавжудотга эзгу, раҳмдил, ғамхўр муносабатни намоён этадиган шахс сифати, инсонийлик тарзида баҳоланади.

Зеро, инсонпарварлик дунёда инсонга энг олий қадрият сифатида қарашнинг яхлит концепциясидир. Бу концепциянинг асоси – шахс қадр-қимматини ҳимоя этиш, унинг озод, эркин ривожланишга бўлган ҳуқуқининг тан олиниши; бунинг учун (хаётда, меҳнатда, ўқишда) мос қулай шарт-

шароитлар яратишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда таълимни инсонпарварлаштиришни унинг таркибий қисмига киритиш зарур ва муҳим саналади. Лекин уни таълимнинг таркибий қисмига киритиш учун фақат ўқув фанлари таркибидагина эмас, балки инсоннинг кадр-қимматини юқори кўювчи ўзаро муносабатлар маданиятини таркиб топтирувчи таълим муҳитини юзага чиқаришни талаб этади.

Эҳтимол, “таълим” деган атамани яхшилаб тушуниб олишнинг энг яхши йўли бошқа бир атама, яъни “ўрганиш”га аниқлик киритиб олиш бўлса керак. Ушбу тушунча таълимнинг ажралмас қисми бўлишига қарамасдан, кўплаб ўқув дарсликлари муаллифлари ва олимлар “ўрганиш”ни таърифлашда чалқашликка йўл қўядилар. Ҳодкинсон ва Маклеод (2010, 174-бет) таъкидлаганидек:

*Ўрганиш кўп жамият ва маданиятларда турли, тез-тез зид маъноларда ишлатиладиган концептуал ва тил қурилмасидир. Ўрганишнинг дунёда аниқ жисмоний ёки моддийлашган ўхшаши мавжуд эмас.*

Мана шу ноаниқлик назарда тутиладиган бўлса, Иван Ильич томонидан таклиф этилган таъриф, балки шундай таърифлар ичида энг маъқули бўлиши мумкин: “ўрганиш янги малака-кўникма ёки тушунча орттириш деган маънони англатади” (1973, 11-бет). Бу атамаларда “ўрганиш” жараёни шахснинг янги малака-кўникмалар орттириши ёки билим ва тушунишнинг янги шакллари эгаллаши назарда тутилади. Ўрганишнинг бундай турли жиҳатлари Бенжамин Блумнинг машҳур “таълимий мақсадлар таснифи”да (1956) ҳам акс этган. Унда Блумнинг таъкидлашича, барча ўрганиш учта соҳа билан таърифланиши мумкин: психомотор соҳа (қўл ва жисмоний малака-кўникмалар, яъни “бажариш”); аффектив соҳа (ҳис-туйғулар ва муносабатлар, яъни “ҳис этиш”); ва билиш соҳаси (интеллектуал қобилият ва билим, яъни “фикрлаш”).

Ўрганишга маҳсулот сифатида ёндашиш керакми ёки жараён сифатида, деган масала педагоглар орасида келишмовчиликка сабаб бўлган муҳим

масалалардан биридир. Ўрганиш ҳақида XX асрнинг биринчи ўн йиллиги давомида ишлаб чиқилган назарияларнинг кўпи ўрганишга, албатта, яқуний маҳсулот ёки натижа, кўпинча хулқдаги фарқли ўзгариш сифатида тушунча берган. Ўрганиш ҳақидаги бундай тушунча “бихевиористик” концепцияда шахс орттирган тажриба натижаси ўлароқ унинг хулқдаги доимий ўзгариш сифатида ифодаланган. Ўрганиш ҳақидаги бундай фикр ўрганишни тушунишнинг машҳур усули бўлиб қолмоқда — айниқса, ўқувчилар орасида. Кўпчилик ўқувчилар (ва айрим ўқитувчилар) ҳамон ўрганишни асосан “билим олиш” ва “бўш идишни тўлдириш” (бу фикрларни Карл Берейтер (2002) ўрганиш ҳақидаги “халқ” назариялари деб таърифлаган)дан иборат деб тушуниб келмоқдалар. Бу концепциялар Рожер Салжо (1979)нинг 1970- ва 1980-йиллар давомида олиб борган илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган бўлиб, унда у кўпсонли катта ёшли ўқувчилар орасида сўровнома ўтказган ва билим олиб юрган пайтларида нималар қилганликлари ҳақида уларнинг тасаввурларини ўрганган. Маҳсулот сифатида ўрганиш ҳақидаги фикр Салжо олган биринчи уч жавобда шубҳасиз акс этган, яъни:

- *ўрганиш – билимдаги миқдорий ўсиш, ахборот олиш ёки “кўп билиш”;*
- *ўрганиш – ёдлаш, қайта ишлатиш мумкин бўлган ахборотни тўплаш;*
- *ўрганиш – сақлаш ва керак бўлганда ишлатиш мумкин бўлган фактлар, малака-кўникма ва усулларни эгаллаш.*

Салжо олиб борган илмий тадқиқотда аниқланган тўртинчи ва бешинчи тоифали жавобларда ўрганиш ҳақида ўзгача тушунча мавжудлигини кўриш мумкин. Шунингдек, айрим ўқувчилар ўрганишни яқуний маҳсулот эмас, балки узлуксиз жараён деб таърифлаганлар, яъни:

- *ўрганиш – маъно чиқариш ёки маънони мавҳумлаштириш; ўрганиш муҳокама мавзусининг бир-бирига ва ҳақиқий ҳаётга боғлиқ қисмларини ўз ичига олади;*

• ўрганиш – борлиқни ўзгача усулда талқин қилиш ва тушуниш; ўрганиш билимни қайта талқин қилиш орқали дунёни англашни ўз ичига олади.

Ўрганишни узлуксиз жараён сифатида тавсифловчи охириги бу таърифлар ўрганувчи аввалги тажрибасини, олган билимини янги билимлар билан янада бойитиб боради ва, айрим ҳолларда, натижа сифатида ўз хулқини ўзгартириб боради, деган фикрни беради. Бу ўрганиш ҳақидаги бир караш бўлиб, аксарият педагог ва психологлар унга қўшиладилар (у билан 4-бобда танишамиз). Жером Брунер (1996, 146-бет) кайд этганидек, ўрганиш “шунчаки ўзлаштирилиши яхши бўлган ахборотни қайта ишлашдек техник иш эмас”, балки у ўзи ким эканлигини англаган ва ўзи яшайдиган дунё ҳақида тушунчага эга бўлган шахсни ўзига жалб этади. Шу нуқтайи назардан, ўрганиш тарқоқ, узук-юлуқ билим олиш эмас, балки узлуксиз “иштирок этиш” жараёни сифатида олиб қаралиши мумкин (Сфард, 1998).

Шу боис, баъзан ўрганиш – содир бўлаётганидан одамлар беҳабар бўлган ғайриихтиёрий ва режалаштирилмаган жараён бўлиши мумкин. Алан Рожерс (2003) бундай ўрганиш турини доим содир бўлиб турадиган “онгли равишда берилган вазифа”нинг узлуксиз жараёни деб таърифлайди. Рожерс таъкидлаганидек, бу ўрганиш “аниқ, бевосита ва маълум бир фаолият билан чекланган; у умумий принциплар билан боғлиқ эмас” (Рожерс, 2003, 18-бет). Масалан, болалар тарбияси ёки уй-рўзғор ишларини юритишда иштирок этадиган ўрганишнинг катта қисми шу таърифга мос келади, дейиш мумкин. Баъзи шарҳловчилар бундай ўрганишни ғайришуурий ёки яширин деб таърифлаган бўлсалар, Рожерс (2003, 21-бет)нинг фикрича бунда одамлар вазифадан боҳабар бўладилар. Бошқача айтганда, ўрганувчи ўрганаётган нарсасидан беҳабар бўлган ҳолда мавжуд аниқ вазифадан одатда хабардор бўлади.

Албатта, “ўрганиш”ни таърифлаб бериш сўралганда, аксарият одамлар бирмунча уюшган ва режалаштирилган фаолият шакллари ҳақида мулоҳаза

юритадилар. Шу маънода, ўрганиш кўпинча шахслар онгли равишда машғул бўлган жараён бўлиши мумкин. Рожерс (2003) буни “онгли равишда ўрганиш” ёки “расман ўрганиш” деб номлайди, яъни кимдир томонидан қандай бўлмасин енгиллаштирилган ўрганиш. Буни юқорида қайд этилганидек, тасодифий тажриба тўплами эмас, балки “маърифий ўрганиш” деб таърифлаш мумкин. Бу таъриф ўрганишнинг онглилигини назарда тутиб, унда шахслар ўзлари машғул бўлган вазифа ўрганишнинг у ёки бу шаклини ўз ичига олганидан тўлиқ хабарлари бўлади. Рожерс қайд этганидек, бу жараён одатда ўрганишнинг бошқариладиган кўринишларини ўз ичига олади, бошқача айтганда, “ўрганиш ўз-ўзидан вазифадир. Расман ўрганиш нимаики қилса у ўрганишни онглироқ ва кучлироқ қилади” (2003, 27-бет)<sup>1</sup>.

**Таълимни инсонпарварлаштириш** – унинг мазмуни, тамойиллари, шакл ва методларини янгилаш, уларнинг ўзаро алоқаси ва бирлигини таъминлаш орқали шахсни ҳар томонлама шакллантириш ва ривожлантиришга йуналтиришдир.

Шахснинг ривожланиши ва ўқувчиларнинг ижтимоий аҳамиятга эга сифат ва қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган таълимнинг инсонпарварлик мазмунига яқинлашиш, уларни ҳаётда фаол иштирок этишга жалб этиш, унинг билиш билан қўшиливи ва маданиятни ўзлаштириши ҳамма-ҳаммаси сўнгги йилларда сезиларли шаклланди. Мазкур йўналишда сўнгги йилларда тарбияланувчилар онгидаги алдам-қалдамлик, уларнинг хулқ-атворини ҳаддан ташқари қатъий белгилаш, уларга қаттиқ таъсир этиш, танқидий фикрлаш тарзига эга бўлмаган қарашлардан воз кечиш ёрдамида кўплаб инновациялар йўналтирилди. Бундай ақидапарастликка қарама-қарши ўлароқ, миллий ва чет эл педагогикасида тарбияланувчи шахсини ҳурмат қилишга йўналтирилган, унда мустақилликни шакллантирувчи, тарбиячи ва тарбияланувчилар орасида инсонпарвар, ишончга асосланган

---

<sup>1</sup> Neil Selwyn. Education and Technology: Key Issues and Debates. – Australia: Continuum, 2011. – P.2-5.

муносабатларни таркиб топтириш қоидаларидан фойдаланиш, “таълимни инсонпарварлаштириш”, яъни инсонпарварлик тамойили юзага чиқади. Бундай асосга қурилган таълим эса, шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

Таълимни инсонпарварлаштириш энг умумий маънода, таълим жараёни иштирокчиларининг муносабатларини авторитар педагогик мулоқот услубидан демократик мулоқот услубига алмаштириш асосига ташкил этилиши билан тавсифланади. Бунда асосийси – тарбияланувчи шахсига ҳурмат ва таълим мазмунида ижтимоий тажриба тарзида олинган инсоният маданияти билан таништириш йўлида унинг маънавий имкониятини ҳисобга олиш. Таълим жараёнининг моҳияти ижтимоий тажрибани мақсадга йўналтирилган тарзда шахсий тажрибага алмаштириш ёки шахсий ва ижтимоий тажрибани қўшилишида намоён бўлади.

Таълимни инсонпарварлаштириш унинг етакчи тенденцияси сифатида таълимни инсонга қаратиш, унинг индивидуаллигини намоён бўлиши ва ривожланиши учун шароит яратишни ифодалайди. У инсонни юқори эҳтиёжлари: ўз-ўзини намоён этиш, ўз-ўзини реализациялаш, маънавий, ижтимоий ва касбий шаклланишида максимал даражада қониқишга йўналтирилган ўз ноёблигини йўқотиш, ҳаёт, табиат дунёси ва маданиятдан бегоналашиб кетиш хавфидан ҳимояланишга чақиради.

Узлуксиз таълим тизимининг инсонпарварлашуви – узлуксиз таълим назарияси ва амалиётини тавсиф этувчи, дунёқарашга оид қоидалар ва тамойиллар йиғиндиси сифатида инсонпарварликка асосланувчи, инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқига ҳурмат, унинг тақдири ва ҳар томонлама ривожланишига ғамхўрликни акс эттирувчи, бундан ташқари одамлар орасида ҳақиқий инсонпарвар муносабатлар: ўзаро бир-бирини тушуниш, ўзаро ҳурмат, биргаликдаги ҳамкорлик, ўзаро ёрдам кабиларни таркиб топтириш зарурлигини таъкидловчи тушунча. Бошқача айтганда, таълим жараёни марказида таълим олувчи шахсини қарор топтириш.



Ўқув-тарбия жараёнини инсонпарварлаштиришни авторитар педагогиканинг шахсга педагогик таъсирини бекор қилиш, шахсга йўналтирилган педагогикага ўтиш тарзида педагог ва таълим оловчилар ўртасида меъёрий инсоний муносабатларни таркиб топтириш билан фарк қилиши, таълим оловчиларнинг шахсий эркинлиги ва фаолиятида ҳақиқий аҳамият касб этиш сифатида тушуниш лозим.

Инсонпарварлик нуқтаи назаридан таълим ва тарбиянинг туб мақсади шундаки, ҳар бир тарбияланувчи билиш ва мулоқот фаолиятининг тўла ҳуқуқли субъекти, ташаббускор шахс бўла олади. Ўқув-тарбия жараёнининг инсонпарварлаштиришнинг ўлчови қанчалик бу жараён шахснинг ўз-ўзини реализациялаши учун шароит яратганлиги, ундаги табиий лаёқатни юзага чиқарганлиги, унинг эркинлик, ташаббускорлик ва ижодкорлик қобилиятлари билан белгиланади.

Таълимнинг инсонпарварликка йўналтирилганлигининг натижаси сифатида биргаликда қайғуришга қобилиятли, эркинликка тайёргарлик, инсонпарварликка йўналтирилган танлов ва индивидуал интеллектуал салоҳиятга эга шахснинг шаклланишида намоён бўлади.

Педагогик жараёни инсонпарварлаштиришнинг умумий масалаларини таҳлил қилиб, А.А.Мелик-Пашаев уни амалга оширишнинг йўлларида бири “қандайдир фан доирасида кучни сарфлашда эмас, турли билим соҳалари, маданият, атроф-борликдан машғулот учун маълумот эркин танлаб олинадиган ва умумий тарзда педагогик вазифаларни бирлаштирадиган” таълим мазмунини қайта ташкил этишда акс этади, деб таъкидлаб ўтади. А.А.Мелик-Пашаев ёшларда “Мен” туйғусининг катта имкониятларига ишонч уйғота оладиган педагогнинг мавжудлигини инсонпарварлаштиришнинг иккинчи йўли, деб ҳисоблайди.

Олий таълим соҳасидаги инсонпарварлик ёндашув талаба шахси, унинг қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришга туб бурилиш, унинг истак ва имкониятларига жавоб берадиган таълим йўлини танлаш ҳуқуқини амалга

ошириш сифатида тавсифланади; бу давлат томонидан шахсий кизиқишларни, нафақат давлат томонидан, балки жамият томонидан ҳар томонлама ҳисобга олинишидир.

Шахсий-инсонпарварлик ёндашув шахс сифатларини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган таълим тизими марказида туради. Бундай ривожланишнинг ўлчови таълимнинг асосий натижаси, яхлитликда ўқитувчи, тарбиячи, бошқарувчи, тарбиявий муассаса иш сифати мезони, дея эълон қилинади.

Бундай ёндашув таълим оловчи шахси, унинг ички дунёси, қобилиятлари, имкониятлари, эркинлик ва адолатлилик, яхшилик ва бахтнинг ахлоқий куч-қудратини ривожлантиришга йўналтирилган. Олий таълим муассасасининг мақсади – шахснинг ички кучлари ва имкониятларини уйғотиш, уларнинг тўлиқ ва эркин ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишдир.

Ўқув-тарбия жараёнида талабага шахсий-инсонпарварлик ёндашуви қатор тадқиқотларда (Л.Д.Столяренко, И.С.Якиманский, Г.К.Селевко, Н.Н.Азизхўжаева, М.Очилов, Н.Сайидахмедов, Р.Сафарова, Ф.Р.Юзликаев, Ў.Толипов) шахсга йўналтирилган педагогик технологияларнинг коммуникатив асоси сифатида ўрганилган. Мазкур ёндашувнинг моҳияти қуйидаги ғояларнинг йиғиндиси тарзида юқорида номлари қайд этилган муаллифларнинг концепцияларида акс этган:

***1. Таълим мақсади, ўқув-тарбия жараёнининг шахсга йўналтирилганлиги сифатидаги шахсга янгича қараш.*** Бу қуйидагиларни билдиради:

- шахс педагогик жараённинг объекти эмас, субъекти сифатида акс этади;
- шахс – қандайдир ташқи мақсадларга эришиш воситаси эмас, таълим тизими мақсади;
- ҳар бир талаба қобилиятли, кўплаб талабалар иқтидорли;

- шахснинг муҳим сифатлари сифатида юксак ахлоқий қадриятлар (яхшилик, севги, меҳнатсеварлик, виждон, кадр-қиммат, фуқаролик ва бошқалар) акс этади.

Кўпчилик одамлар “таълим” ҳақида гапирганларида улар расман ўрганишнинг муассасалар томонидан таъминотини назарда тутадилар, яъни маълум тузилиш эга, тез-тез баҳоланадиган ва диплом бериладиган ўрганиш. Расмий таълим эҳтимол энг осон аниқлик киритиш мумкин бўлган, ва шу пайтгача ўқув адабиётларида энг кўп муҳокама қилинган таълим шакли бўлса керак. Муассасалар томонидан таъминланадиган бир қанча таълим шакллари мавжуд, уларнинг энг кўп учрайдигани — болалар ва ёшлар учун мактаб базасидаги мажбурий шакл. Шунга ўхшаш мажбурий таълимдан кейинги узлуксиз таълим шакллари ҳам мавжуд бўлиб, улар коллеж, университет ва турли масофавий таълим кўринишлари шаклида учрайди. Расмий таълим мактаб ва университет кабилардан ташқарида ҳам топилиши мумкин. Масалан, катта ёшлилар учун таълим муассасалари юзма-юз ва масофавийлик асосида бир қатор тўлиқ ва нотўлиқ имкониятларни таклиф этади. Ишхона базасидаги машғулотлар ҳам катта ёшлилар расмий таълимнинг муҳим манбалари, жумладан, соғлиқ ва хавсизлик машғулотлари, ишга боғлиқ кечки синфлар ҳамда касбий ўсишнинг анча мураккаб шаклларинини таклиф этади. Таълимнинг бу шакллари “умрбод ўрганиш” деган кенг тусунча, яъни нафақат мажбурий босқичларни, балки бутун умр давом этадиган таълим ва машғулотларни ўз ичига оладиган таълим тушунчасига жуда яқиндан боғлиқ.

Расмий таълим ҳақида келтирилган бу мисоллардан фарқли ўлароқ, Рожернинг онгли вазифа тушунчаси асосан норасмий таълим деб аталадиган тушунчага алоқадор. Қайсидир маънода, норасмий таълим шунчаки “биз алоҳида ёки жамоа бўлиб, ташқаридан тикиштириладиган мезонларсиз ёлғиз ўзимиз ёки муассаса томонидан ваколатга эга бўлган муаллим иштирокида” оладиган билим бўлиши мумкин (Ливингстоун 2000, 493-бет). Ҳозиргина

таърифи келтирилган расмий таълимнинг барча турларидан фарқли ўлароқ, норасмий таълим “одатда синфхонага асосланган ёки юқори даражада тузилган бўлмайди, қанчалик ўрганганликни назорат қилиш эса, авваломбор, ўрганувчинг ўз кўлларида бўлади.” (Марсик ва Воткинс 1990, 12-бет). Норасмий таълимнинг энг кўп тарқалган шакли ишхона базасидаги “иш жараёнида ўрганиш” ҳисобланади. Бундан ташқари, норасмий таълим умумий қизиқишлар, машғулотлар ва ишхонадан ташқаридаги хоббилар туфайли юзага келган бир қатор ўқув фаолиятларини ҳам ўз ичига олади.

Умуман олганда, “таълим” атамасини ўрганиш содир бўладиган шарт-шароитлар ва механизмлар сифатида яхшироқ тушуниб олиш мумкин. Бирок бу тушунчани англаб олиш учун биз ушбу китобнинг илк босқичидаёқ таълим шунчаки шахснинг ўрганишини тезлаштирадиган техник нарса эмаслигини эътироф этишимиз керак. Шу нарсани эътироф этиш зарурки, таълим даргоҳида содир бўладиган кўп нарсаларнинг ўрганиш билан алоқадорлиги кам ёки уларнинг унга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Кўпинча таълимнинг энг муҳим жиҳатлари ўрганиш жараёнида иштирок этаётган шахснинг бевосита ҳолатидан ташқарида бўлиши мумкин. Шунингдек, таълимнинг ижтимоий муҳитини қандай атама билан номлаш ҳақида ҳам мулоҳаза юритиш зарур. Бу мактаб, коллеж ва университет каби таълим муассасаларининг ташкилий маданиятлари ва микросиёсатларини ўз ичига олиши мумкин. Худди шунингдек, алоҳида ўқувчининг таълим билан қай тарзда шуғулланиши тез-тез уй-рўзғор хўжалиги, ишхона ва катта ижтимоий муассаса каби муҳитлардаги муаммолар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Ўз навбатида, бу муҳитларнинг ўзлари ҳам тижорат савдо майдонлари, миллий давлатлар ва жаҳон иқтисодидан кичик бўлмаган бир қатор каттароқ ижтимоий муҳитлар таркибига киради. Гарчи, эҳтимол, синфхона кузатувчисининг кўзига бирданига ташланмаса ҳам, бу катта таъсирларнинг барчаси хусусида ҳеч қандай мулоҳаза юритмасдан туриб таълимнинг бирор жиҳатини тушунтиришга уриниш ақлсизлик бўлган бўларди.

Шу боис, мазкур китобнинг барча жойида таълим технологиялари тўғрисидаги бизнинг муҳокамаларимизда муайян бир ўқувчининг муҳитидан ташқарида ва унинг бевосита ўқув муҳитида ётадиган таълим жиҳатларига тегишлича эътибор қаратдик. Жаҳон иқтисоди, ишчи бозори, сиёсий ҳамда маданий масканлар каби жамият “макро” даражасининг турли унсурлари ва таълим тизимлари ўртасидаги боғлиқликни ҳам кўрсатиб ўтдик. Бундан ташқари, биз ўрганиш фаолияти оилавий келиб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, даромад, гендер, irq ва синф каби ижтимоий ҳаётнинг кўплаб бошқа қатламлари билан чамбарчас боғланиб кетганлигини ҳам тушунишимиз лозим. Таълим ва технологияларни ўрганиш масаласи шунинг учун ҳам ўрганишнинг “техник” жиҳатларини англаш ҳамда таълимнинг ижтимоий дунёсига жиддий эътибор бериш орқали “ижтимоий-илмий” нуқтайи назардан кўриб чиқилиши лозим<sup>1</sup>.

**II. Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш.** Талабаларга инсонпарварлик ёндашувига қуйидагилар киради:

- педагогик муҳаббат, талабалар тақдирига қизиқиш билан қараш;
- талабага юксак ишонч билан қараш;
- ҳамкорлик, мулоқот маҳорати;
- тўғридан-тўғри мажбурлашдан воз кечиш;
- ижобий рағбатлантиришнинг муҳимлиги;
- талаба шахсига таълим субъекти, фаоллик ва эркин танлаш соҳиби

сифатидаги муносабат.

Муносабатларни демократлаштириш деганда:

- ўқитувчи ва талаба ҳуқуқларини тенглаштириш;
- талабанинг эркин танлашга бўлган ҳуқуқи тушунилади.

---

<sup>1</sup> Neil Selwyn. Education and Technology: Key Issues and Debates. – Australia: Continuum, 2011. – P.5-6.

**III. *Замонавий шароитда тўғридан-тўғри мажбурлашдан натижа бермайдиган метод сифатида воз кечиш.*** Мажбурлашсиз ўқитиш кўйидагилар билан тавсифланади:

- мажбурловсиз, ишончга асосланган талабчанлик;
- ўқитишга туғма қизиқишларни кўпайганлиги;
- мажбурлашнинг ўрнини муваффақиятга эришишга имкон берадиган истак билан алмаштириш;
- талабаларни эркинлик ва ташаббускорликка кўйиб берилиши;
- жамоа орқали билвосита талабаларнинг қўлланилиши;
- талабаларга уларнинг субъективлиги, ўз-ўзини намоён этиши, ижтимоийлашуви, маданий тенглашуви, ҳаётий ўз ўрнини белгилашига ёрдам кўрсатиш, педагогик қўллаб-қувватлаш.

**IV. *Индивидуал ёндашувни янгича талқин этиш:***

- “ўқув фанидан талабага қараб бориш эмас, талабадан ўқув фанига бориш” тамойилининг бажарилиши;
- талабаларнинг қобилиятлари ва мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш;
- ўртача ўзлаштирувчи талабага йўналганликдан воз кечиш;
- шахснинг энг яхши сифатларини излаш;
- шахсни психологик-педагогик ташхис этиш (қизиқишлари, қобилиятлари, йўналганлиги, Мен-қонцепцияси, характери, фикрлаш жараёнининг ўзига хослиги)нинг қўлланилиши;
- шахснинг ўқув-тарбия жараёнидаги ўзига хосликларини ҳисобга олиш.

**V. *Ижобий маънодаги “Мен-қонцепцияси”ни шакллантириш:***

- педагогик мулоқотнинг талабаларда ўзига ижобий муносабатни ривожлантиришнинг йўналганлиги;
- ҳаётий фаолиятнинг ижобий йўл-йўриқ ва мотивларини шакллантириш.

Таълим жараёнини инсонпарварлаштиришнинг моҳиятини кўрсатиб бериш инсонпарварлик педагогикасининг ўзига хосликлари, таълим ва тарбиянинг инсонпарвар йўналганлигини таъминлашда педагогнинг ролини аниқлашни талаб этади.

Ҳозирги вақтда инсонпарварлик педагогикаси тарбияланувчини ўқув-тарбия жараёнининг фаол, онгли, тенгҳуқуқли иштирокчиси ролида кўра оладиган, ўз имкониятлари асосида ривожлантирилувчи илмий назарий тизим сифатида талқин этилади.

Инсонпарварлик педагогикаси шахсга йўналтирилган. Унинг фарқли белгиларига қуйидагилар киради: шахснинг психик, жисмоний, интеллектуал, ахлоқий ривожланишини биргаликда эгаллаши ва унда аниқ доирадаги кўникма ва малакаларни шакллантириш; эркин, мустақил фикрловчи ва ҳаракатланувчи шахс, турли хил ўқув ва ҳаётий вазиятларда асосли танлаш қобилиятига эга инсонпарвар-фуқарони шакллантиришга бутун кучни тўплаш; ўқув-тарбия жараёнини самарали қайта йўналтиришга эришиш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш.

Инсонпарварлик педагогикаси тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

**Иштирок этиш.** Демократик жамият фаолият кўрсатиши учун унинг барча аъзолари жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари зарур. Уларнинг овоз бериш ҳуқуқларидан фойдаланишлари - биринчи даражали муҳим эканлигини билдиради ва демократик жамият ҳаётида иштирок этаётганлари янада юқори даражада намоён этади.

**Ҳамкорлик.** Демократик жамиятда ҳамкорлик қиладиган аъзолар ўртасида ўзаро мувозанат бўлмоғи лозим. Бу ижтимоий гуруҳларнинг ҳар томонлама ҳаракатланишига имкон берувчи ва шу билан бирга жамиятнинг барча аъзоларини улардаги имкониятларни тўлиқ намоён этишига имкон берадиган тузилмани таъминлайдиган мувозанат бўлиши мумкин. Ҳамкорликни рағбатлантириш учун ўқитувчи талабалар билан биргаликда

ишлаш учун шароит яратиши, ижтимоий билимларга доир махсус маърузаларни ташкил этиши, талабаларни ролли ўйинлар, психологик тренингларга жалб этиши мумкин.

**Индивидуалликнинг ривожланиши.** Ўқувчилар, айниқса кичик ёш даври болалари индивидуал ривожланишга эҳтиёж сезади. Демократлаштиришда индивидуализм жамият олдидаги жавобгарлик туйғуси билан мувофиқ келиши керак. Индивидуалликка яқин бўлган “автономлик” тушунчаси шахс ўзининг хатти-ҳаракатлари учун жавоб бера олишини талаб этади. Аудиторияда намойиш этиш мумкин бўлган шахсий лойиҳалар, ҳисоботлар, санъат асарлари, мусика, кичик сахна асарлари, рақс талабаларга ўзини кўрсатиш ва индивидуаллигини ривожлантиришга имкон беради.

**Ўзини тута билиш.** Мазкур тамойил демократик жамиятда фуқаролар тартибга солинган фаолият билан банд бўлишларини кўзда тутаяди. Жавобгарлик туйғусини шакллантириш – педагогнинг муҳим вазифаларидан бири. Талабаларга ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилиш имконияти тақдим этилиб, ўқитувчи ўз-ўзини назорат қилишга олиб келувчи бундай хулқ-атворни етарли даражада тақдирлайди. Ўқитувчи талабаларга назорат варақлари ва жадваллар ёрдамида ўзларининг шахсий мувафаққиятини қандай кузатишларини кўрсатиб бериши мумкин.

**Хилма-хилликка сабрлилик (толерантлик).** Демократик (эркин) жамиятда турлича фикр ва қарашларни тушуниш ва сабр билан эшитишнинг ривожланиши зарур. Бу мураккаб вазифа, шундай бўлса-да, демократик ғояларнинг моҳиятини ташкил этади. Бошқа одамларни тушуниш, уларда инсонпарварликни намоён бўлишини кўра олиш, асосий ўхшаш ва фарқли жиҳатларини англай олиш қобилияти – асосий шарт, сабр-тоқатлиликни ривожлантириш учун зарурият. Гуруҳ талабалари бир-бирига хайрихоҳлик билан мурожаат қиладиган тарзда бўлиши, ўз навбатида талабалар бир-



бирига яхшилик қилиши керак, шундагина киши ўзида раҳмдиллик ва сабр-тоқатлиликни ривожлантиради.

**Қадр-қиммат.** Яхшилик ва ҳурмат билан боғлиқликда инсон қадр-қиммати ҳам улар билан бир қаторда туради. Бошқаларга ҳурмат ва ҳушмуомалалик билан муносабатда бўлиш кўникмалари ташаббускорлик, ишбоп ва дидактик (ўқув) ўйинларда роллар ижро этиш натижасида, мунозара жараёнида, бадиий асарлар, тенгдошлар ҳаёти ва катта авлод кишилари мисолида ривожланиши мумкин.

**Эркинлик.** Демократик жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланиши кўп жиҳатдан унинг аъзоларининг эркинлик даражасига боғлиқ. Демократияни сақлаш ва ривожлантириш учун индивидуал ва жамоавий даражада эркинликка эришиш зарур. Талабалар қачонки, уларга ўз танлови асосида шуғулланишларига имконият тақдим этилсагина, эркин ҳаракат қилишни ёрқинроқ англашни ҳис қиладилар.

Бу жараёндаги педагогнинг роли қуйидагиларда намоён бўлади:

- психологик қулайлик ва эркинлик шароитини яратиш;
- урғуни ўқув фанидан талаба шахсига бўшатиб бериш;
- ўқув мотивлари, билиш ва ижодий фаолликни ошириши учун шароит яратиш;
- фасилитатор, яъни шахснинг ахамиятли таълим олиши учун ёрдамчи ва рағбатлантирувчи вазифаларни бажариш;
- талабаларни танлаш, ўқув материаллари билан мустақил ишлашга ундовчи методларнинг қўлланилиши;
- таълимнинг ноанъанавий интерфаол методлари - мунозара, ролли ўйинлар, педагогик ва ҳаётий вазиятларни муҳокама этиш ва таҳлил этиш, конфликтларни таҳлил этиш ва ҳал этиш, янги педагогик технологияларни қўлланилиши.

**Педагогнинг лойиҳалаш  
маданиятини ривожлан-  
тиришга интегратив-  
аксиологик ёндашув**

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини шахсий ва касбий ижтимоийлаштиришда маданий-инсонпарварлик ёндашувнинг ўрни

педагогик касбига доир кадриятларни юзага чиқаришда ва педагогик маданиятга киришиш жараёни сифатида талабалар томонидан мазкур кадриятларнинг интериоризациясида намоён бўлади.

В.А.Сластёниннинг фикрига кўра, “Педагогик фаолиятга доир кадриятларнинг интериоризацияси бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маданиятига тамал тошини қўяди”.

Ўқитувчининг онгида мустаҳкамланган педагогик кадриятлар унинг шахслараро мулоқотида, ижодий фаолиятида, бола шахсининг ривожланишида, касбий ҳамкорликда, маънавий кадриятлар алмашинувидаги касбий йўналишлари тизимини ҳосил қилади.

Олимлар томонидан педагогик кадриятларнинг икки жиҳати алоҳида тадқиқ этилган:

- ўқитувчига унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришига имкон берувчи ва ижтимоий аҳамиятли инсонпарвар мақсадларга эришишга қаратилган унинг ижтимоий ва касбий фаоллигида йўл кўрсатувчи белги бўлиб хизмат қиладиган ўзига хос жиҳатлар;

- педагогик фаолиятни тартибга солувчи меъёрлар ва таълим ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги вужудга келадиган ижтимоий дунёқараш орасида восита ва боғловчи бўғин бўлиб келувчи билиш-фаолият тизими.

Педагогик фаолиятнинг аксиологик характери унинг инсонпарварлик мазмунида акс этади. Ўз навбатида, педагогик кадриятлар – бу педагогик фаолиятнинг шундай ўзига хослигики, улар нафақат педагогик эҳтиёжларни қондиришга имкон беради, балки унинг ижтимоий ва касбий фаоллигини мўлжалга олишга хизмат қилади. Педагогик кадриятлар ҳаётда ўз-ўзидан тасдиғини топмайди. Улар жамиятдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий

алоқаларга боғлиқ. Ана шу жиҳатни ҳисобга олиб, З.И.Равкин педагогик кадриятларни қуйидагича тасниф этади:

1) ижтимоий-сиёсий кадриятлар: таълимнинг ҳамма учун очиклиги ва бепуллиги, миллатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг билим олишдаги тенг ҳуқуқлилиги, ўқувчиларни ва ота-оналарнинг таълим муассасасини танлаш эркинлиги;

2) интеллектуал кадриятлар: билишга эҳтиёж, билишга қизиқиш ва фаоллик, ўқувчиларнинг ижодий фаолияти, фикрнинг гўзаллиги ва сўз билиш фаолияти воситаси сифатида;

3) ахлоқий кадриятлар: ўқувчининг бурч ва шахсий мажбуриятлари, унинг педагогик жараённинг субъекти бўлиш ҳуқуқи, билимларни эгаллашдаги ахлоқий рағбатлар ва мотивлар, ватанпарварлик ва фуқаролик, меҳнат ва бошқа кишиларнинг меҳнатини ҳурмат қилиш;

4) касбий-педагогик фаолиятга доир кадриятлар: ўқитувчи-тарбиячини меҳнат қилишга чорлаш, танлаган касбига масъулият билан ёндашув, педагогнинг маҳорати, унинг изланишли-тадқиқотчилик, инновацион фаолияти, коммуникатив қобилияти, ўқувчилар билан мулоқотдаги ижобийлик, педагогик маҳорат.

В.А.Сластенин эса, касбий йўналганлик тизимига асосланган ҳолда, педагогик кадриятларни қуйидагича тасниф этади:

1) мақсадли кадриятлар: шахсий Мен ва касбий Мен йиғиндисидаги бўлғуси ўқитувчининг шахсий концепцияси;

2) воситали кадриятлар: педагогик мулоқот, техника ва технология, мониторинг, инноватика, интуиция тизими;

3) муносабатли кадриятлар: педагогик жараён иштирокчиларининг муносабати, касбий-педагогик фаолиятга муносабат;

4) сифат кадриятлари: шахсининг хулқ-атвор, фаолиятга доир хилма-хил сифатлари.

5) билишга оид кадриятлар.

Ўзбекистонда таълимий кадриятлар соҳасида тадқиқот олиб бораётган олим Ш.Қ.Мардонов таълимий кадриятларнинг ўзига хослигига кўра, бир неча гуруҳга тасниф этади:

- 1) глобал концептуал кадриятлар;
- 2) аниқ таълимий кадриятлар;
- 3) таълимнинг индивидуал-шахсий характердаги кадриятлари;
- 4) инновацион педагогик технологиялар – умумбашарий (глобал)-концептуал таълимий кадриятлар;
- 5) шахсни шакллантириш;
- 6) таълимнинг демократик ва гуманитар йўналганлиги;
- 7) инсонпарварлик, шахс дунёқарашини шакллантириш.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштиришда ижтимоий-педагогик ва шахсий-педагогик кадриятлар муҳим ўрин тутди.

Ижтимоий-педагогик кадриятлар турли ижтимоий тизимларда иш олиб борувчи ва ижтимоий онгда намоён бўлувчи кадриятларнинг тавсифи ва мазмунини ақс эттиради. Бу таълим соҳасидаги жамият фаолиятини тартибга солувчи ғоялар, тушунчалар, меъёрлар, қоидалар, анъаналар мажмуидир.

Шахсий-педагогик кадриятлар ижтимоий-психологик таълим сифатида юзага чиқиб, уларда ўқитувчи шахсининг мақсадлари, мотивлари, идеаллари ва бошқа дунёқарашга оид хусусиятлари ақс этади. Бу хусусиятлар мажмуи унинг кадриятлар йўналиши тизимини ташкил этади. Кадриятлар йўналиши сифатидаги аксиологик “Мен” нафақат когнитив(билишга доир) таркибий қисмларни, балки инсоннинг ички йўналганлигида муҳим ўрин тутувчи ҳиссий-иродавий таркибий қисмларни ҳам ўз ичига олади. Унда ҳам ижтимоий-педагогик, ҳам педагогик кадриятларнинг индивидуал-шахсий тизимига асос бўлиб хизмат қилувчи касбий-жамоавий кадриятлар ўрин олган.

Педагогик кадриятларнинг индивидуал-шахсий тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шахснинг ҳам жамиятда, ҳам касбий муҳитдаги ўзини намоён этиши билан боғлиқ кадриятлар (педагог меҳнатининг ижтимоий аҳамиятлилиги, педагог фаолиятининг нуфузи, касбнинг яқин шахсий доирадагилар томонидан тан олинishi ва б.);

- мулоқотга бўлган эҳтиёжларни қондирувчи ва унинг доирасини кенгайтирувчи кадриятлар (болалар, ҳамкасблар, мансабдор шахслар билан мулоқот, болаларга бўлган меҳр ва ғамхўрлик, маънавий кадриятлар алмашинуви ва б.);

- шахснинг ижодий индивидуаллигини ривожлантиришга қаратилган кадриятлар (касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш имкониятлари, жаҳон маданиятига қўшилиш, сеvimли машғулот билан шуғулланиш, доимий камолотга интилиб бориш ва б.);

- ўзини ишга сафарбар этишга имкон берувчи кадриятлар (педагог меҳнатининг ижодий характери, педагоглик касбининг ҳиссиётга бойлиги ва мароқлилиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ёрдам бера олиш имконияти ва б.);

- прагматик (амалий) эҳтиёжларни қондиришга имконият берувчи кадриятлар (давлат томонидан қафолатланган иш, иш ҳақи, таътил, хизмат поғонасининг ошиб бориши ва бошқаларга эришиш).

Юқорида келтирилган педагогик кадриятлар ижтимоий ва касбий таркибий қисмларни ўз ичига оладиган, предметли мазмунига кўра фарқ қилувчи шахсий ва воситали кўринишларга ажралади. Шахсий кадриятлар – бу педагог меҳнатининг ижодий характерини, нуфузлилик, ижтимоий аҳамиятлилик, давлат олдидаги масъулият, ўз-ўзини намоён қилиш имконияти, болаларга меҳр ва ғамхўрликни ўз ичига олувчи мақсадли кадриятлардир. Бу турга хос кадриятлар ўқитувчи, таълим олувчиларнинг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Мақсадли кадриятлар бошқа

педагогик кадриятлар тизимида ҳал қилувчи аксиологик функциялар сифатида намоён бўлади, чунки унинг мақсадида ўқитувчи фаолиятининг асосий мазмун-моҳияти акс эттирилган.

Педагог педагогик фаолият мақсадларини амалга ошириш йўлларини кидирар экан, ўзини ва ўзгаларни ривожлантириш йўлидаги ўз касбий стратегиясини танлаб олади. Бинобарин, мақсадли кадриятлар давлатнинг таълим сиёсатини ва педагогика илмининг ривожланиш даражасини акс эттиради. Бу кадриятлар субъектлашган ҳолда педагогик фаолиятнинг аҳамиятли омилларига айланади ва воситали кадриятларга таъсир кўрсатади. Улар назария, методология, педагогик технологияларни эгаллаш натижасида шаклланиб, педагогнинг касбий таълими асосини ташкил этади.

Шахс учун зарурий кадриятлар қуйидаги мақсадли кадриятларни ўзида акс эттиради: ўқитувчи меҳнатининг ижодий ва серқирралилик тавсифи, унинг нуфузи ва аҳамиятлилиги, жамият олидаги юксак маъсулият, ўзини намоён қилиш, болаларга меҳр ва бошқалар. Бундай кадриятлар таълим олувчи ва таълим берувчи шахсининг, талабалар жамоаси ва педагогик жамоанинг ривожланиши билан боғлиқ педагогик фаолиятда ўз ифодасини топади.

Воситали кадриятлар мақсадли кадриятларга эришишда восита бўлиб хизмат қилади (меҳнат натижаларининг жамиятда тан олинishi, шахснинг қизиқишлари ва қобилиятларини педагогик фаолият тавсифига мувофиқлиги, касбий ўсиш ва б.).

Шунингдек, педагогик фаолиятга доир кадриятлар педагог нуқтаи назарини ҳам белгилаб беради.

Педагогнинг нуқтаи назари – бу унинг фаоллигининг манбаи ҳисобланган оламга, педагогик воқелик, педагогик фаолият ва хусусий ҳолатларга иродавий ва ҳиссий-баҳоловчи муносабати. Бу бир томондан, жамиятнинг унга қўядиган ва тақдим қиладиган талаблари, умидлари, имкониятлари билан аниқланади. Бошқа томондан эса, унинг доирасида

ички, шахсий фаоллик манбалар - майллар, кечинмалар, фаолият мотив ва мақсадлари, кадриятлар тизими, дунёқараш, идеаллар амал қилади.

Педагогнинг нуқтаи назарида унинг шахси, ижтимоий йўналиши тавсифи, фуқаролик хулқ-атвори ва фаолияти намоён бўлади.

Педагогнинг ижтимоий нуқтаи назари умумтаълим мактаби чоғларидаёқ, қарашлар, кадриятлар тизими тарзида шаклланиб, ривожланиб боради. Уларнинг асосида касбий тайёргарлик жараёнида педагоглик касбига, педагогик фаолиятнинг мақсад ва воситаларига нисбатан кадриятли муносабат таркиб топади. Педагогик фаолиятга нисбатан кадриятли муносабат, кенг маънода ўқитувчи шахсининг негизини ташкил этувчи йўналганликни ифодалайди.

Педагогнинг ижтимоий нуқтаи назари кўп жиҳатдан унинг касбий қарашини ҳам белгилаб беради. Бироқ, бу ерда ҳеч қандай тўғридан-тўғри боғлиқлик йўқ, чунки тарбия доим шахсга кўрсатиладиган ўзаро таъсирлардан ҳосил бўлади. Педагогнинг касбий нуқтаи назарини танланишида кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Аммо улар орасида ҳал қилувчи ролни касбга доир меъёрлар, шахснинг индивидуал-типологик хусусиятлари, темперамент ва характери эгаллайди.

?

## **НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР**

1. Лойиҳалаш услубидан фойдаланганда педагогларда қандай объектив қийинчиликлар пайдо бўлади?

2. Таълим жараёнида ушбу педагогик технологиянинг инсонпарварлик йўналиши ва унинг имкониятларини очиқ беринг.

3. Педагогнинг вазифалари педагогик лойиҳалашни тайёрлашнинг босқичлари билан қандай алоқада бўлади ?

4. Лойиҳалаш услуги ҳақидаги биринчи маълумотлар қачон пайдо бўлган? Уларнинг муаллифлари кимлар?

5. Лойиҳалаш услубининг асоси нимадан иборат? Лойиҳалаш педагогларни нима билан ўзига жалб қилади?

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Муслимов Н.А., Уразова М.Б. Проективная деятельность будущего учителя. Учеб.пособие. – Т.: GrandPaper, 2011. – 92 с.

2. Йулдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: 2011.

3. Педагогические технологии. Учебное пособие. Т.П.Сальникова – М.:ТЦ Сфера, 2005.

4. Ходжаев Б., Уразова М. Умумий педагогика. – Т.: ТДПУ, 2015.

5. Neil Selwyn. Education and Technology: Key Issues and Debates. – Continuum, Australia, 2011.

6. Terhart E. Teacher education in Germany. – Bucharest : UNESCO-CEPES, 2003.



## 2-МАВЗУ. ПЕДАГОГИК ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ – ЛОЙИҲАЛАШ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРТИ СИФАТИДА.

### РЕЖА:

1. Педагогик лойиҳалаш тушунчаси.
2. Педагогнинг лойиҳавий фаолияти хусусиятлари.
3. Педагогик лойиҳалаш тамойиллари ва алгоритми.

#### **Keywords and concepts:**

The design allows you to create and develop educational projects; designing activity of the future teacher of vocational education is related to the definition of educational problems, the construction of the concept of educational projects, authoring technologies, tracking results, correction and reflection projective action

#### **Педагогик лойиҳалаш тушунчаси**

Таълим-тарбия умумий тизимининг педагогни шахсий-касбий шакллантириш томон йўналганлиги кейинги йилларда талабаларни педагогик олий ўқув юртлири шароитида тайёрлаш таркиби, мазмуни ва технологияларида жиддий ўзгаришлар вужудга келишига олиб келди. Педагогик таълимнинг инсонпарварлаштириш, табақалаштириш ва халқчил-лаштириш узлуксиз таълим тизимини нисбатан тез мослашувчан, ўзгарувчан, очиқ қилди. Натижада талаба-ўқувчиларнинг ўзлари томонидан таълим олиш йўллари танлашга аниқ замин вужудга келди, бу эса уларнинг шахсий - касбий эҳтиёжлари ва интилишларига анча тўлиқ жавоб бера олади.

Таълимни инсонпарварлаштириш даставвал шахсга йўналтирилган таълим ғоясига асосланади, бу эса саводхонлик педагогикасидан ривожлантириш педагогикасига ўтишда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиб, таъкидлаганича, “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий

соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратиш ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз”.

Демак, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришнинг шахсга йўналтирилган таълим парадигмасига дахлдорлиги унинг асосий ҳолатларини аниқлаштиришни талаб қилади.

Шахсга йўналтирилган таълимдан кузатилган мақсад – кишида ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини йўналтира олиш, ўз тақдирини ўзи белгилай олиш механизмларини қўллаб - қувватлаш ва ривожлантиришки, булар шахсий, ўзига хос образнинг шаклланиши, кишилар, табиат, маданият билан диалогик ўзаро муносабатлари учун зарурдир. Шу билан бирга биз ўзининг имкониятларини амалга ошириш, деб киши томонидан унда мавжуд истеъдод ва қобилиятни энг юқори даражада ривожлантириш жараёни ва натижасини, уларнинг амалиётда тадбиқ қилинишини тушунамиз. Бу, шунингдек, шахснинг ўз-ўзини доимий ривожлан-тиришидан ҳам иборатдир. Ўз-ўзини англаш – шахснинг ўз ҳаракатлари, муомалалари, интилишлари, манфаатларини бошқа кишилар манфаатлари, ҳаракатлари, интилишлари билан мослаштиришга доимий интилишидан, ўзида ижтимоий манфаатларга амал қилишни вужудга келтиришдан, бунда ўзидаги шахсий ва тақрорланмас ўзига хосликни йўқотмасликдан иборат. Ўз ўрнини белгилаб олиш - бу шахснинг маънавий, ахлоқий ўрнини шаклланиши, ўзида “Мен”нинг ўрин олиши, ўзига, жамиятдаги, ҳаётдаги ўз ўрнига тушуниб етишидан иборат. Олий мактабда шахсга йўналтирилган ёндошувнинг амалга оширилишига бўлган зарурият олий мактабни ислоҳ қилиш йўналишида муҳим йўналишларни ишлаб чиқариш жараёнида расмийлаштирилган таълим тараққиёти билан ўз тасдиғини топади.

Унинг асосий қисмлари “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг ва “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури» ижро ҳужжатларида баён қилинган.

Дастурнинг ўзаро боғланган қисмлари шахсни шакллантириш ва унинг манфаатларини кондириш, узлуксиз таълим тизимини яратиш, ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги замон анъаналарига мос равишда фанни ривожлантиришдан иборатдир”.

Олий ўқув юртлари томонидан мутахассисларни тайёрлашни инсонпарварлаштириш муаммосини ечиш йўллари излаш ҳам ўқув фанларининг ўқитилишини ихчамлаштириш ва жадаллаштириш йўли бўйича, ҳам талабаларнинг яқка тартибда билим орттириш фазилатларини, уларнинг кизиқишлари, мойилликларини ҳисобга олинишини таъминлаш бўйича олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида таълимни такомиллаштириш шароитида аниқ методологик асосларни излаш долзарб тус олди. Касбий таълим сифати муаммоларини таҳлил қилиш жараёнида методологик асос сифатида педагогик лойиҳалаш намоён бўлади. “Педагогик лойиҳалаш - педагогнинг педагогик масалаларни ечишга қаратилган кетма-кет ўзаро боғлиқ ҳаракатлари тизими ёки олдиндан режалаштирилган педагогик жараённинг амалиётга кетма-кет мужассамланишидир”. Лойиҳалаш муаммоси ўзининг ривожланиш тарихига эга. “Педагогик лойиҳа” атамаси кўпроқ куйидаги маънога эга бўлган педагогик ишларда учрайди: таълимда, лойиҳа - таълим тизимини лойиҳалаштиришга қаратилган ҳолда расмийлаштирилган педагогик ғоялар, педагогик жараёнлар ва технологиялар мажмуаси, шунингдек уларнинг амалий жорий этилиш дастурларидир. Бу ҳолда лойиҳалаш, Е.С.Заир-Бекнинг фикрича, бор нарсани нимага айлан-тириш зарурлиги юзасидан ғоялар ва ҳаракат дастурини ишлаб чиқаришдан иборат. Ишлаб чиқилган ғоялар ва ҳаракат дастури (мазкур тадқиқотда – талаба шахсининг ўзига хос таълимий йуналтирилганлиги) лойиҳалаш маҳсули сифатида рўй беради. Лойиҳалаш касбий фаолият соҳаси сифатида техника, қурилиш, ишлаб чиқаришда пайдо бўлди, сўнг иқтисодиёт, бошқа-риш, ижтимоий соҳадаги фаолиятга, хусусан, педагогик фаолиятга тарқалди. В.Е.Радиононинг фикрича, лойиҳалашнинг кўп қиррали маданий-тарихий

феномени ўз фаолиятининг барча соҳаларида ҳозир бўлган исталган кишининг ҳаётий фаолиятнинг туб моҳиятидан келиб чиқади. Илмий ёки амалий жиҳатдан касбий педагогик фаолият бу қаторда мустасно эмас.

Кишининг мақсадга мувофиқ ҳаракати шу фаолиятдан олиниши мумкин бўлган натижаларни режалаштиришига боғлиқлиги олдиндан аниқланган. Асрлар давомида педагог ўзининг кундалик таълим бериш ва тарбиялаш амалиётида турли-туман қарорларни қабул қилишга тўғри келган ва бу айнан унинг шу каби қарорларнинг оқибатларини яқка тартибда режалаштиришига, унинг олдинги амалий тажрибаси остида ишлаб чиқилган касбий ҳис-туйғусига асосланган.

Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирларининг асарларида, жумладан, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоийларнинг асарларида, шунингдек, қадимги юнон файласуфлари Аристотел, Сократ, Платоннинг асарларида, ҳозирги кунда ҳам биз учун ғоят даражада қизиқарли бўлган, хусусан, таълим - тарбиянинг мақсади ва вазифаси, мазмуни ва усулларига оид ташҳисий мулоҳазалар ва фикрлар мавжуд.

Абу Али ибн Сино, улуғ қомусий олим, инсон моҳияти ва моҳиявий кучи муаммосини тадқиқ қилар экан, абстракт нарсаларнинг ғоявий етилиш маъносини “ҳаётий нарсаларни фикран қараш” сифатида аниқлади. Шунга кўра одам учун билим атроф дунёда мўлжални тўғри олиш учун, ҳодисаларни тушунтириш ва олдиндан кўриш учун, фаолиятни режалаштириш ва амалга ошириш ва бошқа билимларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлади. Билим - воқеликни ўзгартиришнинг жуда муҳим қуроли. У тез ривожланаётган ўзгарувчан тизимдан иборат, унинг ўсиши ҳозирги шароитда ўзининг суръати бўйича бошқа ҳар қандай тизимнинг ўсишига қараганда жадалроқдир. Кишиларнинг қайта ўзгартувчи амалий фаолиятида билимлардан фойдаланиш қоидаларнинг махсус гуруҳи бўлишини тақозо қиладик, бу қоидалар қандай ҳолатда, қайси восита ёрдамида ва қандай мақсадларга эришиш учун у ёки бу билим зарур

бўлишини кўрсатади. Бошқача айтганда, билим фаолият тизимига киради ва махсус шакл сифатида намоён бўлади, унинг асосида эса фаолиятдаги иш тартиби баён этилади.

Ўзининг фалсафий карашларида машҳур математик файласуф Абу Наср Форобий педагогиканинг фан сифатидаги айрим муҳим вазифаларини кўрсатиб ўтади. “Тарбиялаш санъати тамойили шундайки, - деган у, - тарбиялаш учун режа тузадиган кишиларнинг кўз олдидан қуйидагилар кетмаслиги керак ва бу шундай: болалар фақат ҳозирги кунгина эмас, балки келажак учун ҳам тарбияланишлари лозим, яъни, одамзод мафкураси учун ва унинг умумий бурчи учун тарбия олишлари керак”. Улуғ математик, астроном Мирзо Улуғбек ўз шогирдларига тез-тез шундай деб турган: “Агар Ердаги воқеликни яхши тушунишни истасанг, келажакни яхши режалаштира ол”. Астрономия, математика, физика, тиббиёт, география, тарих ва лингвистикага оид кўплаб асар ёзган буюк мутафаккир Абу Райҳон ал-Беруний таъкидлаган: “Ақлли киши келажак авлод учун фойда келтириб, у ақл ва идрок билан ҳаммани мушоҳада эта олсагина, руҳан қаноат ҳосил қилган”. Ватанимизда фаол ижтимоий-педагогик тафаккур ривож-ланишига Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори Абдурашид-хоновлар катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг асарларида келажак киши сиймосини яратиш ғояси муаммоси алоҳида ўрин эгаллайдики, унга эришиш йўлида тарбиянинг тегишли тизими барпо бўлиши лозим эди. Машҳур ўзбек педагоги Абдулла Авлоний ўз асарларида кўп марта ўз диққатини педагогиканинг вазифаларини таҳлил қилишда, унинг тарбия ҳақидаги фан сифатида тарбиявий фаолиятнинг санъат сифатидаги аҳамиятини ёритишга қаратди. Абдулла Авлонийнинг фикрича, «тарбия санъатларнинг олийсидир, санъат эса ҳали мавжуд бўлмаган томон интилади, унинг олдида ижодиётининг келажакдаги мақсади ва ғоявий сиймоси гавдаланади». Мутафаккир педагоглар қолдирган бой ижодий меросдан олинган мисоллар шуни маълум қиладики, улар педагогик режалаштириш (лойиҳалаштириш)

кадимдан муҳокама марказида бўлганлигини кўрсатади. Келтирилган фикрлар, шубҳасиз, ҳозирги замон педагогларининг ишларида мавжуд бўлган педагогик режалаштириш вазифаларини чуқурроқ таҳлил қилиш учун бошланғич нуқта вазифасини ўтайди. Лойиҳалаш – бу муҳитни фикран ўзгартиришдир. Лойиҳа ахборот муҳити доирасидаги фаолият натижаси, буюм эса - моддий объектлар муҳитидаги фаолият натижасидир. Шу ёндошувдан келиб чиқиб, Я.Дитрих томонидан лойиҳа буюмни мавҳум тасаввур этишни берувчи тушунчалар тизими, деб тушунтирилади; йиғма таҳлил натижасида олинган моддий жамланма хусусиятлари мажмуаси, у йиғма таҳлил натижасида олинади ва ижодий ёки ижро этиш ниятини ифодалайди. У ҳолда лойиҳалашга ҳаракатнинг айрим усулини танлаш сифатида қаралади, хусусий ҳолда – тизимли ҳаракатнинг мантикий асоси сифатида тушунилади. Лойиҳа – лойиҳачи томонидан бунёд этилган янги бино, у ҳолда лойиҳалаш жараёнининг ўзини ижодиёт тарзида қараш мумкин, яъни бирор янги нарсани ҳосил қилиш жараёни, деб. Ижодиётнинг моҳияти фалсафада ўрганилади. Диалектик материализм нуқтаи назаридан, “ижодиёт - кишининг ҳақиқатнинг объектив қонунлари асосида одам ва одамзод мақсади ва эҳтиёжига мувофиқ табиий ва социал дунёни ўзгартирувчи фаолиятидир”. Ижодиёт ўзининг такрорланмаслик, асиллик ва ижтимоий-тарихий ноёблиги тавсифланади. Ижодга қўйилган вазифани амалга ошириш мақсади бўлган ихтирочиликдай прагматик қараш ҳам тузиш-қуришдек туюлади. Лойиҳалаш ижодий жараён сифатида, илҳомланиш, ҳиссий чўкиш, тафаккур ва тасаввурнинг биргаликда ишлаши, онгнинг энг кўп ўткирлашуви, қўйилган мақсадга эришиш йўллари ва унинг натижаси мунавварлиги ҳамда энг ёрқинлиги каби босқичларни босиб ўтади. Лойиҳалаш муаммолари тадқиқотчилари бу фаолиятнинг ижодий турдалиги ҳақидаги фикрни қувватлайдилар. П.Хилл, ижодиётни “фикрнинг маълумлар чегарасидан ташқари томонга муваффақиятли учишидир”, “лойиҳалай олиш – бу бир вақтда

хам фан ва хам санъатдир” деб умумлаштиради, яъни хам илмий ва хам амалий ижодиётнинг белгиларига эгадир.

### **Педагогнинг лойиҳавий фаолияти хусусиятлари**

Маънавият соҳасида меҳнат қилаётган ҳозирги замон кишисини асосли таърифлашлардан бири унинг лойиҳавий фаолиятга нисбатан қобилиятидир. Лойиҳавий фаолият янгилашни даражасига оиддир, чунки у борлиқни ўзгартиради, тегишли технология негизида қуриладики, уни ўзгартириш, ўзлаштириш ва такомиллаштириш мумкин. Лойиҳалаш асосларини ўзлаш-тириш долзарб, чунки, биринчидан, мазкур технология таълим тизимини ташкил қилишнинг барча босқичларида кенг қўлланишга эга. Иккинчидан, ижтимоий маданият лойиҳалаш мантиғи ва технологиясини билиш, таҳлилий, ташкилий бошқариш вазифаларини самарали амалга оширишга имкон беради. Учинчидан, лойиҳавий технологиялар мутахассиснинг рақобат-бардошлигини таъминлайди.

Таълимнинг “техник” ва “ижтимоий” жиҳатлари ўртасидаги фарқни топиш ҳам биз “технология” тушунчасини қандай таърифлашимизга боғлиқ. Ўрганишдан фарқли ўлароқ, “технология” тушунчаси хусусида олимлар ўртасида етарлича аниқ келишув мавжуд. Дастлабки босқичда, “технология” деганда шундай жараён тушуниладики, бунда унинг ёрдамида одамлар ўз эҳтиёж ва истакларини қондириш учун табиатни ўзгартирадилар. Тарих(дан илгариги даврлар) нуқтайи назардан олиб қаралганда, технология тушунчаси инсон ўз теварак-атрофига мослашиш ва уни назорат қилиш учун иш қуроллари ва ҳунармандчилик билан мунтазам шуғулланганини англатади. Инсоннинг технологиялардан фойдаланиши, асосан, 2 миллион йил аввал табиий ресурсларнинг оддий иш қуролларига айланиши билан бошланган, деб таърифланади. Бу омон қолиш ва теварак-атрофни ўзлаштириш (масалан, найзанинг яратилиши) ҳамда безаш каби ҳиссий мақсадлар (масалан, ғор суратларини чизиш)га интилиши боисдан содир бўлган. Технология шунинг

учун ҳам инсонни ҳайвонлардан ажратиб турадиган хусусиятлардан бири хисобланади. Девид Най айтганидек, “ҳайвонлар техник жониворлардир; улар оддий яшаш фаолияти билан қаноатланадилар. Аксинча, инсонлар янада кўпроқ нарсаларга эга бўлиш мақсадида ўз эҳтиёжларини узлуксиз янгилаб турадилар” (2007, 2-бет).

Найнинг фикрича, технологиялардан нафақат ҳаёт шаклларини таъминлаб туриш учун, балки мавжуд ҳаёт шаклларини кенгайтириш ва яхшилаш учун ҳам фойдаланилади. Ибтидоий инсоннинг оловни назорат қилиш қобилияти такомиллашиши уларнинг мавжуд озиқ-овқат манбаларини сезиларли даражада кўпайтирган. Шунингдек, милoddан аввалги 4000-йиллар атрофида ғилдиракнинг кашф қилиниши ўша давр одамларига ён-атрофга саёҳат қилиш ва атроф-муҳитни назорат қилишда жуда катта ёрдам берган. Шу маънода, ғилдиракнинг яратилишидан компьютерга асос солинган давргача кўп нарсалар ўзгарди. Ҳақиқатан, мавжуд шароитларни яхшилаш воситаси сифатида технологиялардан фойдаланиш тушунчаси, шубҳасиз, биз “замонавий”роқ технологиялар сифатида кўришни истаган нарсалар замирида ётади. Масалан, босма машина, телефон ва Интернет каби технологик ютуқларнинг барчаси алоқа йўлидаги табиий тўсиқларни камайтириш билан бирга одамлар учун жаҳон миқёсида ўзаро алоқага киришишга имкон яратди. Кимўзарлик нуқтайи назаридан яратилган бўлса-да, ҳатто ядро қуроли каби технологияларнинг такомиллашиши нарсаларни яхшироқ қилиш мақсадига эришиш натижаси ўлароқ пайдо бўлган дейиш мумкин. Волти (1992, 4-бет) таъбири билан айтганда, “биз нарсаларни имкон даражасидан ўзгача қилишимиз учун ёки биз уларни арзонроқ, тезроқ ва осонроқ қила олишимиз учун технологиялар ишлаб чиқилади ва амалда қўлланади”.

“Нарсаларни яхшироқ қилиш”га урғу бериш шу нарсани кўзда тутадики, “технология” атамаси бирор нарса қилишда ишлатиладиган моддий иш қуроллари ва инсон томонидан яратилган маҳсулотлардан-да



кўпроқ нарсани англатади. Буни ҳозирги кунда бизнинг истеъмолчимизда бўлган “технология” сўзининг қадимий юнон тилидаги “технология” сўзидан келиб чиқишида ҳам кўриш мумкин. “Технология”нинг биринчи ярми юнонча “techne” сўзига тааллуқли бўлиб, у малака, санъат ёки ҳунар каби турлича таржима қилиниши мумкин. Шунингдек, у анча аввалроқ пайдо бўлган ҳинд-европа тилларидаги “teks” олд қўшимчасида ҳам акс этиб, у тўқиш ёки яшаш жараёнини англатади (худди “textile” сўзи каби). “Технология”нинг иккинчи ярми юнонча “-logia” суффиксига тааллуқли бўлиб, у ҳам бирор нарсани тушуниш ёки билим соҳаси каби тули таржималарга эга. Шу маънода, “технология” атамаси ҳар доим бирор нарса қилиш, нарсаларни тушуниш ва билимни такомиллаштириш жараёнлари ва фаолиятларини англатиб келган. Алберт Теич лўндагина қилиб қайд этганидек, “технология шунчаки машинадан-да кўпроқ нарсани англатади” (1997, 1-бет).

Ростдан, “технология” атамасининг замонавий маъноси шунчаки машиналар ва артефактларга қараганда кўпроқ нарса (яъни технологиянинг “инсонга оид бўлмаган” моддий жиҳатлари)ни англатади. Шунингдек, у шу машиналар ва артефактлардан фойдаланишнинг ижтимоий муҳитлари ва ижтимоий шарт-шароитлари (яъни технологиянинг “инсонга оид” жиҳатлари қандай атама билан номланиши)ни ҳам англатади. Технологиянинг “инсонга оид” бу жиҳатларини қандай тушунишимиз бир қанча муҳим фарқ ва таърифларни ўз ичига олади. Масалан, Доналд Макензи анд Жуди Вочманларнинг фикрича, “технология”ни уч йўл билан кўриб чиқиш мумкин: табиий объектларнинг ўзи; шу табиий объектлар билан биргаликда содир бўладиган инсон фаолиятлари; ва шу фаолиятларни ўраб турган инсон билими, яъни “одамлар нимани *биладилар* ҳамда улар нимани *қиладилар*”. (Макензи ва Вочман 1985, 3-бет). Шу нуқтайи назардан, технологиялар чуқур “маданий” объектлар – одамлар ўртасида баҳам кўриладиган ва авлоддан-авлодга етказиладиган билим сифатида баҳоланиши керак (Гойдер 1997).

Шунчаки машиналар ёки моддий предметларга қараганда кўпроқ нарсани англатадиган технологиялар ҳақидаги бу фикр агар биз Интернет каби ҳозирги кун технологияси ҳақида мулоҳаза юритсак аниқроқ тус олади.

Аксарият одамлар Интернет билан таъминловчи компютерларнинг моддий тармоғини ташкил этадиган мис симилар, оптик толали кабеллар, симсиз алоқалар, клавиатуралар, протсессорлар ва мониторларга нисбатан Интернетнинг ўзи кўпроқ маъно англатади, деган фикрга қўшиладилар. Аслини олганда, одамлар Интернет ҳақида гапирганларида улар одатда онлайн машғул бўлган фаолиятларни, шу ижтимоий фаолиятлар доирасидаги маданиятларни ҳамда бу фаолиятлар натижасида олинган билимларни назарда тутаётган бўладилар. Агар шундай бўлса, Интернетни унинг техник шакллари эмас, балки ижтимоий “мазмун” жиҳатидан таърифлаш фойдадан холи эмас (Весселз 2010).

Технологиянинг ижтимоий ва техник жиҳатларини концептуаллаштиришнинг энг оддий усулларида бири Лиевроув ва Ливингстоун (2002)нинг “технология” нима эканлиги борасидаги учта ҳар хил, лекин ўзаро боғланган жиҳатлари ҳақидаги таърифида келтирилган:

- *буюмлар ва қурилмалар*: яъни технологиянинг ўзи ва унинг қандай ишлангани ҳамда ясалгани;

- *фаолиятлар ва амалиётлар*: яъни одамларнинг технологиялар билан қиладилар нарсалари (жумладан, инсонларнинг ўзаро таъсири, ўзига хос хусусиятлари, маданий тажрибалари);

- *муҳит*: яъни технологияларни қўллаш доирасидаги ижтимоий механизмлар ва ташкилий шакллар (жумладан, муассасалар, ижтимоий тузилмалар ва маданиятлар)<sup>1</sup>.

Талабаларга таълим ва тарбия беришнинг муваффақиятлилиги ва натижага эгаллиги педагог томонидан лойиҳавий фаолиятни қанчалик ўзлаштириб олганлигига боғлиқ, чунки бу фаолият вазиятга қараб технологик ечимларни

---

<sup>1</sup> Neil Selwyn. Education and Technology: Key Issues and Debates. – Australia: Continuum, 2011. – P.-7-8.

такомиллаштиришга қодир, янги таълим ёндашувлари ва усулларини ишлаб чиқариш қобилиятини ривожлантиради.

Лойиҳавий фаолият, В.С.Безрукованинг фикрича, “бу – таълим олувчилар ва педагогларнинг бўлажак фаолиятларининг асосий қисмларини биринчи галда ишлаб чиқишдан иборат”. Ҳар қандай лойиҳалаш объектининг, бу педагогик тизимми, педагогик жараёнми, педагогик вазиятми, унинг асосий қисми - унинг иштирокчиларининг фаолияти ҳисобланади. Шунинг учун, биринчи навбатда, ўқитувчи ва таълим олувчининг фаолияти лойиҳалаштирилади. Лойиҳалаш исталган педагогнинг (ташкilotчилик, билиш ва муомала қила олиш билан бир қаторда) вазифасидир, мактабда ўқув-тарбия жараёнини технологиялаштиришга имкон яратади. Муаллиф яна педагогнинг лойиҳавий фаолияти билан педагогик технология ўртасидаги ўзаро боғланишни алоҳида таъкидлайди: “лойиҳалаш жараёнида ва у орқали педагогик жараён иштирокчиларининг ривожланишини таъминлайдиган педагогик технология ишлаб чиқилади”. Биз технология лойиҳалаш маҳсулидир, деган фикрга кўшиламиз.

Лойиҳавий фаолият қуйидагиларни ўз ичига олади: муаммо таҳлили; мақсаднинг қўйилиши; унга эришиш учун восита танлаш; ахборотни излаш ва қайта ишлаш, уни таҳлил қилиш ва умумлаштириш; олинган натижаларни баҳолаш ва хулосалар.

Предметли фаолият уч қисмдан ташкил топади: предметли, фаолиятли ва мулоқатли. Лойиҳавий фаолият ривожлантирувчи таълим услубларидан бири бўлиб, мустақил тадқиқотчилик кўникмасини ҳосил қилишга йўналтирилиб (муаммонинг қўйиш, ахборотларни тўплаш ва уни қайта ишлаш, тажриба-синовлар ўтказиш, олинган натижаларни таҳлил қилиш), ижодий қобилият ва мантиқий фикрлашнинг ривожланишига олиб келади, таълим жараёнида олинган билимларни бирлаштиради, ҳаётий муҳим муаммоларни моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

**Лойихавий фаолиятдан кузатилаётган мақсад** таълим оловчилар томонидан турли ўқув фанларини ўрганиш даврида мужассамлашган билим, маҳорат ва кўникмаларни тушуниш ва кўллай олишдан иборат.

**Педагогнинг лойихалаш фаолиятидан кузатилган мақсад:**

- режалаштиришга ўргатиш (педагог мақсадни аниқлай олиши, иш давомида кўйилган мақсадга эришишнинг асосий босқичларини ифода эта олиши);

- ахборот материалларни йиғиш ва уни қайта ишлаш кўникмасини шакллантириш (педагог керакли ахборотни танлай олиши ва ундан тўғри фойдалана олиши лозим);

- таҳлил қила олиш кўникмаси (ижодий ва танқидий тафаккур);

- ёзма ҳисобот туза олиш кўникмаси (иш режасини туза олиши, ахборотларни аниқ тақдимот этиш, изоҳларни расмийлаштириш, зарурий адабиётлар (библиография) ҳақида тушунчага эга бўлиш);

- ишга ижобий муносабатда бўлишни шакллантириш (педагог ташаббус кўрсатиши, ишни белгиланган иш режаси ва тартиби бўйича ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилиши керак).

Г.Е.Муравьева фикрича, педагог томонидан лойихалаш фаолиятни юқори даражада ўзлаштирганлигини олдиндан айта олиш, режалаштириш, туза олиш ва моделлаштириш кўникмаларини шаклланганлик даражаси белгилайди. Бу тушунчаларнинг ва уларнинг мазмунини алоҳида қараб чиқамиз. Тадқиқотимиз объекти лойихалаш фаолияти бўлиб, у олдиндан айта олиш фаолияти билан жипс алоқада бўлади, шунга кўра башорат қилишни (олдиндан айта олишни) батафсилроқ қараб чиқилади.

Дастлабки тушунча: “**башорат қилиш** - келажакда бирон-бир воқеанатижасини олдиндан кўрмоқ, олдиндан айтиб бермоқ”. Дидактик башорат қилиш - дидактик воқеалар ривож топишини илмий тарзда олдиндан кўра олиш жараёни тушунилади.

Башорат қилиш лойиҳадан фарқли равишда ўзгармас мазмунга эга. Башорат қилувчи моделлар асосида таълим жараёнини жадаллаштириш учун тавсиялар ишлаб чиқилади. Дидактик башорат қилиш, шунингдек, педагогнинг ўқитиш фаолиятини режалаштиришга асос сифатида намоён бўлади. Башоратлашнинг оддий услубиёти тадқиқотнинг қуйидаги асосий босқичларини ўз ичига олади: “башоратлашдан олдинги мўлжал (объект, предмет, муаммо, мақсадлар, вазифалар, илгари кетиш вақти, ишчи фаразлар, усуллар, тадқиқот таркиби ва ташкил этишни аниқлаш); башоратлаш муҳити (объект ривожланишига таъсир этувчи, башоратлашнинг ихтисослашмаган, қўшни тармоқлари бўйича маълумотларни тўплаш); дастлабки модел, яъни объект характери ва таркибини ёритувчи кўрсаткичлар, ўлчамлар тизими маълумотларини тўплаш; излаш башорати (дастлабки моделнинг келажакдаги лойиҳаси, бунда башорат муҳити омилларини эътиборга олган ҳолда кузатиладиган ҳолатлар бўйича ҳал қилиниши талаб этиладиган келажакдаги муаммолар аниқланади); меъёрий (берилган кўрсаткичлар бўйича кўрсатилган мақсад ва меъёрларга мувофиқ бўлган келажакдаги дастлабки модел лойиҳаси); ишончлилик даражасини баҳолаш ва башоратловчи моделларни аниқлаш, одатда, ҳолис мутахассислардан сўраш йўли билан; башоратловчи моделларни таққослаш асосида ечимларни ихчамлаштириш учун тавсиялар тайёрлаш”. Башоратлаш – объект ҳақида олдин бўлган маълумотларни олиш жараёни, илмий асосда олдиндан асослаштирилган ҳолатлар ва усуллар (Б.С.Гершунский. Башоратлаш бирор-бир ҳолат, жараён мавжуд ёки унинг вужудга келиши учун шарт-шароит бор деб олади. Лойиҳалаш жараёни эса келажакдаги, яъни, ҳали мавжуд бўлмаган объект лойиҳасини тайёрлашдан иборат. Лойиҳалаш башорат қилиш қисмини ўз ичига олади ёки мавжуд башоратга таянади.

Иккинчи тушунча – режалаштириш. **Режалаштириш** – бирор нарсанинг режаси ёки лойиҳасини солиштириш бўлиб, режа – “умумий мақсадга бирлашган амалга оширилиши учун дастлаб бир қанча олдиндан

уйлаб қўйилган ҳаракатлар, тадбирларни бажариш талаб этиладиган ният, лойиҳа, топшириқдир”. Кўпинча режалаштириш ва лойиҳалаш синонимлар тарзида фойдаланилади. Режа ва лойиҳани тузиш мақсади нуқтаи назаридан, ҳақиқатда фарқ йўқ. Режа ҳам, лойиҳа ҳам келгуси аниқ воқеликни ёритади ва уни амалга ошириш учун тузилади. Лекин, фикримизча, лойиҳалаш режалаштиришга караганда кенгроқ тушунчага эга. Режалаштириш аниқ ҳаракат, уларнинг тартибини белгилаш билан боғлиқ, яъни, келажакнинг ўзгарувчан ташкил этувчиси бўлган фаолиятдан иборат. Лойиҳалашда келажакдаги нарса ёки жараёнлар тамойилларга таянган ҳолда асосланади ва тавсифланади, уни амалга ошириш усули намоён этилади. Режа эса ўйлаб қўйилганларни амалга ошириш юзасидан ҳаракатлар тизимини акс этади. Педагогнинг касбий фаолиятида режалаштириш кенг ўрин эгаллайди. Режалаштириш жараёнида педагог олдида турган фаолиятга диққат билан иш туттади, мазмунини педагогик жиҳатдан қайта ишлаб чиқади. Уни ташкил этишнинг самарали, маҳсулдорроқ шакллари ва услубларини излайди. У унинг таркибини аниқлайди, унинг айрим қисмлари орасидаги боғланишни, айрим қисмлари орасидаги ўзаро боғланишларни аниқлайди, уларни бирлаштириш ва ўзаро таъсирининг нисбатан маҳсулли шакллари ва усулларини излайди ва ҳ.к., яъни ишнинг маҳсулдор, унумли тизимини шакллантиради.

И.П.Раченко режалаштиришни кўздан кечиришнинг бир неча томонини ажратади. Ижтимоий нуқтаи назардан педагогик фаолиятни режалаштириш - шахс, жамоанинг ривож топишига бир бутун ёндошувни лойиҳалашдан иборат. Режалаштиришнинг иқтисодий томони – фаолият натижаси самарадорлигини таъминлашдир. Психологик нуқтаи назардан режа мияда ҳаракатлар қонуний кетма-кетлигини аниқловчи шажаравий тузилган жараёндир. Муаллиф фикрича режа тузиш - ишни лойиҳалаштиришдир. Режа ишнинг аниқ бир тизимидир, бундай тизимларни лойиҳалаш эса режалаштиришнинг асосини ташкил этиши лозим. Бу ҳолда тизимларни лойиҳалаш – ўқув-тарбия

масалаларининг жадал, унумли психологик-педагогик ечимини излашдан иборат. И.П.Раченко педагогик фаолиятни режалаштиришга қуйидагиларни киритади:

а) педагог олдида турган асосий мақсад нуқтаи назаридан педагогик ҳолатни баҳолаш;

б) олдиндан асосли тарзда айта олиш, ишнинг бориши ва натижаларини олдиндан кўриш, шунга боғлиқ тарзда унинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

в) зарурий чора-тадбирлар, ҳаракатлар кетма-кетлиги дастурини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш учун энг унумли услублар, усуллар ва жиҳозларни танлаш;

г) ишни вақт бўйича ҳисоб-китобини қилиш, унинг бошланиши ва охирини белгилаш;

е) ҳисобга олиш ва назорат шакллари ва услубларини белгилаш.

И.П.Раченко кейинги ишларида режалаштириш жараёнини қуйидаги-ча изоҳлайди:

а) мақсад ва вазифаларни шакллантириш;

б) кетма-кет ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш;

в) фаолият жараёни ва натижалари жараёнини вақти ҳисобини назорат қилиш.

Аммо, педагогик адабиётда бу жараёнларга нисбатан қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, В.И.Загвязинский исталган киши, шу жумладан педагогик фаолиятда қуйидаги даврларни ажратади:

- эришилган дастлабки ҳолат , бошланғич вазиятлар таҳлили;

- ташҳислаш йўналишларини аниқлаш;

- башорат қилиш ва олдиндан айтиш;

- мақсад ва асосий вазифаларни аниқлашни ўз ичига олган мақсадга йўналганлик;

- ўзига хусусий масалалар на уларни ечишнинг асосий босқичларни ўз ичига олган режалаштириш.

Бунга қараганда, лойиҳалаш режалаштиришдан кейин келади ва режани аниқлаштиришдан иборат. Бизнинг нуқтаи назаримизда И.П.Раченко фикрларига нисбатан бу қараш аниқроқдир, чунки, шахс ўз фаолиятини режалаштириш учун келажакдаги таълим жараёни дастури ёки лойиҳаси бўлиши керак.

П.Е.Решетников томонидан тайёрланган педагогик фаолиятни режалаштириш усуллари қизиқарлидир: дастурий - мақсадли, мажмуавий-тадбирий, тизимли-технологик. Дастурий-мақсадли режалаштиришда фаолиятнинг якуний ва оралиқ мақсадлари лойиҳаланади ва тавсифланади, режа, якуний ҳужжат шакли сифатида иш дастури хизмат қилади. Мажмуавий-тадбирий режалаштиришда қуйидагилар лойиҳалаштирилади:

- а) энг муҳим масалалар, уларни ечиш учун йўналтирилади;
- б) ишнинг мажмуа шаклига эга бўлган айрим йўналишлари бўйича тадбирлар;
- в) бажариш муддатлари;
- г) бажарилиши учун масъуллар;
- д) назорат қилиш шакллари ва бажарувчилар;
- е) курс мавзуларини ўрганиш кетма-кетлиги;
- ж) дарснинг асосий босқичлари, унинг жиҳозланиши, ўқувчиларга бериладиган вазифалар. Режа шакли: тадбир, дарс ва бошқаларнинг аниқ режаси.

Тизимли-технологик режалаштиришда қуйидагилар лойиҳаланади:

- а) таълим муассасасининг таълим фаолияти ёки ривожланиши тўғрисидаги ва тажриба-синовларнинг етакчи ғоялари;
- б) ўқув режаси;
- в) талабалар томонидан касбий тажрибани ўзлаштиришни таъминловчи ўқув ва касбий масалаларининг ишлаб чиқарилиши;



- г) ўқув жараёнининг тартиби;
- д) ўқув фанлари бўйича дастурлар;
- е) ҳар қайси алоҳида ўқув курсини ўрганиш технологияси;
- ж) ҳар қайси алоҳида курсни ўтказиш технологияси;
- з) иш унуми мезонлари ва кўрсаткичлари тизими ва мутахассис касбий-шахсий ривожланишини ташҳислаш технологияси;
- и) оралиқ ва якуний назоратлар ўтказиш технологияси;
- к) моддий, молиявий, кадрлар билан таъминлаш юзасидан олиб бориладиган ишлар;
- л) педагогик жамоани ривожланиш жараёнидаги таълимий масалаларни ҳал қилишга тайёрлаш бўйича ишларнинг шакли; муассасанинг таълимий дастурлари.

Учинчи тушунча **моделлаштириш**. Бу – “билиш объектларини уларнинг моделларида тадқиқ қилиш услуби; аниқ мавжуд предметлар, воқеалар ва тузиладиган объектларнинг тавсифномаларини аниқлаш ёки яхшилаш, уларни ясаш усулларини қулайлаштириш, бошқариш кабилар учун ясаш ва ўрганиш”.

**Модел** – табиий ёки ижтимоий борлиқ муайян кўринишнинг, инсон маданияти, ғоявий-назарий таълим маҳсулининг, аслининг ўхшатмаси (чизмаси, таркиби, белгилари тизими). Бу ўхшатма асл бўлиб, унинг хоссалари ва тузилиши, уни ўзгартириш ёки бошқариш ҳақидаги билимларни (маълумотни) сақлаш ва кенгайтириш учун хизмат қилади. Модел - бу аслини билиш ва бошқаришдаги “вакили”, “ўринбосари”дир. Муайян шартларда нусхани тайёрлаш ва тадқиқ қилиш натижалари асл нусхага ўтказилади»[36]. Модел тушунтириш, олдиндан айтиш, топилмали воситаси сифатида, доимо билишга оид ролни бажаради.

Моделнинг лойиҳадан биринчи фарқи - уни тузиш мақсадидир. Модел нарса, ҳодисани ўрганиш, маълумот (ахборот) олиш, унинг қирраларини ўрганиш учун, шунингдек, уни ўзгартириш ва бошқариш учун

фойдаланилади. Лойиҳа эса нарсани тузиш, борлиққа мужассамлаштиришда ишлатилади ва юқорида кўрсатилганидек, билишга оид вазифани бажаради.

Моделнинг бошқа ўзига хос хусусияти, юқорида келтирилган таърифга кўра, у аниқ мавжуд аслни «ифодалайди», «алмаштиради», лойиҳа эса ҳали мавжуд бўлмаган нарсаларни тавсифлайди. Модел – борлиқ қисмининг ўхшатмаси; уни тузишда муҳим бўлмаган ҳолатлардан четланилади, фақат бош асосий қисмлар ва тавсифномалар қайд этилади. Модел - хаёлий тузилма. Лойиҳада, аксинча, келажакдаги нарса ва жараёнлар тўғрисида, шартлар эътиборга олинган ҳолда, аниқ тасаввур аксланади.

Биз берган моделлаштириш тушунчаси таърифида ҳали мавжуд бўлмаган объектлар ҳам бўлиши мумкин. Бунда лойиҳалаш ва моделлаштириш тушунчалари ўзаро кесишадилар. Лекин, уларни ажратиш мумкин. Ясалаётган нарса модели бевосита нарсанинг ўзига мужассамланмайди, лекин жараённинг бу энг бошида содир бўлиши мумкин. Моделлаш, шунингдек берилган шартларда махсус уюштирилган таъсир натижасида объектда вужудга келиши мумкин бўлган ҳолат ҳақида янги маълумот олишга имкон беради, яъни, башоратлаш вазифасини бажаради. Моделлаш башорат қилиш услуби сифатида таълим жараёнида ўрганиладиган нарсанинг ахборотли моделини яшаш билан боғланган бўлади. Бу мўлжалланган чизиқлар деб аталадиганлар кўринишида ясалган мантиқий чизмалар (у қайси тушунчалар ва таърифлардан қайсилари томон ҳаракат қилишни кўрсатади), мазмуннинг асосий ҳолатларини ёритувчи турли рамзлар ёки мавзунини ўрганишнинг аниқ режаси бўлиши мумкин.

Педагог ва талабаларнинг фаолияти, усуллар билан тўлдирилган ахборотли фаолият моделига, жараёнли моделга айланади. Педагог талабалардаги ва янги маълумотни, мавжуд ва зарур бўладиган одат ва кўникмаларни, боодобликнинг аниқ ва зарурий даражасини ўзаро солиштиради ва фаразий тарзда талаба учраши мумкин бўладиган қийинчиликларни аниқлайди. Фаразга асосланиб, у муаммонинг ечилишини,

бўлиши мумкин бўлган хатоликларни, мақсадга мувофиқ бўлган ёки бўлмаган ҳаракатларни олдиндан кўради, фаолиятнинг муваффақиятли бўлишини таъминловчи воситаларни танлайди, яъни, ҳаёлан тажрибалар ўтказди. Бунинг учун ҳаёлий тажрибага яна битта шарт киритилиши лозим - талабаларни фаолиятга ундовчи шартларнинг ҳолати ва кучини, уларнинг кизиқишларини, ўз-ўзларини тарбиялашга истаклари борлигини назарда тутиш, зарур бўлса, интилишларини ривожлантириш чорасини кўриш лозим.

Педагогнинг юқорида тавсифланган ҳаракатлари, айнан фикран синаб кўриши, лойиҳалаш фаолиятига киритилиши мумкин, яъни моделлаштириш лойиҳалашнинг бир қисми бўлади. Дидактикада моделлаштиришни билиш учун педагогнинг лойиҳалаш фаолиятини аниқлаш лозимдир.

**Тузиш-қуриш**(конструкциялаш) тушунчаси. Тузиш-қуриш - «бирор-бир қурилиш, иншоот, қурилма қисмларининг таркиби ва ўзаро жойлашуви, шундай тузилишли қурилиш, иншоот, машинанинг ўзи». Тузиш-қуришда бирор-бир объектнинг таркиби бош тушунча бўлиб, тузувчилик фаолияти лойиҳалаш фаолиятидан фарқли равишда, ҳаёлий ва амалий (буюмли тузувчилик) фаолият бўлиши мумкин, ҳаёлий тузувчилик мазмуни бўйича лойиҳалашга яқин ва унинг ўхшаши сифатида кўплаб ишлатилади. Лекин, бизнинг фикримизча, тузиш лойиҳалашга нисбатан тор маънодаги тушунча, чунки, у яратилаётган объектнинг сиртки томонини акслантиради, лойиҳалаш эса ички, ўзгарувчан ва бошқа ташкил этувчиларни ўз ичига олади,

Педагогик қомусий луғатда тузиш-қуриш таърифи қуйидагича келтирилган: «Тузиш-қуриш (конструкциялаш) - лойиҳалар ва ҳисоблашларни бажариш йўли билан модел, машина, иншоот, технологияни яшаш жараёнидир». Келтирилган таърифга кўра тузиш-қуриш объектлари сифатида нафақат қурилишлар, иншоотлар, машиналар, қурилмалар, балки, моделлар ва технологиялар ҳам намоён бўлиши мумкин. Бунда белгили, рамзли мавҳум эмас, балки моддий, нарсали моделлар кўзда тутилади. Технологиялар ҳақида эса, «технологияларни лойиҳалаш» сўз бирикмаси ўринлироқ, чунки

технология жараён сифатида вақтинчалик, ўзгарувчан ташкил этувчига эга, қурилмалар эса тузиш маҳсули тарзида фақат ўзгармас тавсифномага эга. Бундан ташқари, кўрсатилган таърифда тузиш лойиҳалашни ўз ичига олади. Айрим муаллифлар (масалан, Я.Дитрих) тузишни лойиҳалаш натижасига таянадиган фаолият тариқасида қарайдилар, ва «лойиҳавий - конструкторлик жараёни» атамасини ишлатадилар. В.С.Безрукова педагогик тузишни бир вақтда лойиҳалашнинг босқичи сифатида ва тузилган лойиҳани кейинги деталлаштирилишини батафсил аниқлаш сифатида қарайди. Бизнинг нуқтаи назаримиздан лойиҳалаш тузишни ўз ичига олади, уни ўқув фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг яратилиши сифатида қараш мумкин.

Маъноси бўйича лойиҳалашга яқин бўлган моделлаш, башорат қилиш, режалаш, ўқув ва ўқитиш фаолиятини тузиш тушунчаларининг таҳлили, уларнинг умумийлиги ва фарқини аниқлаш таълим жараёнини лойиҳалаш маъноси ҳақида бир қатор хулосалар чиқаришга имкон беради.

Педагогик жараённи лойиҳалаш – бу педагогнинг табиий ва ижтимоий қонуниятларни назарда тутилган ҳолда маълум бир вақт бирлиги ичида талабаларни мақсадга мувофиқ ҳолда ривожлантиришнинг келажакдаги жараёни ва натижаси ўрин оладиган касбий фаолиятининг бир кўринишидир. Бўлажак таълим жараёнининг лойиҳаси лойиҳалашнинг маҳсулидан иборат.

Лойиҳалаш моделлашдан тузиш мақсади бўйича фарқ қилади. Лойиҳа лойиҳаланаётган объектни борлиққа мужассамлаштиришдан иборат; модел - объектни тадқиқ қилиш учун, дастлаб модел, сўнгра унинг асосида лойиҳа ишлаб чиқилса, моделлаш лойиҳалашнинг таркибий қисми бўлиши мумкин.

Лойиҳалаш башорат қилиш тушунчаси билан узвий боғланган. Уларнинг умумийлиги шундаки, лойиҳа ва башорат келажакдаги дидактик ҳодисалар ҳақида тушунча беради. Лекин, лойиҳадан фарқли равишда башоратлар эҳтимолий мазмунга эга ва у ёки бу дидактик жараённинг ривожланиш натижаларини олдиндан кўра олади. Лойиҳа эса бу жараёнларни қайтадан тузади. Лойиҳалаш ўз таркибига башорат қилиш қисмини киритиши

мумкин. Агар талабанинг ўқув - билиш фаолият режаси ҳақида гап борса, ва шу жараён давом эттирилса, режалаштириш лойиҳани амалга ошириши таркибига киради.

**Тузиш-қуриш ҳам** таълим жараёнини лойиҳалаш таркибига киради. Фикримизча, у технологик жараёни амалга ошириш учун моддий воситаларни тузишдан иборат. Лойиҳалаш у ёки бу даражада келажакдаги таълим жараёнини моделлаштириш, башорат қилиш, режалаштириш, тузиш-қуриш қисмларини ўз ичига олади. Таълим жараёнини лойиҳалаш - мураккаб фаолият бўлиб, педагогдан амалий, дидактик, услубий - методологик, буюмли ва бошқа билимларнинг тизимини талаб қилади, чунки, у хаёлий даражада ҳақиқий таълим жараёнини ёритиб беради.

**Педагогик лойиҳалаш  
тамойиллари ва алгоритми**

“Тамойил” (принцип) тушунчаси латинча “principium” - боши, асоси сўздан олинган. Ўзининг келиб чиқишига кўра таълим тамойиллари педагогик амалиётнинг назария билан умумлаштирилишидан иборат, амалий фаолиятдан келиб чиқади ва аниқ мазмунга эгадир. Шунга кўра, улар раҳбарий ҳолатларга эгадирки, талабаларга таълим бериш жараёнида ўқитувчининг фаолиятини маълум тартибга соладилар ва тузатадилар. Дидактик тамойиллар ўқув жараёнининг барча томонларини қамраб оладилар ва унга аниқ мақсадга йўналтирилган, мантиқан кетма-кет бошланишни берадилар.

Лекин, ўзларининг мавжудлик шаклига кўра тамойиллар субъектив мазмунга эгадир, чунки педагогнинг онгида турли даражадаги тўлиқлик ва аниқликда аксланадилар. Тамойилларни билмаслик, уларнинг талабларининг ортидан бормаслик, уларни нотўғри тушунишлик уларни рад қилмайди, лекин, таълим жараёнини ноилмий, зиддиятли ва унумсиз қилиб қўяди. Таълим тамойилларига амал қилиш ўқитувчи педагогик маданиятининг бир қисмига айланади, касбий фаолиятининг натижали бўлишини таъминлайди.

**Таълим тамойиллари** - энг умумий раҳбарий низом бўлиб, унда талабаларга таълимнинг мазмуни, уни ташкил этиш, технологияси, услубиятига нисбатан талаблар ифодаланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дидактик тамойиллар ОЎЮда педагогик жараёни ташкил этиш тамойиллари билан ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини бошқариш бевосита ўзаро боғлиқликга эгадир. Лекин улар шу билан бирга ўз хусусиятларига ва тарихига эгадирлар, улар устида батафсилроқ тўхталишга тўғри келади.

Шарқ педагогикасининг машҳур намоёндалари Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Ҳайём, Саъдий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий асарларида таълим ва тарбиянинг тажриба, кузатув, индукция ва дедукция, амалий-синов, алгоритмик кетма-кетликдаги савол-жавоб, таққослаш ва бошқа услубларини илмий ҳолда асослаб берилган, шу билан бирга билим олиш фаолиятини фаоллаштириш, билимларни амалда қўлланишини, тизимлилик ва кетма-кетлилик, мантиқийлигини илмий жиҳатдан ёритиб беришган. Алломалар томонидан бирликнинг, хусусийликнинг ва умумийликнинг, ягоналикнинг, сабаб-хулосавий алоқалар, куч етадиганлик, материални соддадан мураккабга томон баён этилиши, кўрсатмалилик ва шу каби тамойиллар кенг фойдаланилган.

Шарқ қомусий алломалари таълим ва тарбиянинг шакллари, услублари ва тамойилларини ишлаб чиқдилар, улар ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Уларнинг ишидаги қимматли томонларидан бири шуки, улар барча фанларни иккига ажратганлар - амалий ва назарий, улар орасидаги бевосита алоқани ёритиб берганлар. Масалан:

Абу Али Ибн Сино таълимнинг қуйидаги тамойилларини аниқлаган:

- а) болани бирданига китобга боғлаб қўйиш керак эмас;
- б) бола билан ўтказиладиган машқлар меъёрланган, кучи етадиган, жамоавий бўлиши, жисмоний машқлар билан биргаликда олиб борилиши, боланинг майллари ва қобилияти эътиборга олинishi лозим;

- в) таълим енгилдан оғирга томон йўналган бўлиши керак;
- г) кўрсатмалилик тамойида боланинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади.

Бурхониддин Зарнужий таълимни ҳаёт билан боғлашни, онглиликни, ўтилганларни такрорлаш, кетма-кетликни ва тизимлиликни таклиф этади.

Умар Ҳайём билимни чуқур, тушуниб ўзлаштирилиши, мустақил ўрганилишини, мустақил фикрий фаолият, ҳаётий воқеликларни ўрганишга доир амаллар, жараёнларни кўп марталаб такрорлашга асосий диққат-эътиборни қаратди.

Алишер Навоий, боланинг ўзига хос хусусиятларига, билим орттиришга интилишининг ривожланганлигига, материалнинг кетма-кетликда тушунарли баён қилиниши, кишининг ҳар томонлама камолот топишига асосий эътиборни қаратади.

Бир сўз билан айтганда, улар қуйидагиларга таянишга чақирганлар:

- таълимнинг илмийлиги;
- таълимнинг сезиб бўладиганлиги, ҳаётнинг аксланиши сифатида; таълимда тизимлилик, кетма-кетлик, кўрсатмалилик (ўрганиладиган предмет ва воқеликни тўлиқ ўзлаштирилиши учун барча сезги органларидан фойдаланиш);
- таълимнинг мустаҳкамлиги;
- ўқувчиларнинг ёш ва ўзига хос, яққа ҳолдаги хусусиятлари, имкониятларини билиш;
- ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштиришга онгли ёндошув;
- ўқувчиларга таълим беришда турли фаол шакллар ва услублардан фойдаланиш ва шу қабилар.

Шундай қилиб, IX-XIV асрларда яшаб ижод этган Шарқ олимларининг асарларида кўплаб дидактик ғоялар ёритилган ва уларнинг ўзига хос қирралари очиқ берилган, улар ҳозирги замон педагогикасида, Европа педагогикасида, айниқса улуғ чех педагоги Я.А.Коменскийнинг ҳаракатлари туфай-

ли алоҳида тадқиқотлар предметига айланди. У «Буюк дидактика» асарида мактабда ўқитиш тизимини амалга оширишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилишни тавсия этади:

- кўрсатмалилик тамойили;
- онглилик тамойили;
- изчиллик ва тизимлилик тамойили;
- машқ қилиш, билим ва малакаларни пухта эгаллаш тамойиллари.

Бизнинг қўлланмамизда **лойиҳавий фаолият тамойиллари** деб, фаолиятни меъёрлайдиган умумий кўрсаткичлар йиғиндиси тушунилади, улар лойиҳалашнинг табиати билан аниқ асосланади ва шунга кўра педагогнинг у ёки бошқа ҳаракатларини лойиҳа соҳасига тегишли эканини кўрсатади. Уларни батафсил кўриб чиқамиз.

**Башоратлилик тамойили** объектнинг келажагига йўналган лойиҳалаш табиатига асосланган. Айниқса, бу янги лойиҳаларни яратиш учун лойиҳалашдан фойдаланилганда намоён булади. Лойиҳа керакли келажакни қадамлаб амалга ошириш сифатида таърифланиши мумкин.

**Босқичма-босқичлилик** тамойили. Лойиҳанинг фаолияти, табиати, лойиҳавий ниятдан мақсадга ва ҳаракатлар қиёфасини шакллантиришга аста-секин ўтишни белгилайди. Ундан эса - ҳаракатлар дастурига ва уни амалга оширишга. Бунда ҳар қайси кейинги ҳаракат олдингисининг натижаларига асосланади.

**Меъёрлаш тамойили** лойиҳани тузишнинг барча босқичларининг чегараланган жараёнлар, биринчи навбатда фикрий фаолиятни ташкил этишнинг барча шакллари билан алоқадорлик чегарасидан ўтишларини талаб қилади.

**Тесқари алоқадорлик тамойили** ҳар бир лойиҳа жараёни амалга оширилганидан кейин унинг натижаллиги ҳақида маълумотлар олиш ва ҳаракатни тегишлича таҳрир қилишни назарда тутди.



**Самарадорлик тамойили** лойиҳавий фаолиятнинг маҳсулдорлигини, унинг амалий аҳамиятли натижани олишга йўналганлиги шарт эканини уқтиради. Бошқача айтганда, лойиҳалаш жараёни натижаларнинг “маҳсулли расмийлаштирилганлигидир”.

**Маданий ўхшашлик тамойили** лойиҳалаш натижаларининг айрим маданий намуналарга ўхшашлигини кўрсатади. Маданий соҳадан ташқарида ётган лойиҳа натижасини олиш хавфи агар лойиҳа фаолияти қатнашувчиларида ўқувчи ёки педагогнинг яқка тартибдаги ижодиёти ўз-ўзича етарли эмаслиги ҳақида тушунча бор бўлганида йўқолади. Маданий жараёнга қўшилиш учун унинг ўзининг ўрни қандай бўлишини била олиш, маданий-тарихий ўхшашликларини ўрганиш асосида одамзод эришганларга нисбатан ўз карашларини баён қила олишга ўрганиш лозим. Бунда илмий билим олиш ва маданий кадриятлар билан танишиш ўз мулоҳазалари ва билим фаолияти натижалари билан солиштирган ҳолда амалга ошириш муҳим ўрин тутаяди.

**Ўз-ўзини ривожлантириш тамойили** иштирокчиларнинг тармоқланадиган фаоллик даражасида лойиҳалаш субъектига, шунингдек, қўйилган мақсадни амалга ошириш натижасида янги лойиҳаларнинг вужудга келишига тааллуқли. Бир турдаги масалалар ва муаммоларнинг ҳал қилиниши лойиҳалашнинг янги шакллариининг ривожланиши учун янги вазифалар ва муаммоларни пайдо қилади.

Лойиҳа фаолиятни муваффақиятли ташкил қилиш бир қатор талабларни бажаришга боғлиқ. Соҳалиликни талаб этиш, яъни, лойиҳалаш предметни ҳимояламанганлигини тасвирлаш, маълум соҳалар билан боғлаш, деган сўздир. Таълим тизимининг ишлаши ва ривожланиши нафақат психологик-педагогик муаммоларни, балким, фалсафий, маданиятшунослик, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, психологик, физиологик ва бошқа муаммоларни ҳам эътиборга олишни талаб қилади, педагогик лойиҳалаш фанларнинг кенг кўламини ёритувчи фанлараро мазмундаги билимлар билан ишлай олишга алоқадордир. Агар биз лойиҳалаштириш натижасида таълимнинг янги моделини олишни истасак, олдин

у қамраб олувчи барча ижтимоий-таълимий соҳаларни таҳлил қилиш керак. Лойихавий қараш доирасига моделнинг ҳаракат муҳитидаги таълимнинг ижтимоий вазияти, бир бутун таълим мазмуни, ўқувчиларнинг тақдири кирган бўлади; барча унга қўшимча таълим шакллари ва қадамлари, қонунчилик меъёрлари ва шу кабилар киради. Масалан, мақсади инглиз тили бўйича битириш имтиҳонининг янги шаклини тайёрлаш бўлган таълим лойиҳаси чегарасида етарлича кенг ижтимоий-дидактик соҳани таҳлил қилишга тўғри келди. Унга мактаб болаларини тил бўйича тайёрлашнинг барча айланмалари, назорат шакллари, хорижий тиллар ўқитувчиларига касбий таълим тизими, ўқувчилар ва педагогларнинг бошқа фанлар бўйича тестлар билан иш тажрибалари, мавжуд ўқув қўлланмалари тизими, маъмурий муносабатлар тизими ва шу кабилар кирди.

Таълим-тарбияга манфаатдор томонлар - шахслар, давлат, жамият эҳтиёжларининг турлилиги билан жамият ҳаётида алоҳида ўрин тутди ва унинг барқарор ривожланишга лаёқатини ифода қилади. Таълим тизимининг самарали ишлаши масаласи билан ҳақиқатда мамлакатнинг барча фуқаролари кизиқади: дастлаб улар умумий таълим муассасаларида ўқийдилар, сўнг болалари ўқийди, ўзлари эса малакаларини ошириш имкониятига эгадирлар. Бу ҳолат одамнинг барча ҳаёт даврида узлуксиз таълимга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга имкон беради.

**Лойиҳалаш иштирокчиларининг фаоллигига бўлган талаблар.** Фаолликнинг ифодаларидан бири - лойиҳага ихтиёрий тарзда қўшилиш ва ҳиссиётли - қадрли тарзда яшашдир. Лойиҳани тузиш жараёнида, нафақат бевосита қатнашувчиларнинг, шунингдек, бунга шунчаки аралашаётганларнинг, лойиҳа муаммоларини муҳокама қилишда иштирокчиларнинг фаоллигини эътиборга олиш муҳим саналади. Лойиҳалашнинг хусусияти шундаки, унда барча фикрлар ва таклифлар назарда тутилиши, барча қабул қилинган қарорлар илмий асосланган бўлиши керак. Агар педагогик лойиҳа-

нинг муҳокамасида малакали мутахассислар, олимлар, жамият ташкилотлари фаол иштирок этсалар, унинг сифати юқори бўлади.

Таълим тизимини лойиҳалаштиришда самарали натижага муаллифлар жамоаларини тузиш орқали эришилади, бунга жамиятнинг турли қатламлардаги, давлат, нодавлат, жамият ташкилотларининг вакиллари киради. Аниқликка талаб лойиҳавий мақсадларга эришиш учун кафолатнинг таъминланганлигига боғлиқ. Бунинг учун лойиҳавий фаолиятга қатнашаётган кишилар белгиланган ўзгаришларни амалга оширишда зарур бўладиган ваколат даражасига эга бўлишлари, лойиҳа эса захиралар нуқтаи назаридан таъминланган бўлиши ҳам зарур.

**Бошқаришга қўйиладиган талаблар.** Лойиҳани бошқаришнинг унумлилиги кўп жиҳатдан лойиҳа интизоми мавжудлигига боғлиқ, бу эса ҳаракатларнинг вақтинчалик чегараланганлигини, бажариладиган ишларнинг мазмунан ва технологик муайян бўлишини талаб қилади. Бошқарувнинг муваффақиятли бўлиши, шунингдек, ҳар қайси лойиҳавий ишларнинг ахборотли таъминланганлигининг тўлиқ бўлишига боғлиқ, бу эса ўз навбатида бошланғич ташхисли, хулосавий ва бошқа маълумотларни олишни талаб қилади.

Лойиҳалаш фаолиятининг технологиклиги қайта ўзгартириш ҳаракатларнинг биргаликда олиб борилишига, чекланган босқичининг самарасига асосланади. Бунда қайта ўзгартирувчи самара ҳам биргаликдаги натижага ва ҳам лойиҳа иштирокчиларига тақалади. Лойиҳалаштириш табиатидан келиб чиқиб, педагогик лойиҳаларда бир қийматли қарорлар йўқлигини эътироф қилиш лозим, лойиҳавий фаолият эса мазмунни ва технологик кўп кўринишлиликдир.

### **Педагогик объектни лойиҳалаш бўйича амаллар тартиби.**

<b>Тайёрлов ишлари</b>
1. Лойиҳалаш объектини таҳлили
2. Лойиҳалаш мазмунини аниқлаш
3. Лойиҳалашнинг назарий таъминоти
4. Лойиҳалашнинг услубий таъминоти

5.Лойиҳалашнинг фазовий-вақтли таъминоти
6.Лойиҳалашнинг моддий-техник таъминоти
7.Лойиҳалашнинг ҳуқуқий таъминоти

<b>Лойиҳани ишлаб чиқиш</b>
8.Тизимни шакллантирувчи омилни танлаш
9.Қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигини аниқлаш
10.Ҳужжатларни тайёрлаш

<b>Лойиҳани сифатини назорат қилиш</b>
11.Лойиҳани қўлланилишини ҳаёлий тажрибадан ўтказиш
12.Лойиҳани эксперт томонидан баҳоланиши
13.Лойиҳани таҳрир қилиш,тузатиш
14.Лойиҳадан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилиш

Лойиҳалаш объектининг таҳлили дастлаб нимани лойиҳаламоқчи эканлигини аниқлашни талаб этади: бу тизимми, жараёнми ёки вазиятми? Бу объектларнинг ҳар бирининг хусусияти фазовий тузилишдан иборат. Бу эса катта тизимлар ва кичик вазиятлар чизиқли эмас, кўпгина устма-уст тушадиган тузилмаларга, қатламлар, ва қаватларга эга эканликларини кўрсатади. Фазовий тузилиш тизим, жараён ёки вазият ичида рўй берадиган ўзаро таъсирлар, муносабатлар, қатламлар, тузилмалар, ўртасидаги алоқаларни билдиради.

Лойиҳалаш объектининг таҳлили даставвал унинг тузилмаларининг ҳар бирининг алоҳида ҳолати, шунингдек, улар ўртасидаги алоқани кўзда тутади. Таҳлил давомида ижтимоий-давлат ва шахсий талаблар нуқтаи назаридан объектдаги камчиликлар, ожиз томонлар аниқланади. Зиддиятлар, яъни, объект қисмлари ўртасидаги нисбатан муҳим номувофиқликлар ёки унинг бир бутун ҳолати ва унга қуйилган ҳам талаблар аниқланади. Айнан ана шу тугун лойиҳалаш давомида ўзгартиришларга дучор қилинади.

Лойиҳалаш объекти нақадар мураккаб ва катта бўлса, унинг босқичи ҳам шу қадар кенг таҳлил талаб қилинади. Масалан, таълим тизими ёки касб-хунар ўқув юрти тизими моделини етакчи шаклида тузишда бошланғич ҳолатни аниқлаш учун нисбатан чуқур ва кенг таҳлил талаб қилинади, бу ҳеч

қандай янгилик таянчини аниқламай вужудга келмайди, мавжуд объектми ёки унинг нухасими, ҳар қайси янгилик олдингини қайта тузилишидир.

Лойиҳалаш шаклини танлаш қандай босқич танланганлиги ва неча босқични ўтиш кераклигига боғлиқ. Шундай қилиб, ҳозирда узлуксиз таълим умумий ўрта ва ўрта махсус ҳамда олий таълим муассасалари томонидан берилади. Шу мақсадда касб-ҳунар коллежларнинг асосий ғоялари, унинг низоми, битирувчиларнинг касбий тавсифномалари, ўқув режалари ишлаб чиқилган. Бунда кўрсатилган шакллар икки босқични ўз ичига олади: моделлаш ва лойиҳалаш. Агар педагогик жараён машғулотларда лойиҳаланаётган бўлса, у ҳолда унинг моделлаштирилиши педагог ва талабаларнинг тафаккурига киритилган, деб тушунилади. Машғулотнинг етакчи ғояси шундан иборат. Машғулотнинг бевосита лойиҳаланиши тузиш босқичидан – машғулотлар режаси, матнини ёки кўринишларини тузишдан бошланади. Лойиҳалашнинг исталган шакли мақсадга мувофиқ талаб этиладиган, талабалар ва педагогларнинг хусусиятларига, имкониятларига мос бўлиши керак. Акс ҳолда улар юзакигина қабул қилинади.

Лойиҳалашнинг назарий таъминланиши - бу ахборотни излаш:

- бошқа жойлардаги шунга ўхшаш объектлар фаолиятининг тажрибалари ҳақида;
- шу каби объектларни лойиҳалашда бошқа педагоглар тажрибаси;
- педагогик тизимлар ва жараёнларнинг инсонга таъсири, педагогик вазиятлар ечимининг назарий ва амалий, тажрибавий тадқиқотлари.

Лойиҳалашнинг услубий таъминоти лойиҳалаш жиҳозларини ташкил қилишни ўз ичига олади: чизмалар, намуналар, ҳужжатлар ва шу кабиларни тайёрлаш, нисбатан қулай ва мақсадга мувофиқ тузилмаларни танлаш учун ҳар қайси ҳужжатнинг бир неча варианты бўлиши маъқул. Бунга педагогик жараёнлар ёки вазиятларни лойиҳалашни мазмуний таъминлаш ҳам киради. Шу мақсадда, масалан, дарслар ёки мавзулар жилдига эга бўлиш тавсия этилади. Уларда ўқитувчи ёки уста аниқ ихтисосликка эга ўқув гуруҳи учун

алоҳида мавзулар бўйича турли материалларни тўплайди. Бундай дарслар жилдига қуйидагилар киради: умумий таълим ва касбий таълимнинг ўзаро алоқадорликлиги ифодаланувчи топшириқлари; ҳужжатли материал; талабаларнинг маърузалари, ишланмалари; кўргазмали қуроллар ёки уларнинг жамланмаси; талабаларнинг мустақил ишлари учун ёзма-топшириқлар ва шунга ўхшаш, блокли-модулли ёндошувлар ишлатилиши мумкин.

Лойиҳалашнинг фазовий вақтли таъминоти агар уни тайёрлашда муайян вақт ва муайян фазо эътиборга олинганидагина аниқ қийматга эга ва ундан фойдаланиш мумкин бўлади. Фазовий вақтли таъминот - педагогик лойиҳалашнинг зарурий шартидир.

**Фазовий таъминлаш** деб мазкур модел, лойиҳа ёки тузилмани амалга ошириш учун энг самарали жой аниқлаш (тайёрлаш)ни, жойнинг тизимлар, жараёнлар ёки вазиятларни амалга оширишга жойнинг таъсирини ҳисобга олиш тушунилади. Исталган модел, лойиҳа ёки тузилма аниқ фазога боғланади. Бу эса педагогик жараён иштирокчиларининг ҳаракатларини олдиндан айтишга ёрдам беради.

Лойиҳалашни вақт бўйича таъминлаш - бу унинг ҳажми бўйича вақт билан ўзаро нисбати, яъни маълум вақтга сиғадиган ва бажарилиш суръати бўйича, мароми бўйича фаолияти кетма-кетлиги, тезлиги ва шу вақтда унга жойлашадиган жараён билан ўлчанади. Масалан, вақтни касбий қобилият, касбий тажриба, усталикнинг шаклланишининг давом этиши сифатида, шунингдек, тадбирлар, педагогик вазиятларнинг (тизимлар, жараёнлар, вазиятларнинг) таъсир этиши, ривожланиш босқичлари давом этиши сифатида билиш талаб қилиниши мумкин. Буларнинг ҳаммаси педагог ва талабаларнинг кучи, қуввати, диққати ва вақтини тўғри тақсимлашга имкон беради. Шу билан биргаликда ўзларида вақт мароми, частотаси, оралиғи, кетма-кетлиги, тезлиги, ҳажмини намоён этади.

Ҳар бир услуб ўзига сермеҳнатлиги, мазмуни ҳам уни бериш ва ўзлаштириш учун вақт талаб қилади. Ҳар бир шакл маълум вақтга

мўлжалланган. Моддий-техник таъминот лойиҳалаш жараёнида бир неча вазифани бажаради. Биринчидан, у лойиҳалаш бўйича бевосита фаолиятнинг ўзини амалга ошириш учун педагогик техника ва воситадир. Иккинчидан, моддий-техник қисми турли манбалардан таъминланиши сабабидан, табиийдирки, у ҳам лойиҳаланиши керак, яъни моделлаш, лойиҳалаш ва тузиш-қуриш объекти бўлиши лозим. Учинчидан, моддий-техник таъминот хар вақт тарбиявий мақсадларни ечиш воситаси бўлганлигига кўра у педагогик моделлар, лойиҳалар ва тузилмалар таркибий қисми сифатида, тизимлар, жараёнлар, вазиятлар лойиҳаланиши керак. Лойиҳалаш жараёнида педагогик тизимлар, жараёнлар, вазиятларнинг моддий-техник таъминланиши тўлиқ бўлишига, уларнинг фаолиятнинг бош йўналишларида тўпланишига, воситалардан кўчма ҳолда фойдаланишга, уларнинг энг мақбул бирикувига, ўзаро алмаштирилиши ва ўзаро тўлдиратилишига эришиш лозим. Лойиҳалашнинг моддий-техник таъминланганлигига лойиҳалашнинг содда бўлиши ва лойиҳани амалга оширилиши, педагоглар ва ўқувчилар фаолиятида қулайликлар, тарбия натижалари ва ишончлилигининг турғун бўлиши боғлиқдир. Қониқарсиз моддий-техник негиз педагогик лойиҳалаш юзасидан барча меҳнатни йўққа чиқариши мумкин. Бу ҳолда исталган модел, лойиҳа, тузилмалар педагогик ҳаёлий шароитга тушиб қолади. Лойиҳалашнинг ҳуқуқий таъминоти - талабалар ва педагогларнинг тизимлар, жараёнлар, вазиятлар чегарасида фаолиятини тайёрлашда ҳуқуқий асосни яратиш ёки уни ҳисобга олишдан иборат. Ҳеч қандай педагогик лойиҳа республика қонунчилигини, олий ҳокимият қонунлари ва фармонларини, таълимнинг бевосита бошқариш органлари буйруқларини бузиши мумкин эмас. Тизим ташкил этувчи омилни танлаш бутун бир лойиҳани унинг барча таркибий қисмлари билан ўзаро боғланган ҳолда тузиш учун зарур. Алоқаларни ўрнатиш ихтиёрий эмас. Бу жараён бош бўғинни ажратишни талаб қилади, қолган барча алоқалар унга боғлиқ равишда белгиланадилар. Бош бўғин - тизим ташкил этувчисини, қисмларини бирлаштирувчи асос, ўзакдир.

Тизим ташкил этувчи таркибий қисм - у бошқа барча таркибий қисмларни бир бутун қилиб бирлаштира олади, уларни мақсадга мувофиқ йўналтира олади ва ривожлантиради. Бунда тизим ташкил этувчи қисми эркин қолади ва бошқа қисмларнинг ўзгарувчанлигига тўсқинлик қилмайди. У бўйича янги турғун педагогик тизимларни бунёд этиш мумкин, шунга кўра уни таърифлаш ўта муҳим. Тизим ташкил этувчи омилни танлаш шахсни тарбиялаш умумий мақсадга эришиш лойиҳасига таъсир кўрсатади. Психологлар педагогнинг лойиҳалаш жараёнида икки умумий мақсадга эришиш йўлини белгилайдилар: мазмуний ва динамик.

Педагогик лойиҳалашнинг мазмуни, умумий мақсадга эришиши асоси сифатида, шахсни тарбиялаш мақсади ва вазифасини ўз ичига олади, уларнинг ўзгармаслигини сақлайди, мазмуни, услублари ва шакллари ўзгарувчан қилади. Мақсад ва вазифалар бошланғич ҳолда аниқ берилган ҳисобланади. Педагог бу ҳолда шахсга таъсир этишнинг шундай усуллари излайдики, улар қўйилган мақсадга мувофиқ равишда уни ривожлантиришга ёрдам беради. Ўзгарувчан тузилмалар ташкил этувчи қисмлари сифатида тарбияланувчи ва педагогнинг шахсий имкониятларини олади. Бу умумий мақсадга эришиш йўлида фикрлаш мантиғи тизим, жараён, вазият иштирокчиларининг аниқ имкониятларидан келиб чиқишлари, сўнг мақсад, тамойил, мазмун, услублар, воситалар ва шакллари аниқлашдан иборат. Таркибий қисмлар ўртасидаги алоқалар ва боғланишларни белгилаш лойиҳалашнинг асосий амалларидан биридир. Тизим, жараён ёки вазият қисмлари ўртасидаги алоқаларнинг жуда кўп турлари мавжуд. Улардан асосийлари: вужудга келиш, туғилиш, яшаш, мазмун ва бошқариш алоқаларидир. Вужудга келиш алоқаларидан таълимнинг мужассамлашган кўринишини, ёки мужассамлашган ўқув фанини, ёки мужассамлашган машғулоти лойиҳалашда фойдаланиш мумкин. Машғулоти тузилмалари, мазмуни, услубий қисмлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатишда янги таълимотлар вужудга келади: таълимнинг янги тури (масалан, муҳандислик-педагогик), янги ўқув фани (экология), машғулотларнинг янги



тури (мужассамлашган машғулотлар). Қурилиш алоқалари жараёнлари қисмлари, таркиби, жойлашувини қамраб олади. Улардан фойдаланиб, машғулотларда бошқа фанлардан маълумотлар киритиш, қисмларини кўпайтириш ёки камайитириш, жойларини алмаштириш мумкин. Ҳақиқатда лойиҳаланаётган объект аввалгича қолади, у енгилгина такомиллаштирилади.

Мазмуний алоқалар аксинча, ўзаро таъсир этувчи қисмлар - таркиб ва мазмун моҳиятига тегиб ўтадилар. Чунончи, ишлаб чиқаришда меҳнатнинг илғор шакллари, фойдаланиладиган технология хусусиятлари таъсири остида тегишли ихтисослик бўйича бўлажак мутахассисларни тайёрлашда таълим бериш услубиётини тубдан ўзгартириш мумкин. Бошқарув алоқалари, лойиҳалаш объектига анъанавий ёндошувни сақлаган ҳолда, уни янги муҳитга, кўшни тизимларга, жараёнлар ва вазиятларга мослаштирган ҳолда енгилгина ўзгартириши мумкин. Масалан, бундай алоқалар уларни касбий мақсадга мувофиқ бўлиши зарур бўлганда ўрнатилади. Ҳужжатларни таққослаш одатдагидек умумий ҳолда қабул қилинган тегишли кетма-кетлик, яъни, мажбурий бўлимлар рўйхати ва уларнинг тузилиши эътиборга олинган ҳолда амалга оширилади.

Лойиҳанинг ишлатилишини фикран тажриба-синовлардан ўтказиш - уни ҳаёлда ўтказиш, ўз-ўзини текширишда ҳаёлан унинг амалиётдаги хусусиятлари, иштирокчиларга таъсири, натижалари таҳлил этилади. Ҳаёлий тажрибаларда лойиҳаланган тизимда, жараёнда, вазиятда ўқувчилар ва педагогларнинг юриш-туришини олдиндан ўзига хос сифат тарзида тахминий текширишни тақозо этади. Лойиҳани холис баҳолаш - унинг шаклини мутахассислар, манфаатдор кишилар томонидан текширишда, ўзга холис мутахассис лойиҳанинг мустақил тавсифномасини тузади.

Лойиҳани таҳрир қилиш тажриба ўтказилиб, холис баҳолангандан сўнг амалга оширилади. Лойиҳани тузатувчилар тегишли тушунтиришлар олиб, камчиликларни аниқлаб, уни яна бир марта қараб чиқадилар, таҳрир қиладилар, тузатадилар, такомиллаштирадилар, бойитадилар. Буларнинг

барчаси – таҳрир қилишдир. Лойихадан фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги қарор охириги иш бўлади. Сўнг унинг амалда қўлланилиши бошланади. Барча қабул қилинган қарорлар, хулосалар доимо маънавий-руҳий ҳисобланиб, у лойиҳанинг сифати ва фойдаланиш натижалари учун жавобгарлик билан боғлангандир.

Таъкидлаймизки, бу босқичлар исталган педагогик объектни лойиҳалашнинг исталган шаклида намоён бўлади. Босқичлар англаш ва тўғри қўллаш лойиҳалашни нисбатан тежамли ва мақсадга йўналган, тўғри тузишга ёрдам беради.

?	<b>НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР</b>
---	--

1. Замонавий педагогикада лойиҳалаш услубига қандай асосий талаблар қўйилади?
2. Қандай асосий белгилар асосида лойиҳаларни типларга ажратилади?
3. Лойиҳаларни уларда асосий ҳисобланган услублар бўйича қандай типларга ажратишимиз мумкин? Уларнинг хусусиятлари нималардан иборат?
4. Лойиҳаларни мувофиқлаштириш характери бўйича қандай типларга ажратилади? Мисоллар келтиринг.
5. Алоқалар мазмуни бўйича лойиҳалашнинг қандай типлари мавжуд, уларга мисоллар келтиринг?
6. Ўтказилиш вақти ва жойи бўйича лойиҳалашнинг қандай типларини ажратиб кўрсатиш мумкин?
7. Лойиҳаларни ташқи баҳолаш қандай амалга оширилади?

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Муслимов Н.А., Уразова М.Б. Проективная деятельность будущего учителя. Учеб.пособие. – Т.: GrandPaper, 2011. – 92 с.
2. Йулдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: 2011.

3. Педагогические технологии. Учебное пособие. Т.П.Сальникова – М.:ТЦ Сфера, 2005.
4. Ходжаев Б., Уразова М. Умумий педагогика. – Т.: ТДПУ, 2015.
5. Neil Selwyn. Education and Technology: Key Issues and Debates. – Continuum, Australia, 2011.
6. Terhart E. Teacher education in Germany. – Bucharest : UNESCO-CEPES, 2003.

### 3-МАВЗУ: ЎҚУВ ЛОЙИХАСИ: ИМКОНИЯТЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

#### РЕЖА:

1. Лойиҳа муаммоли таълимнинг самарали методи сифатида.
2. Ўқув лойиҳасининг турлари ва функциялари.
3. Талабаларнинг лойиҳалаш фаолияти.
4. Ўқув лойиҳасини амалга ошириш босқичлари.

#### Keywords and concepts:

Preparation for inventions; work on the invention; implementation of the invention, the result goals, each of which is characterized by methods of design ideas; technical solutions; selection of design solutions; new approaches to solutions; protection of new technical solutions.

#### Лойиҳа муаммоли таълимнинг самарали методи сифатида

Ўқув лойиҳаси – бу ўрганилган мавзу ёки бўлимни яна-да, чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган, таълим жараёнига тажриба, фаолият асосида ёндашувга имкон берувчи, тадқиқотчилик ва изланишга доир методлардан фойдаланишни талиб этувчи таълимни ташкил этиш шакли.

Лойиҳа (design - дизайн) – баъзи мураккаб ишланмаларни яратиш бўйича хужжатлар йиғиндиси. Лойиҳа (projekt) тушунчаси кенгроқ маънода маълум натижа (лойиҳанинг беқиёс маҳсули)га эга мақсадли фаолиятни ташкил этиш учун бирор-бир ташкилий шаклни белгилаш учун фойдаланилади.

Лойиҳалаштириш – реал натижага олиб келувчи, қатъий тартибга солинган ҳаракатлар изчиллигини ўз ичига олувчи муаммони ўзгартирувчи фаолиятни англатади.

Таълимий тавсифдаги лойихалаштириш ўқитувчи томонидан ўқувчининг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишдан то (интеллектуал ёки моддий маҳсулотни) оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

“Ўқув лойихаси” тушунчаси кенг қамровга эга бўлиб, қуйидаги мазмунга эга: муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули; назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув воситалари ва қуроллари; ривожлантирувчи, таълим ва тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган дидактик восита.

Ўқув лойихасидан фойдаланиш ўзида қуйидаги мақсадларни акс эттиради: лойихавий таълим жараёни иштирокчиларида ўз-ўзига ишончни қарор топтириш, эгалланган билимларни амалиётда қўллай олишга эришиш; тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш; қўлга киритиладиган натижа учун ўқувчиларда жамоа бўлиб ишлаш, ижодий топшириқларни бажариш жараёнида биргаликда ҳамкорликдаги фаолиятга доир кўникма ва малакаларни ривожлантириш.

<b>Ўқув лойихасининг турлари ва функциялари</b>
---

Ҳозирги вақтда таълим амалиётида ўқув лойихасининг хилма-хил турларидан фойдаланилади: етакчи фаолият турига кўра: тадқиқот, амалий йўналтирилган ва ахборотли; фанга йўналтирилганлигига кўра: монолойиха ва фанлараро лойиха; давомийлигига кўра: ўзоқ муддатли, ўрта муддатли, қисқа муддатли; лойиха иштирокчиларининг сонига кўра: индивидуал ва гуруҳли.

Шунингдек, таълим мақсади билан боғлиқликда ҳам ўқув лойиҳасини турларга ажратиш мумкин: ахборий, тадқиқотчиликка доир, амалий-йўналтирилган, ижодий, ўйинли ёки ролли.

Масалан, агар ўқитувчи ўқувчида ахборотлар билан ишлаш малакаларини, матнни таҳлил этиш, турли манбалардаги маълумотларни таснифлаш ва текшириш кўникмаларини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйса, у ҳолда ахборий тавсифдаги ўқув лойиҳасидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Ахборий тавсифдаги лойиҳанинг мақсади айнан маълумотларни тўплаш, ахборотларни расмийлаштириш ва тақдим этишдан иборат. Албатта, ўқув лойиҳасининг исталган турида ахборот тўплаш босқичи бор, бироқ бу ерда у ўқув иши воситаси бўлиб хизмат қилади, ахборий тавсифдаги лойиҳада эса, асосий мақсад сифатида белгиланади. Мазкур ҳолатда ўқувчи фаолияти айнан ахборотлар билан ишлашга йўналтирилади. Шу билан биргаликда ўқувчида ахборий компетентликни ривожлантириш асосий вазифа сифатида белгиланади.

Ўқувчиларнинг аналитик, танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, идрок этишнинг мантиқий усулларини ўзлаштириш ва катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш мақсад қилиб қўйилса, тадқиқотчиликка доир ўқув лойиҳасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ўқув лойиҳасининг мақсади лойиҳа фаразини асослаб беришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун тажриба-синов ишлари ўтказиш, олинган натижаларни таҳлил этиш, умумлаштириш, таққослаш, ривожланиш қонуниятларини аниқлаш, бундан ташқари хулосалар чиқариш, ўз нуқтаи назарини асослаш зарур. Ана шу тарзда тадқиқотчиликка доир ўқув лойиҳасида асосий эътибор фикрий компетентликни ривожлантиришга қаратилади.

Маълум бир фан ёки фанларга доир амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш зарурияти пайдо бўлганда амалий йўналтирилган лойиҳалардан фойдаланиш яхши самара беради. Энг оддий ҳолатда,

Ўқитувчи ўқувчилардан фанга доир тарқатма материаллар ёки ўйинлар сценарийси, глоссарий, тарихий атласлар яратиш топшириғини буюриши мумкин. Амалий йўналтирилган лойиҳалар билан ишлаш жараёнида ўқувчиларда нафақат фанга доир билим, кўникма ва малакалар ривожланибгина қолмай, балки фаолиятга доир компетентлик ҳам қарор топади.

Ўқув лойиҳасида энг катта эътибор ўқувчиларда ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилади. Айнан ижодий лойиҳа ўқувчиларга ўзини намоён эта олиш, исталган жанрдаги асарни яратиш имконини беради. Шунингдек, ижодий лойиҳалар ўқувчиларни гуруҳдаги мақомининг ошиши, ўз-ўзини баҳолашга имкон бериши орқали уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиради. Ҳар қандай ижодий иш уни тақдим этиш ва синф жамоаси билан қайта алоқани тақозо этади. Ана шу сабабли ижодий лойиҳалар ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади.

Лойиҳаларнинг типологик белгилари (Е.С.Полат бўйича):

1. Лойиҳадаги асосий фаолият: тадқиқий, излаш, ижодий, ролли, амалий (амалий йўналтирилган), таништирув - йўналтирилган ва бошқалар.

2. Предметли-мазмуний соҳа: кичик лойиҳа - бирор билим соҳаси чегараларида; фанлараро лойиҳа .

3. Лойиҳанидаги ҳаракатлар мазмуни: бевосита (қаттиқ, эгилувчан, яширин (тўғридан-тўғри иштирок этмасдан, лойиҳа қатнашчисига тақлид қилувчи).

4. Алоқалар мазмуни (иштирокчиларнинг бир ўқув юртидан, шаҳардан, худуддан, давлатдан, дунёнинг турли мамлакатларидан эканлиги).

5. Лойиҳа иштирокчиларининг сони.

6. Лойиҳани бажариш муддати.

**1.Тадқиқий лойиҳалар ва уларнинг тавсифномаси:** Бундай лойиҳалар яхши уйланган тузилмани талаб қилади, унда мақсадлар кўрсатилган,

тадқиқот предмети барча иштирокчилар учун долзарб, ижтимоий қадр-қимматли, тегишли услублар, жумладан, тажрибавий-синов ва иш тажрибалари, натижаларни ишлаш услублари баён қилинган бўлиши зарур. Бу лойиҳалар тўлиғи билан тадқиқот мантиғига бўйсунган, мазкур илмий тадқиқот билан тахмина ёки тўлиқ, устма-уст тушувчи тузилмага эга бўлишади. Бу тур лойиҳалар тадқиқ, учун олинган мавзунинг долзарблигини ифодалашни, тадқиқот муаммосини таърифлашни, унинг предмети ва объектини, мантиқан қабул қилинган кетма-кетликда тадқиқот масалаларни белгилашни, тадқиқот услубларини аниқлашни, ахборот манбаларини, тадқиқот методологиясини танлашни, белгиланган муаммони ҳал муаммони ҳал қилиш учун фаразларни илгари суришни, уни, шу жумладан тажриба билан ечиш йўлларини тайёрлашни, олинган натижаларни муҳокама қилишни, хулосалар чиқаришни, тадқиқот натижаларини расмийлаштиришни, тадқиқотни кейинги ривожлантириш учун янги муаммоларни белгилашни талаб қилади.

**2.Ижодий лойиҳалар ва уларнинг тавсифномаси:** Бу лойиҳалар доим ижодий ёндошувни талаб қилади, шу тўғрисида исталган лойиҳани ижодий деб аташ мумкин. Лойиҳанинг турини аниқлашда устун томон ажратилади. Ижодий лойиҳалар натижаларни белгиланган тарзда расмийлаштиришни талаб қилади. Бундай лойиҳалар, одатда, иштирокчиларнинг батафсил биргаликда ишлашлари учун батафсил тайёрланган тузилмага эга бўлавермайдилар, бу белгиланади ҳалос, сўнг йўналиш асосида шартлашилиб, гуруҳ томонидан биргаликдаги фаолият учун қабул қилинган мантиқ манфаатлари бўйича ривожлантирилади. Бу ҳолда режалаштирилаётган натижалар ва уларни тақдим этиш шакли (биргаликдаги газетага, иншо, видеофильм, театрлаштириш, спорт уйини, байрам, хизмат сафари ва шу кабилар) ҳақида келишиб олиш зарур. Лекин лойиҳани расмийлаштириш сценарийлар, видеофильм, театрлаштириш, байрам дастури, иншо режаси, мақола, репортаж ва ҳоказо, дизайн ва газета лойиҳа, альманахлар, альбом ва шу кабилар кўринишидаги аниқ ўйланган тузилмаларни тақозо этади.



**3.Ролли-ўйинли лойиҳалар ва уларнинг тавсифномаси:** Бундай лойиҳаларда тузилма фақат белгиланади ва иш охиригача очик туради. Иштирокчилар лойиҳанинг характери ва мазмунига қараб, ўзларига маълум ролларни тақсимлаб оладилар. Бу адабий қиёфалар, ижтимоий ёки иш муносабатларини тақлид этувчи хаёлий қаҳрамонлар бўлиши, иштирокчилар уйлаб топган вазиятлар билан мураккаблаштирилишлари мумкин. Бу лойиҳаларнинг натижаларида ёки уларни ижро этилишининг бошида, ёки энг охирида белгиланади. Бунда ижодиёт даражаси юқори бўлса-да, ролли-ўйин фаолияти бари-бир устун тур бўлиб қолаверади.

**4.Таништирувга мўлжалланган, ахборотли лойиҳалар ва уларнинг тавсифномаси:** Бу хил лойиҳалар аввалдан бирор объект, воқеа ҳақида ахборот йиғишга йўналтирилади; лойиҳа қатнашувчиларини шу кенг аудиторияга мўлжалланган ахборот билан таништириш, таҳлил қилиш, далилларни умумлаштириш талаб қилинади. Бундай лойиҳалар, худди тадқиқ этилувчилари каби яхши ўйланилган тузилмани, иш давомида тизимли таҳрир қилишга имкониятини талаб қилади.

**5. Амалий фаолиятга йўналтирилган лойиҳалар:** Бу лойиҳалар бошданок иштирокчилар фаолиятининг яққол натижаларини ажрата олади. Натижа эса иштирокчиларнинг ижтимоий манфаатлари томон йўналган бўлади (тадқиқот натижалари асосида тузилган ҳужжатлар - экология, биоло-гия, география, агрокимё, тарихий, адабий ва бошқа мазмундаги ҳаракат дастури, табиат, жамият бўйича, қонун лойиҳаси, луғатлар, тавсиялар ва бошқа-лар келтирилади.

Бундай лойиҳа диққат билан тузилган тузилмани, ҳатто ҳар бирининг вазифаси аниқ белгиланган иштирокчиларнинг барча фаолиятининг ёзилмаларини, шунингдек аниқ хулосаларни, яъни, лойиҳавий фаолият натижасини расмийлаштиришни ва ҳар бир иштирокчининг якуний натижани расмийлаштиришда қатнашишини талаб қилади. Бунда босқичма-босқич муҳокама қилиш режасида биргаликдаги ва якка тартибда мустақил ҳаракат қилишларни тўғрилаш, олинган натижаларни тақдимот қилишни ташкил

қилиш, уларни амалиётга татбиқ қилишни уюштиришда, шунингдек лойиҳани тизимли ташкил баҳолашда мувофиқлаштириш ишини яхши ташкил қилиш жуда муҳимдир.

Лойиҳа таркиби қуйидагича белгиланиши мумкин:

- лойиҳадан кузатилган мақсад;
- унинг долзарблиги - ахборот манбалари (адабий, оммавий ахборот воситалари, маълумотлар базаси, электрон маълумотлар, интервью, анкета, жумладан, хорижий шериклар учун, “ақлий ҳужум”ни ўтказиш кабилар) ;
- ахборотни ишлаш (таҳлил, умумлаштириш, далилларни солиштириш, исботланган хулосалар) - натижа (мақола, реферат, маъруза, видео ва бошқ.)
- тақдимот (нашр, тармоқда, телеанжуманларда муҳокамалар ва ҳоказо).

Бундай лойиҳалар кўпинча тадқиқот лойиҳаларига айланади ва уларнинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Ахборот излаш ва таҳлил мақсадида текшириш фаолияти таркиби юқорида айтилган предмет-тадқиқот фаолиятига жуда ўхшаш:

- ахборот излаш предмети;
- излашнинг босқиччилиги, оралиқ натижаларини белгилаш билан;
- тўпланган далиллар устидан таҳлилий иш;
- хулосалар;
- дастлабки йўналишни тузатиш (агар талаб қилинса);
- аниқланган йўналишлар бўйича ахборотни яна излаш;
- умумлаштириш;
- якуний хулосалар (иштирокчиларни қаноатлантирувчи маълумотлар олинганича давом этиш);
- хотима, натижаларни расмийлаштириш (муҳокама, таҳрир, тақдимот, ташқи баҳо).

**Иштирокчилар сонига қараб ушбу лойиҳалар қуйидаги турларга ажратилади:**

- шахсий (турли ўқув юртлари, ҳудудлар, мамлакатлардаги якка кишилар ҳамкорлигида бажарилади);

- жуфтли (бир жуфт иштирокчилар ўртасида);

- гуруҳли (иштирокчилар гуруҳлари ўртасида).

### **Ижронинг бажарилиши (вақти, муддати) бўйича лойиҳалар қуйидагича бўлади:**

- қисқа муддатли (кичик муаммо ёки катта муаммонинг бирор қисмини ечимини топиш учун), улар бир нарса, жараённинг дастури бўйича бир неча дарсада ёки фанлараро алоқадорлик сифатида тайёрланишлари мумкин; ўртача муддатли (бир ҳафтадан бир ойгача);

- узоқ муддатли (бир ойдан бир неча ойгача чўзилади).

#### **Талабаларнинг лойиҳалаш фаолияти**

Лойиҳалар устида ишлашда нафақат тадқиқотчилар, кўпгина бошқалар ҳам, талабаларнинг мустақил билиш фаолиятининг турли услубларидан фойдаланадилар. Улар орасида тадқиқот услуби деярли марказий ўринни эгаллайди, лекин, катта қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабдан бу услубнинг тавсифномаси устида тўхталиш муҳим ҳисобланади. Тадқиқот услуби ёки тадқиқот лойиҳалари услуби илмий методология асосида дунёни ўрганишни ривожлантиришга асосланади, бу эса умумий таълимнинг ўта муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўқув - тадқиқот лойиҳа ва умумий методологик ёндашувга мувофиқ тузилади: тадқиқот фаолияти мақсадларини аниқлаш (лойиҳани тайёрлашнинг бу босқичи ўқитувчи томонидан бажарилади); бошланғич материалнинг таҳлили натижалари бўйича тадқиқот муаммосини ўртага ташлаш (бу босқичда лойиҳа иштирокчиларининг машғулотлардаги мустақил фаолияти кўрсатилиши маъқул, масалан, «ақлий ҳужум» шаклида); қуйилган муаммони ечишнинг имконли усуллари ва келажак тадқиқот ҳақидаги фаразни таърифлаш; очилган муаммоларга аниқлик киритиш, маълумот тўплаш, уни

ишлаш, натижалар таҳлили, тегишли ҳисоботни тайёрлаш, олинган натижаларнинг амалда қўлланилишини муҳокама қилиш.

Лойиҳалаш таълим услубининг амалга оширилиши педагог фаолиятининг ўзгаришига олиб келади. У тайёр билимлар ташувчисидан ўз талабаларининг билиш фаолиятининг ташкилотчисига айланади. Ўқув хонасидаги психологик муҳит ҳам ўзгаради, чунки педагогга ўз ўқув-тарбия иши ва талабаларнинг ишини турли-туман мустақил фаолиятларига, тадқиқот, изланиш, ижодий характердаги фаолият устунлигига қаратишига тўғри келади.

Барча лойиҳаларга ташқи баҳо зарурлиги тўғрисида алоҳида шуни қайд этиш лозим, чунки фақат шу йўл билан уларнинг самарадорлиги, камчиликлар борлигини, ўз вақтида тузатиш ишларини олиб бориш мумкин. Бундай баҳолаш тавсифномаси кўпинча лойиҳанинг типига, унинг мавзусига, мазмунига, ўтказиш шартларига боғлиқ булади. Агар бу тадқиқот лойиҳаси бўлса, у албатта ўзига ўтказиш босқичларини ҳам қабул қилади, бунда лойиҳадан муваффақият кўп жиҳатдан алоҳида олинган босқичларда ишнинг тўғри ташкил қилинганлигига боғлиқ бўлади. Шунга кўра талабаларнинг бундай фаолиятини босқичлар бўйича кузатиш, уни қадам-бақадам баҳолаб туриш зарур. Шу билан бирга бунда баҳолаш, ҳамкорликдаги каби, баҳо қўйиш кўринишида бўлиши шарт эмас. Рағбатлантириш шакллари, энг оддийсидан бошлаб, турлича бўлади: “Ҳаммаси тўғри. Давом этаверинглар” ёки “Тўхташ ва уйлаб кўриш зарур. Нимадир ўнгидан келмаяпти. Ўйлаб кўринглар”. Мусобақа мазмунига эга уйин лойиҳаларида, кўп баллик тизимдан (12 дан 100 баллгача) фойдаланиш маъқул. Ижодий лойиҳаларда кўпинча оралиқ натижаларни баҳолашга имкон бўлмайди. Лекин доимо ишни кузатиш керак бўлади. Бошқача айтганда, лойиҳани ташқи оралиқ ва якуний баҳолаш зарур, лекин у мавжуд омилларга боғлиқ равишда турли шаклда бўлади. Педагог ёки ишончли мустақил ташқи холислар биргаликда фаолиятнинг доимий мониторингини ўтказиб туришади, лекин бу

хушмуомалалик, зарур бўлса лойиҳа иштирокчиларига ёрдам бериш тариқасида олиб борилади.

Лойиҳани тузилишига умумий ёндошув масалаларига тўхталиш лозим:

Доимо лойиҳа мавзуси, унинг тури, иштирокчилар сонини танлашдан бошлаш керак. Сўнг, педагог белгиланган мавзулар доирасида тадқиқ этиш зарур бўладиган муаммоларнинг имконли кўринишларини аниқлайди. Муаммоларнинг ўзи талабалар томонидан, педагог ёрдамида қўйилади (йўлловчи савол-жавоблар, муаммоларни белгилашга олиб келувчи вазиятлар, шу мақсаддаги видеолар ва ҳоказо). Бунда жамоавий муҳокама этиш йўли билан “ақлий ҳужум” уюштириш маъқул бўлади. Энг муҳими вазифаларни гуруҳлар бўйича тақсимлаш, тадқиқотнинг имконли усулларини муҳокама қилиш, ахборотлар, ижодий ҳолатларни излаш. Бундан кейин лойиҳага қатнашувчиларнинг яқка тартибда ёки гуруҳлар бўйича тадқиқий, ижодий масалалари бўйича мустақил ишлари бошланади. Гуруҳларда олинган натижаларни оралиқ муҳокама қилишлар доимо ўтказилади. Лойиҳаларни бажаришнинг зарурий босқичи: уларни ҳимоя қилиш, уларга баҳо беришдир. Иш уни жамоа ўртасида муҳокама қилиш, холис хулосалаш, ташқи баҳо натижаларини эълон қилиш, хулосаларни баён қилиш билан тугайди.

#### **Лойиҳани ташқи баҳолаш мезонлари:**

- лойиҳалашнинг олдига қуйилган муаммоларнинг қимматлилиги ва долзарблиги, ўрганилаётган мавзуга мослиги;
- фойдаланиладиган тадқиқот услублари ва олинган натижаларни ишлаш услубларининг мувофиқлиги;
- лойиҳа иштирокчисининг ўзига хос имкониятларига мувофиқ фаоллиги;
- қабул қилинадиган қарорларнинг жамоавий мазмундалиги;
- лойиҳа иштирокчиларининг ўзаро аралашув, ўзаро ёрдам, ўзаро тўлдирувчанлик мазмуни;
- муаммога зарурий ва етарлича чуқур кириш, бошқа соҳалардан билимларни жалб этиш;

- қабул қилинадиган қарорларни исбот қилиниши мумкинлиги. Ўз фикрлари ва хулосаларини асослай олиш;
- бажарилган лойиҳа натижаларини расмийлаштириш тартиби;
- тақризчилар саволларига жавоб бера олиш, гуруҳ ҳар бир иштирокчиси жавобларининг қисқачалиги ва асосланганлиги.

<p><b>Ўқув лойиҳасини амалга ошириш босқичлари</b></p>
--

Ўқув лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичлари: тайёргарлик (мотивация, муаммоли вазиятларни аниқлаш,

мавзуни танлаш, лойиҳанинг мақсадини белгилаш); лойиҳалашга доир (умумий режани ишлаб чиқиш, фаолиятни амалга оширишнинг аниқ режасини тузиш, танлаб олинган нуқтаи назар билан боғлиқликда топшириқларни талабалар ўртасида тақсимлаш, мустақил иш, гуруҳларда ишлаш, “ақлий ҳужам”, практикум ва бошқалар); амалий (муаммони тадқиқ этиш, маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш, натижа олиш, натижаларни синовдан ўтказиш, натижаларни график кўринишида тақдим этиш, ҳужжатларни расмийлаштириш); аналитик (режалаштирилган ишлар ва олинган натижаларни таққослаш, умумлаштириш ва хулосалаш); назорат ва баҳолашга доир (мувафақиятларни ва йўл қўйилган хатоларни таҳлил этиш, хатоларни тўғрилаш йўллари излаш, реал ҳолат билан боғлиқликда лойиҳага ўзгартиришлар киритиш); якуний (иш мазмуни билан таништириш, хулосаларни асослаш, лойиҳа ҳимояси).

Ўқув лойиҳасини амалга оширишда бир қатор шакл ва методларга таянилади. Ўқув лойиҳасини ташкил этишнинг турли босқичларида бир биридан фарқ қилувчи методларга муражаат этишга тўғри келади. Бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятлари ҳам бир биридан фарқланади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўқув лойиҳасини амалга ошириш босқичлари**

Лойихани бажариш босқичлари	Ўқувчи фаолияти	Ўқитувчи фаолияти	Таълим бериш шакл ва методлари
Изланишга доир	муаммони муҳокама қилади; мақсадни белгилайди ва режа ишлаб чиқади; тадқиқот ўтказади	ўқувчиларга муаммони таклиф этади ва муҳокама қилади; лойиха мақсадларини тушунтиради	муаммоли суҳбат; хикоя; маслаҳат; мустақил иш; экскурсия
Ташкилий	маълумотлар билан ишлайди; анализ ва синтез қилади; ғояларни баҳолайди	ўқувчиларни фаоллаштиради, ғояларни топиш ва қарор қабул қилишга ёрдам беради	мунозара; ақлий ҳужум”; ролли ўйин; мустақил иш;
Технологик	зарур тайёргарлик ишларини амалга оширади; назоратни амалга оширади; маҳсулот сифатини назорат қилади	моддий базани таъминлайди; талабалар фаолиятини бошқаради;	намойиш этиш; машқ; мустақил иш; амалий иш.
Яқуний	лойихани бажариш натижаларини таҳил қилади; ҳужжатларни ҳимояга тайёрлайди; лойихани ҳимоя қилади	лойихани муҳокама ва ҳимоя қилиш жараёнини ташкил этади; инглайди; лойихани таҳлил этиш ва баҳолашда иштирок этади	Маслаҳатли-ролли ишбоп ўйин; тақдимот (мултимедиа, видеоролик).

?	<b>НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР</b>
---	--

1. Қандай асосий белгилар асосида лойиҳаларни типларга ажратилади?
2. Лойиҳаларни уларда асосий ҳисобланган услублар бўйича қандай типларга ажратишимиз мумкин? Уларнинг хусусиятлари нималардан иборат?
3. Лойиҳаларни мувофиқлаштириш характери бўйича қандай типларга ажратилади? Мисоллар келтиринг.
4. Алоқалар мазмуни бўйича лойиҳалашнинг қандай типлари мавжуд, уларга мисоллар келтиринг?

5. Ўтказилиш вақти ва жойи бўйича лойиҳалашнинг қандай типларини ажратиш кўрсатиш мумкин?
6. Лойиҳаларни ташқи баҳолаш қандай амалга оширилади?

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Муслимов Н.А., Уразова М.Б. Проективная деятельность будущего учителя. Учеб.пособие. – Т.: GrandPaper, 2011. – 92 с.
2. Йулдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: 2011.
3. Педагогические технологии. Учебное пособие. Т.П.Сальникова – М.:ТЦ Сфера, 2005.
4. Ходжаев Б., Уразова М. Умумий педагогика. – Т.: ТДПУ, 2015.
5. Neil Selwyn. Education and Technology: Key Issues and Debates. – Continuum, Australia, 2011.
6. Terhart E. Teacher education in Germany. – Bucharest : UNESCO-CEPES, 2003.



#### 4-МАВЗУ: ЛОЙИҲАВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

##### РЕЖА:

1. Ўқув лойиҳаси устида ишлашнинг самарали шакллари.
2. Лойиҳалар устида ишлашнинг индивидуал ва гуруҳий фаолиятни ташкил этиш.
3. Гуруҳли лойиҳаларни ташкил этиш йўллари.

##### **Keywords and concepts:**

Group project, individual project, protection project, projective product, design, training, educational activity, educational project.

##### **Ўқув лойиҳаси устида ишлашнинг самарали шакллари**

Ўқув лойиҳаси асосан талабаларнинг мустақил ишларига асосланади. Бу ишларни ташкилаштириш катталарнинг иши. Бу ерда Яъни гуруҳларда ва индивидуал ўқув лойиҳасини ташкил этишда фарқлар бор. Мактаб ва коллежаларда гуруҳларда ишлашга эътибор беришади, чунки бу ерда ўқитувчи кўп талабалар билан ишлайди.

Ижодий лойиҳавий устахоналарда дарсдан ташқари вақтларда кўп лойиҳалар ишлаб чиқарилади. Бундай лойиҳалар жуда мураккаб (талабалар ишларига раҳбарлик қилиш учун). Шунинг учун биз буни батафсил кўриб чиқамиз.

Ижодий лойиҳавий устахона деганда кичик жамоа тушунилади. Унда фан ўқитувчиси ва ҳар-хил ёшдаги талабалар бўлиши мумкин. Улар бир фан йўналиши бўйичи ҳар-хил лойиҳаларда ишлашлари мумкин. Педагогика ўқитувчиси ”Естетик тарбия талабалар ижодкарлигининг муҳим таркибий

кисми”, Педогогика тарбия ҳақидаги қадимий фан”. ”Талим самарадорлиги таъминланиши методларнинг замонавийлигида” ва бошқалар.

Ижодий лойиҳавий устахона аъзолари маълум бир вақтда ҳар бири ўз предмети устида ишлайди. Устахонада бир-бирлари билан учрашганда ёрдамлашадилар, ахборот алмашишади ва лойиҳа устида ишлаш технологиясини ўрганадилар. Катталар ўз тажрибаларини ёшлар билан ўртоқлашади, аълочилар кучсизларни илҳомлантиради. Бундай катта ва кичикларнинг бигаликдаги ишлари қизиқарли ижодий муҳитни яратади. Бу билан нафақат таълимий балки тарбиявий масалалар ҳам ҳал этилади. Мактабда соғлом муҳитни яратишга ёрдамлашади. Бунда устахоналарда машғулотлар ҳафтасига бир мартадан кўп бўлиши мумкин эмас. Бу нарса устахона қатнашчиларининг тажрибаси ва ўқитувчининг бандлигига боғлиқ. Бундай устахоналарда ўқитувчига бир талабанинг лойиҳа иши билан алоҳида танишишга имконига эга бўлади. Устахоналарда бундай ишларни ташкил этиш, ўқитувчи билан талабанинг тенг ҳуқуқли, ҳамкор, умумий иш билан машғул ҳамкасблар бўлишига имкон беради. Бундай устахоналар ҳар-хил ёшдаги талабарлар ўртасида умумий иш доирасида алоқалар ташкил этишга хизмат қилади.

Маълумки, талабалар бир-бирларидан тез ўрганадилар. Умумий иш синфдан ташқари алоқалар ўрнатишга хизмат қилади. Бундай ишларни ташкил этиш ўз атрофига нафақат талабаларни балки, мактабнинг кўпгина ўқитувчиларини ҳам жалб этадики, бу билан улар ўз ишларини, касбий билимларини ҳам тўлдирадилар.

Ўқув лойиҳаларини ташкил этишнинг бир қатор йўллари мавжуд бўлиб улар: гуруҳларда ва индивидуал ўқув лойиҳасини ташкил этиш, ижодий лойиҳавий устахоналарни ташкил этиш. Гуруҳларда лойиҳавий ишларни ташкиллаштириш.

Ўқитувчилар гуруҳларда лойиҳавий ишлар олиб боришни ёқтирадилар. Гуруҳларда лойиҳавий ишлар олиб бориши нафақат таълимий, тарбиявий

масалаларни ҳал этишга ёрдам беради. Шу билан бирга гуруҳнинг лойиҳавий иш олиб боришига раҳбарлик қилиш маълум қийинчиликлар ҳам туғдиради. Бу лойиҳавий гуруҳ ташкил этилшдан бошланади. Одатда бу гуруҳ катнашчилари фаол, мустақил ва маъсулиятли бўлишлари керак. Бундан ташқари гуруҳ лойиҳани мувоффақиятли бажариши учун улар орасида: “ғоялар генератори”- бу аъзо ўйловчи, “ерудит”- кўп билувчи, “танқидчи”- шубҳаланувчи, текширувчи, қайта текширувчи. Бундан ташқари лидер ва ижрочилар бўлиши керак. Талабалар ўзаро ёрдам беришлари, принспиал бўлишлари, бошқалар фикрини билиши, ўзини нуқтаи назарини ҳимоя қила олиши ва умумий мақсад йўлида келишувчан бўлиши керак. Тўғриси мактаб бундай шароитни амалга ошириб бўлмайди. Агар лойиҳалар бешинчи синф талабалари доимий амалга оширилса, саккизинчи, тўққизинчи синфга келиб, улар гуруҳ лойиҳаларида муаффақиятли ишлай оладилар. Гуруҳ лойиҳалари учун яна бир чегаралаш бор: улар узоқ муддатли бўлмайди. Талабалар узоқ вақт вақт бирга, мустақил фаолият олиб бора олмайди. Ўқитувчи ҳам гуруҳ ишини узоқ муддат назорат қилишга қийналади. Шу сабабларга кўра гуруҳ лойиҳалари қисқа муддатли ёки ўта қисқа муддатли бўлади. Синф жамоасини шакллантиришга талабаларга ўзаро ҳамжиҳатлик пайдо қилишда гуруҳ лойиҳалари фойда беради. Лекин гуруҳ ишларида, унинг ҳар бир талабага бир хил даражада иштирокни таъминлаб бўлмайди. Ҳар доим кимдир асосий ишни бажаради, кимдир асосий ишни бажаради, кимдир иккинчи даражага тушиб қолади. Шунинг учун гуруҳ лойиҳаларида иштирок этишдан ташқари индивидуал лойиҳа ишларида ҳам иштирок этишлари керак.

Бу метод ҳоҳлаган фан учун мос келади. Вазифани олгандан сўнг, синф ўқитувчи кўмагида ёки ўзларига 3 ёки 5 одамдан иборат бир неча гуруҳга бўлинади. Деярли ҳар доим яқка ҳолда ишловчилар бўладик, улар ёлғиз бўлишни исташади. Ўқитувчи бундай талабалар билан ўзаро ишлашни

тўғри ташкил этиш учун, улар нима учун гуруҳда бўлмасликларини билиши зарур. Бирлари ўзларига ишонишади, бошқалари эса гуруҳда кучсиз бўлиб қолишдан қўрқади. Яна бири одамови бўлади. Бундай талабаларнинг ҳар бири билан алоҳида ишлаш керак. Манманларга тегиш керак эмас, улар вақт ўтиши билан гуруҳга қўшилади (бирга ишлаш қизиқ бўлади, бир ўзи ишни бажара олмайди.). Ўқитувчи иштирокисиз гуруҳлар қилинадиган ишларни бўлиб олишади. Гуруҳда талабаларнинг ўрни ва вазифалари.

Ҳамма нарса тартибли, ижодий технология асосида содир бўлади. Талабалардан бири “муаммони пайдо қилувчи”, бири “таҳлил қилувчи тадқиқотчи”, бири “ғоя берувчи ва ғоя бунёдкори”, бири “танқидчи” яна бири “ҳар хил қарашларни келтирувчи” бўлади. Бу вазифалар доимий бўлмай, ўзгартириб турилади.

Қизгин тортишувлардан сўнг, берилган вазифани жавоби топилади, бу нарса ёзма ҳисоботда кўрсатилади. Ёзма ҳисобот учун масъул шахс, ҳисоботни овоз чиқариб ўқийди ва ўқиш жараёнида ҳатоликларни тузтиб боради. Натижада дастлабки “маҳсулот” яхшиланиб боради. Биринчи гуруҳ ишни яқунлаб, маъруза ўқишга киришади. Лекин маърузадаги камчилликларни ўзи ҳам билиб, уни қайта ишлашни бошлайди.

Айтилганидек ўқитувчилар кўпинча гуруҳларнинг лойиҳаларини танлашади.

Талаба билан индивидуал лойиҳа устида ишлашни ташкиллаштиришда ўқитувчи талабанинг нафақат ёш имкониятларини, балки унинг индивидуал хусусиятлари, шахсий қизиқиш ва талабларини ҳисобга олиши керак. Демак, ўқитувчида талабанинг билимидаги камчиликка таъсир ўтказиш билан бирга, унинг шахс бўлиб шаклланишига ҳам таъсир ўтказиши. Шунга индивидуал лойиҳанинг афзаллиги кўринади. Индивидуал лойиҳага ҳам чекловлар бор. Бир лойиҳа мисолида, қандай қилиб индивидуал лойиҳани ташкиллаштиришни кўриб чиқамиз. Кўпинча талабалар учун лойиҳа тузишда биринчи босқич мавзу танлаш қийин бўлади. Бундай вақтда

Ўқитувчи мавзу бермасдан, талабанинг муаммо ва қизиқишларини аниқлаши керакки, талаба лойиҳа устида ишлаш жараёнида бу муаммоларни ҳал эта олсин. Тўққизинчи синф талабаси ана қандай лойиҳани оширишни билмас эди. Лойиҳа режасини ишлаб чиқиш жараёнини ўзгартириш мумкинми? Масалан: Аввал савол жавоб қилиб, сўнгра адабиётни ўрганиш ва маълумотлар йиғиш ва ҳ.к. Биз қачон тақдимот бўлишини биламиз ва ишнинг ҳар бир босқичи учун жадвал тузишимиз мумкин. Энди бўлажак иш учун бизда қандай имкониятлар бор ва яна қандайлари кераклиги ҳақида ўйлашимиз керак. Қандай китоблар ва бошқа ахборот манбалари бор бир яна керак бўлади. Сўровнома туза оламизми ёки ўрганишимиз керакми? Экспериментга ким қатнашади? Лойиҳа махсулоти қанақа бўлади? Бизнинг лойиҳага аввал адабиётни ўрганиш ёки муаммо бўйича керак эди. Кейин мустақил равишда талабалар ва катталар учун саволнома тузиш керак эди. Кейин савол жавоб ўтказиб, натижани умумлаштириш керак эди. Сўнгра олинган маълумотларни таҳлил қилиб, уларнинг асосида “Маслаҳатлар” бериш керак. Бу “маслаҳатларни” талабалар ва катталарга бериб, уларнинг факрларини муҳакама этамиз, улар асосида лойиҳа махсулотига ўзгаришлар киритамиз ва эксперимент билан яна бир муҳакама қиламиз. Охирида “маслаҳатлар”нинг сўнги вариантини тузамиз ва уни деворий пастер сифатида расмийлаштирамиз, тарбиявий соатда талабаларга кўрсатамиз.

Лойиҳа махсулоти тайёр бўлгач, лойиҳа бўйича қилинган ишлар ҳақида ҳисобот ёзамиз ва ҳимояга тайёрланамиз. Ишлаб чиқилган режа лойиҳа мақсадига олиб боришига яна бир бор ишонч ҳосил қилишимиз керак. Бу ерда тесқари алоқа яъни ўқитувчининг ёрдами керак. Булар ўқитувчилар ёки лойиҳа тайёрлаш устахонлари аъзолари бўлиши мумкин. Кўпинча муаллифга тузилган режасининг камчилиги кўринмайди, шунинг учун эксперт қилиш керак. Агар режа яхши бўлиб, лойиҳа режа бўйича кетса

лойиха мувафақиятли якуланади. Режани батафсил муҳакамсидан сўнг, уни амалга ошириш бошланади.

Гуруҳий ва индивидуал лойиҳаларнинг ўзига ҳос томонлари бор.

Гуруҳий ўқув лойиҳалар:

- Биргаликда меҳнат қилиш кўникмалари ҳосил қилади
- Бошқаларни фикрини эшитади
- Умумий мақсад йўлида келишувга ўргатади

Лойиҳа ҳар томонлама чуқур ишланган бўлиши мумкин. Гуруҳлардаги ишлар ҳар бир қатнашчига вазифаларни бўлиб бериш ва ўзининг кучли томонларини кўрсатишга имкон беради. Ўз кучига ишанмайдиган, ҳавотирли талабалар учун гуруҳларда қулай ва ҳавфсиз психологик шароит яратилади. Биргаликдаги фаолият натижасида бир-бирида ўрганиш жараёни бўлади, ўқув жараёнининг энг мақбул, фойдали жиҳатларини кўрсатади. Бундай лойиҳалар гуруҳларни бирлашува-ҳамфикрлигига олиб келади. Бундай лойиҳаларда айрим талабалар бировларнинг ҳисобида “кун” кўришлари мумкин. Лойиҳанинг барча босқичларида ҳар бир қанашчи учун, ҳар томонлама иш амалиётини олиш мумкин эмас.

Айрим талабаларда ишнинг бориши ва натижаси учун масъулият ҳисси бўлмайди.

Ишни мақбуллаштириш ва ташкиллаштириш имкони бўлмайди.

Ҳар бир қатнашчининг иштирокини баҳолаш қийин бўлади

Индивидуал лойиҳалар:

- Лойиҳа муаллифи ишнинг ҳар бир босқичида лойиҳавий ишларнинг тўлиқ ва ҳар томонлама тажрибасини олади.

- Шахсий намуна, масъулият, собитқадамлик ва фаоллик ривожланади.

- Гуруҳлардаги бирга ишлаш тажрибаси бўлмайди.
- Бировларнинг тажрибасидан фойдаланиш имкони йўқ.
- Лойиҳа мавзуси муаллиф қизиқишларига қараб танланади.

- Ишнинг матижаси ва бориши фақат муаллифга боғлиқ бўлади
- Якуний баҳолаш муаллифнинг ишини тўлақонли сифатини белгилайди.

- Лойиҳанинг ҳамма босқичларида иш қийин ва масъулиятли бўлади.
- Лойиҳанинг ҳар бир босқичида мустақил фаолият олиб борилади.

Ўқув лойиҳасини амалга ошириш бир қатор метод ва технологияларга таянади. Ўқув лойиҳасини ташкил этишнинг турли босқичларида бир биридан фарқ қилувчи методларга муражаат этишга тўғри келади. Бу жараёнда ўқитувчи ва талабаларнинг фаолиятлари ҳам бир биридан фарқланади.

**Лойиҳалар устида  
ишлашнинг индивидуал ва  
гуруҳий фаолиятни ташкил  
этиш**

Лойиҳанинг гуруҳли ёки якка типлари ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эгадир.

Таълим-тарбия вазифаларини кўп меҳнатни талаб қилувчи лойиҳалаш услуби ёрдамида амалга ошириш ва лойиҳанинг икки типидан бирини танлашимизда талабанинг эҳтиёжини, шахсий хусусиятларини ва имконият-ларини, гуруҳдаги ўрнини, мақомини ва шунга ўхшаш хусусиятларини ҳисобга олиш зарурдир.

Гуруҳли ва якка лойиҳаларнинг афзалликлари ва камчиликлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

<b>Лойиҳа типлари</b>	<b>Афзалликлари</b>	<b>Камчиликлари</b>
Гуруҳли	-умумий мақсадга эришиш учун ўзгалар нуқтаи назарини қабул қила олиш, мурасага келишиш кўникмалари, ҳамкорлик малакалари шаклланади;	- айрим талабаларни суст иштирокига имконият яратади; -гуруҳнинг ҳар бир иштирокчисига лойиҳани амалга ошириш босқичларида ҳар томонлама тажриба тўплаш имко-

	<p>-лойиҳа чуқур ва ҳар томонлама кенг ёритилади;</p> <p>-гуруҳда ишлаш талабалар ўртасида вазифаларни тўғри тақсимлашга, ишни бажаришда уларни кучли томонларини очишга ёрдам беради;</p> <p>-ишнинг амалга оширишда гуруҳда вужудга келган руҳий ва ижобий муҳит, гуруҳдаги айрим ўзига ишончсиз иштирокчиларнинг шахсий ўрнинини ишдаги ўзаро ҳамкорлик орқали юқори даражага кўтаради;</p> <p>-ҳамкорликдаги ишлар бошқа иштирокчиларнинг иш тажрибасини ўрганишга, узоқ мақсадни кўзлаб амалга оширилаётган ўқув фаолияти ва ўзини тутишини кузатишга имкон беради;</p> <p>-лойиҳа гуруҳнинг жипс-лашишига ёрдам беради.</p>	<p>ниятини бермайди;</p> <p>-айрим иштирокчиларда ишнинг бажарилиши ва натижаларига бўлган масъулиятли ёндошувни шакллантирмайди;</p> <p>-ишни мувофиқлаштириш ва ташкил этишда қийинчиликлар вужудга келади;</p> <p>-ҳар бир гуруҳ аъзосининг фаолиятини алоҳида баҳолашда қийинчиликлар туғдиради.</p>
Якка	-муаллиф лойиҳавий фаолият тажрибасининг барча	-лойиҳани бажаришнинг барча босқичлари кўп меҳнат ва



	<p>босқичларини тўла ва ҳар томонлама эгаллайди;</p> <p>-муаллиф лойиҳанинг барча босқичларини амалга ошириш ҳақида тўла ва ҳар томонлама тажрибага эга бўлади;</p> <p>-шахсий ташаббус, масъулият, фаоллик, тиришқоқлик ривожланади;</p> <p>-лойиҳа мавзуси муаллиф қизиқиши асосида танланади;</p> <p>-ишни амалга ошириш ва натижаси фақат лойиҳа муаллиф фаолиятига боғлиқ;</p> <p>-якуний баҳо муаллиф ишининг сифатини тўла ёритади.</p>	<p>масъулиятни талаб қилади.</p>
--	--	----------------------------------

**Гуруҳли лойиҳаларни ташкил этиш йўллари**

Кўпчилик ҳолларда педагоглар гуруҳли лойиҳалар юзасидан иш олиб боришни маъқул кўрадилар. Гуруҳли лойиҳа ишларини бошқариш бир мунча қийин бўлса ҳам, гуруҳли ишлаш нафақат ўқув, балким ўзига хос тарбиявий вазифаларни ҳам самарали амалга оширишда педагогга ёрдам беради. Лойиҳалаш гуруҳини ўзини шакллантириш жиддий вазифалардан ҳисобланади. Унинг қатнашчиларини онгли, фаол, мустақил ва масъулиятли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бундан

ташқари, гуруҳли лойиҳалашни муваффақиятли амалга ошириш учун, катнашчилар таркибида қуйидагилар бўлиши керак:

“ғоялар генератори”- ўйлаб топувчи, яратувчи;

“иктидор”- кўп нарсаларни билувчи;

“танқидчи”- шубҳаланувчи, текширувчи ва қайта текширувчи.

Йўлбошчилар ва бажарувчилар ҳам бўлиши лозим. Талабалар ўзаро ҳамкорликда, керакли вақтда бошқаларнинг нуқтаи назарларини тушуниши, ўзининг фикрини ҳимоя қила олиши, умумий мақсадга эришиш учун ўзаро келиша олиши ҳамда шу билан биргаликда бошқаларнинг фикрини қабул қила олиши ёки қатъиятли бўлишлари керак.

Ушбу шартларнинг бажарилишини аниқ талабалар гуруҳида мужассамлаштирилиши жуда қийин кечиши мумкин, лекин, лойиҳалаш юзасидан 1-курсдан бошлаб мунтазам иш олиб борилса, бир неча йилдан сўнг, яъни, 4-курсга келиб, улар гуруҳли лойиҳа ишларини самарали равишда амалга ошира оладилар.

Гуруҳли лойиҳа устидан иш олиб боришнинг яна бир чекловчи омили-улар узоқ вақт мобайнида амалга оширилиши мумкин бўлмаслигидир. Талабалар ҳамкорликдаги ишларини мустақил йўлга қўя олиши қийин бўлиб, бундан ташқари узоқ муддат давомида гуруҳли ишни педагог назорат қилиб бориши ҳам осон кечмайди. Шунинг учун гуруҳли лойиҳаларни дарсдан ташқари қисқа муддатли лойиҳалар сифатида бажарилиши кўп учрайди.

Н.Ю. Пахомова ўзининг “Метод учебного проекта в образовательном учреждении” номли китобида гуруҳли лойиҳалар юзасидан изланишлар олиб бораётган педагоглар ва иштирокчиларнинг ишини қуйидагича белгилайди:

<b>Босқичлари</b>	<b>Педагог</b>	<b>Талаба</b>
Лойиҳани мазмунини тушуниш (Кириш)	Лойиҳа муаммосини таклиф қилади	Лойиҳа муаммосини қабул қилади, моҳиятига етади, уни шахсий мазмун билан бойитади

	Лаҳзаларни тасвирловчи вазиятларни ёритади	Ўқитувчи томонидан таклиф этилган вазиятни тушунади, қабул қилади
	Мақсад ва вазифаларни аниқлайди	Мақсад ва вазифаларни аниқлаштиради
Фаолиятни ташқил этиш	Аниқ вазифаларга эга бўлган гуруҳларни ташқил этишни таклиф этади	Гуруҳларга тақсимланадилар
	Гуруҳ аъзоларининг ўртасида вазифаларни ўзаро тақсимлаб олишни таклиф этади	Вазифаларни ўзаро тақсимлаб оладилар
	Гуруҳ иш режаларини ишлаб чиқишни таклиф этади	Гуруҳ иши режалаштирилади
	Олинган натижаларни тақдим этиш шакллари уйлаб чиқишни таклиф этади	Ишнинг натижаларини, тақдимот шакллари танлайдилар
Фаолиятни амалга ошириш	Талабалар саволларига жавобан керакли маслаҳатларни беради	Мустақил равишда ўз иш режасини амалга оширади
	Керакли рағбатлантириш ва назорат ишларини амалга оширади	Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзининг мажбуриятларини амалга оширади, бошқаларга ёрдам беради
	Талабаларга саволларига мувофиқ керакли маълумотларни етказиб беради	Керакли билимлар, маълумотларни излайдилар ва уларни лойиҳани амалга оширишда қўллайдилар
	Олинган натижалар	Тақдимотни тайёрлашади ва

	тақдимотини ташкил этишда ёрдам беради (қайтар алоқа шаклида)	ўтказиб кўришади
--	---	------------------

Гуруҳларни талабаларнинг дўстлик алоқалари, ёки ўқув қизиқишлари, асосида ёки қуръа ташлаш йўли билан, ёки педагогнинг кўрсатмалари билан тузишимиз мумкин, лекин улар ҳам ўзига хос камчиликларига эга бўлиши мумкин. Гуруҳларда тақсимланишда келишмовчиликлар келиб чиқмаслиги учун педагог гуруҳдаги ўзаро шахсий муносабатларни, талабаларнинг мақоми, ўзига хос хусусиятларини билиши, шу билан биргаликда гуруҳли ишларни олиб бориш жараёнида амалга оширилаётган тарбиявий вазифаларни ҳам эътиборга олиши зарур.

<b>Босқич</b>	<b>Педагог</b>	<b>Талаба</b>
Иш натижаларини тақдимоти	Натижаларни умумлаштиради, яқунлайди хулосалайди	Муаммо, мақсад, вазифаларни тушунганлигини, режалаштира олиш ва лойиҳа муаммосини ечиш ишларини амалга оширилганлигини намоёниш этиш.
	Эришилган ва бошқа билимларни, лойиҳалаш кўникмаларини, гуруҳда ишлай олиш малакаларини баҳолайди.	Таҳлил ва таъсирларни амалга оширади, ишнинг амалга оширилиши ва натижаларини ўзича ва ўзаро баҳолайдилар

Гуруҳли лойиҳалашни ташкил этишда ўқув мақсадларига эришиш билан биргаликда талабаларда ҳамкорлик қилиш кўникмаларини ҳам шаклланиб боради. Лекин, гуруҳли лойиҳалашда ҳар бир талабага лойиҳани амалга ошириш босқичларида бир хил фаол ва масъулият билан иштирок этиш малакасини шакллантириш учун шароит яратиш имконияти йўқ. Кимдир лойиҳани бажаришда асосий ишни, кимдир иккинчи даражадаги ишларни

базаради. Шунинг учун талабалар гуруҳли лойиҳа ишлари билан биргаликда яқка лойиҳа ишларида ҳам ўзларини синаб кўришлари лозим бўлади. Улар кўрсатмаларни умумий тушунтиришда оладилар. Олиб борилаётган кундалик дафтарлари талабаларга маъқул бўлган эркин шаклида ёзиб борилади.

Талаба ишни бажарилиш вақтида керак бўладиган ҳужжатлар, лойиҳа ҳисоботларининг ёзув қисмини ёзиб, ўрганиб боришлари лозим.

Ҳужжатларни тўғри юритиш лойиҳа муаллифларида интизомлиликни шакллантиради, ишнинг асосий мақсадидан чалғимасликка ёрдам беради.

Лойиҳа ёки лойиҳа устахонаси раҳбари ҳам ўзининг ишига қулай, мос бўлган шаклидаги журнал ёки ташкил этишнинг бошқа самарали шаклларига эга бўлиши керак. Унда ҳар бир лойиҳа иштирокчисига алоҳида варақлар (жойлар) ажратилиб, лойиҳада олиб борилаётган ишлари қандай амалга оширилаётганини қайд этиб борилади.

Бу ёзувлар ишнинг айрим қисмларини бажаришда ва ишнинг охирида ҳар бир талабанинг фаолияти натижасига таъсир этиш мумкинлиги учун эътибордан қолмаслиги зарурдир.

Лойиҳа раҳбар ёзувлари талабаларнинг лойиҳаларини баҳолашда, айниқса “Ишга шахсий қизиқиши ва ижодий ёндашуви” мезонини аниқлашда ёрдам беради.

Агар лойиҳа ташкилотчиси бўлса, у ҳам “Ижодий лойиҳалар устахонаси ишлари журнали”ни ўзига қулай шаклда юритиши мумкин.

Журналда қуйидаги ҳолатлар қайд этилади:

- Ҳар бир лойиҳа бўйича йўл-йўриқ кўрсатувчи йиғилишлар, устахона раҳбари ва талабаларнинг ўтган ойларда олиб борилган ишлари сифати ва тавсиялари;

- “Журнал” лойиҳа устахоналари раҳбарига лойиҳа фаолияти ташкилотчиси томонидан берилиши лозим бўлган услубий ёрдам, қандай ташкилий муаммоларни пайдо бўлиши, қандай маъмурий захирани жалб қилиш кераклиги кўрсатади, бундан ташқари, агар лойиҳа раҳбари

рахбарлиги учун кўшимча иш ҳақи олса, унда журнал молиявий ҳужжат ҳисобланади.

Йиллик лойиҳалаш якунланишидан кейин “Журнал” таҳлил этилади. Таҳлил натижалари эса йўл қуйилган камчиликларни йўқотишга, келгусида тажриба алмашишни йўлга қуйиш учун, самарали ишлаётган педагогларни аниқлашга, ОЎЮда лойиҳалаш фаолиятини ташкил этиш тизимини юқори даражага кўтаришга ёрдам беради.

Лойиҳани ёзув қисми, яъни ишнинг ҳисоботи ҳақида сўз борганда, кўпинча лойиҳа ишининг бу қисмига кам эътибор беришади. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, лойиҳанинг ёзув қисми ишнинг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Лойиҳа натижаси қандай кўринишидан (рисола ёки мақола, яъни, ёзув шаклида бўлса ҳам) қатъий назар, лойиҳага ёзув қисми илова қилиниши шарт, у ишнинг олиб борилиши ва натижалари ҳақида ҳисобот ҳисобланади.

Ана шу қисмисиз (ҳисоботсиз) лойиҳа ўзининг мантиғининг асосий маъноларидан бирини йўқотади, яъни, айнан шу қисмда талаба ўзи бажарган ишини руҳан тушуниб, унинг моҳиятига етади.

Қилинган ишлар таҳлил этиб, қандай натижага эришилди ёки эришилмади, қуйилган мақсад нима учун амалга олмади; юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун барча имкониятлар сафарбар этилдими; ишнинг бошида қабул қилинган режага киритилган ўзгаришлар қанчалик асосли эканлигини ўрганиб чиқади. Шу ерда лойиҳа муаллифи ўзлаштирган малакаларини, тажрибаларини ва ўзининг ҳаракатларини баҳолайди.

Лойиҳанинг ёзув қисми ўз-ўзини баҳолаш билан боғлиқ бўлиб, унинг амалга ошириш лойиҳа қатнашувчилар айрим қийинчиликларни туғдириши мумкин, чунки уларда ўзлари ҳақида ҳаққоний тушунча шаклланган эмас. Уларда ўз-ўзини баҳолаш шаклланиш босқичида бўлиб, ўзларининг ишларини мустақил таҳлил этишга ундаши муҳимдир, эталоннинг ўзи билан

қиёслаб баҳолаш мезонларини ифода этади, шу асосда ўз фаолиятининг самарадорлигини баҳолайди.

Бу ҳолат лойиҳа қатнашчиларида ўз-ўзини тўғри баҳолашни маълум даражада шакллантиради. Бу лойиҳа устида ишлашнинг яна бир тарбиявий қирраси, имкониятларидан бири ҳисобланади.

Талабалар лойиҳа ишини ҳисоботини тўғри ёзишга ўргатишда, қуйидагича тузилмадан фойдаланишни тавсия этиш мумкин:

### **Кириш**

Лойиҳанинг мавзуси.....

Ишнинг мақсади.....

Лойиҳа натижаси.....

Ушбу натижа лойиҳа мақсадига эришишга ёрдам беради.....

Ишнинг режаси (бажариш муддати ва барча босқичларини кўрсатиб ўтилади):

-Мавзу танлаш ва номланишини аниқлаш.....

- Ахборот тўплаш (ахборотни қаердан ва қандай излаш).....

- Маҳсулотни тайёрлаш (нимани қандай бажарилди).....

Лойиҳани ёзув қисмини ёзиш (қандай амалга оширилди).....

### **Асосий қисм.**

Иш “сана”, “ой”, “йил” бошланди.

Кейин..... бажарилди.

Ишни..... тугатилди.

Ишни бажаришда қуйидаги муаммолар юзага келди:.....

Муаммоларни бартараф этишда .....

(қачон иш тартибини бузилганлигини кўрсатилади).....

.....режадан четланилди.

Иш режаси.....да бузилди.

Ишни бажариш вақтида..... лойиҳа маҳсулотини ўзгартиришга қарор қилинди.

.....лойиха мақсадига эришилди.

### **Хулоса.**

Лойихани тугатиб, режалаштирилган, нарсаларнинг барчаси амалга ошмади. Масалан: .....

Бундай ҳолат .....да содир бўлди.

Агар ишни яна бир бошидан бошланса.....

Келгусида.....бўйича ушбу ишни давом этирилади.

Лойихани муаммосини ҳал қилинди.....лойиха устида иш олиб боришда маълум бўлди (иш олиб борилган муаммонинг ечимларини топишда таклиф этилган ва ечимлар ҳақида).

Албатта, ушбу тузилмадан айнан тўлалигича фойдаланиш шарт эмас. Лекин ишининг бориши ва натижалари ҳақида ҳисобот берилганда, талаба ўзининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил этиши, ўзининг туйғу ва ҳиссиётини ҳис қилиши лозимдир.

Юқори курслардаги талабалар ҳисоботларни чуқур ва кенгайтирилган ҳолда ёзилишлари керак.

Лойихани ҳимоя қилишда талаба энг керакли, энг зарур малакалардан бирини, яъни бажарган ишини, лойиха маҳсулотини тақдимотида сўзга чиқиш ва ўзининг чуқур билимга эга эканлигини кўрсата олиши лозим. Чунки, ўзи ва иши ҳақида ишончли ва қисқа сўзлаб бериш ҳозирги замон талаби ҳисобланади.

Лойихани ҳимоя қилиш, одатда тақдимот шаклида амалга оширилиб, муаллиф ўзининг қисқа (7-10 дақиқалик) нутқи давомида ишининг натижалари билан таништиради.

Тақдимот вақтида вужудга келадиган муаммолар, яъни, ҳаяжонланиш, кўрғазмали материалларнинг камлиги, нутқи яхши тайёрланмаганлиги, тингловчиларда қизиқиш уйғота олмаслиги, нутқга ажратилган вақтдан чиқиб кетиши мумкин.



Ушбу муаммоларнинг юзага келмаслиги учун талаба лойиҳа ҳимоясидаги нутқини қайта-қайта такрорлаши, машқ қилиши лозим. Бундан ташқари нутқни тайёрлашда талаба ўзининг устози билан ҳисоботни тақдимот қилиш устида жиддий ишлаши керак.

Ушбу вазифани ижобий ҳал қилишда талабага қуйидаги маслаҳатлар берилади. Талаба сўзга чиқишда:

- тингловчиларнинг қизиқиши ва тайёргарлиги, нутқи мавзуси билан танишлиги, мазмунидан хабардорлигига эътибор қилинади;

- алоҳида эътиборга молик асосий ҳолатлар ва уларнинг кетма-кетлигини олдиндан аниқлаш;

- асосий сўзларни ёзиб, белгилаб олиш, матнни тўлалигича ўқимасликка ҳаракат қилиш, бундай ҳолат тингловчиларни зериктиради, фақат диққатга сазовор муҳим жойларни баён этиш;

- кўргазмали қуроллардан, дидактик воситалардан фойдаланишнинг аниқ режасини ишлаб чиқиш - бу воситалар нутқ мазмунини ёритиши, асосий ҳолатларни кўрсатиб бериши ва нима ҳақда сўзланаётганингизни тушунишда тингловчиларга ёрдам бериши лозим;

- нутқнинг ниҳоясида яна бир бор баён қилинган асосий фикрларни таъкидлаш қайтиш, тўхташ;

- мосламаларнинг тайёргарлигини текшириш;

- ўзининг ташқи қиёфаси ҳақида ўйлаб кўриш;

- муваффақиятга эришишга ҳаракат қилиш.

Тақдимот олдида озгина ҳаяжонланиш ҳам фойдалидир. У диққатни бир жойга тўплаш ва барча кучларни ишга солишга ёрдам беради. Жуда кучли ҳаяжонланиш эса қарама-қарши натижага олиб келади. Тақдимот нутқини такрорлаш, машқ қилиш ҳаяжонни йўқотишга ёрдам бериб, саросимага айланишини олдини олади.

Тақдимотдаги ҳаяжон билан курашишда эътибор бериладиган омиллар қуйидагилар:

- Нутқни барча қисмларини олдиндан ўйлаб қўйиш, агар бирон бир нарса режалаштирилгандай амалга ошмаса, масалан: слайд-шоу, рангли намоёиш материаллари билан алмаштириш ёки тингловчиларга кўргазмали материалларни тарқатиш керак ва бошқалар.

- Тақдимотни яхши амалга оширувчини ўрганиш, унинг ҳаракатларидан нусха олиш, хаёлан ўзини уни ўрнига қўйиб кўриш ва бошқалар.

- Кўргазмали материалларни намоёиши билан бирга тақдимотни бир неча такрорлаш, нутқининг қисқа матнидан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилиш. Қанча вақт сарфланишини аниқлаш. Агар тақдимот нутқи керагидан ортиқ бўлса қисқартириш, нутқни эшитиб кўришни бирон кишидан илтимос қилиш, видеога ёзиб олиш, уни кўриш, таҳлил қилиш, керак бўлса ўзгартиришлар, қисқартиришлар киритиш.

- Сўзга чиқиш олдида бир неча чуқур нафас олиш ҳаяжонланишни йўқотади, босади, жиловлайди. Тингловчиларни ўзининг дўстларинг деб ўйлаш. Асосий урғуни қийинчилик туғдирадиган жойга эмас, қизиқарли деб топган жойга бериш.

- Ортиқча ҳаяжонланиш кўл, оёқ ва товушнинг қалтирашига олиб келади. Бир неча оддий жисмоний машқлар бу ҳолатни йўқотишга ёрдам беради.

- Бир жойда туриб нутқ сўзлаётган нотик, аста-секин ҳаяжонланишини сеза бошласа стол ёки доска ёнида юриш, нутқ сўзлашда бўшашишга ёрдам берувчи усуллардан бири бўлиши мумкин.

- Йиғилганлар билан кўришиш алоқасини ўрнатишга ҳаракат қилиш – бу уларда нотикқа бўлган меҳрни шакллантиради ва оширади; бундан ташқари тингловчиларнинг кўзларидан нутқнинг қанчалик қизиқиш уйғотганлиги маълум бўлади.

- Тақдимот вақтида саволлар беришса саволларга жавобни “Раҳмат” билан бошлаш лозим. Ҳар бир саволни нутққа бўлган қизиқиш деб билинг.

Қушимча саволлар – ўзингизни билимдонлигингизни кўрсатишни яна бир имконияти эканлиги ёддан кўтарилмаслиги лозим.

**Кўргазмали воситалардан фойдаланиш.** Яхши танланган ва тайёрланган кўргазмали ва тарқатмали воситалар тақдиротни самарали ўтказишга ёрдам беради. Улар тингловчилар диққатини жалб қилиш ва қизиқишларини сўндирмаслиги; сўзнинг маъносини кучайтириши лозим; эшитиш орқали қийин қабул қилинадиган маълумотларни кўрсатиш, масалан, рақамлар, саналар, номлар, географик номлар, махсус атамалар, графиклар, чизмалар, диаграммалар ва ҳоказолар матнни тушунишга ёрдам беради.

Кўргазмали воситалардан қуйидаги ҳолатларда фойдаланиш мумкин эмас: таассурот қолдириш; аудитория билан жонли мулоқотни тўлиқ кўргазмали воситалар билан алмаштириш; нутқда катта ҳажмдаги маълумотни жамлаш; сўзлар билан тушунтириш мумкин бўлган оддий фикрларни фақат кўргазмали кўрсатиш.

?	<b>НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР</b>
---	--

1. Ижодий лойиҳа устахонаси деганда нимани тушунилади? Якка тартибда ишлашни ташкил этиш педагогга қандай имкониятлар яратиб беради?
2. Ижодий лойиҳалашда қатнашиш талабага нима беради?
3. Лойиҳа устида гуруҳли ишлаш жараёнида гуруҳни шакллантириш хусусиятлари нималардан иборат?
4. Лойиҳага раҳбарлик қилишда педагогнинг фаолиятини ёритиб беринг.
5. Гуруҳли лойиҳа ишида талабалар фаолиятини очиб беринг.
6. Талабаларнинг якка лойиҳа ишини амалга ошириши жараёнига раҳбарлик қилишнинг хусусиятлари нималардан иборат?

7. Лойиҳа устида иш олиб бориш кундалиги ўзида нимани ифода этади?
8. Лойиҳа устида олиб борилган ишларнинг ҳисоботи мазмуни нимадан иборат?
9. Лойиҳани ҳимоя қилиш жараёнида талаба қандай малакаларни эгаллайди?
10. Лойиҳани ҳимоя қилиш жараёнида талабалар қандай асосий қийинчиликларга дуч келдилар?
11. Лойиҳани ҳимоя қилиш жараёнида юзага келадиган муаммоларнинг ечимини топишда қандай ёрдам бериш мумкин?

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Муслимов Н.А., Уразова М.Б. Проективная деятельность будущего учителя. Учеб.пособие. – Т.: GrandPaper, 2011. – 92 с.
2. Йулдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: 2011.
3. Педагогические технологии. Учебное пособие. Т.П.Сальникова – М.:ТЦ Сфера, 2005.
4. Ходжаев Б., Уразова М. Умумий педагогика. – Т.: ТДПУ, 2015.
5. Neil Selwyn. Education and Technology: Key Issues and Debates. – Continuum, Australia, 2011.
- Terhart E. Teacher education in Germany. – Bucharest : UNESCO-CEPES, 2003.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машғулот**

#### **Компетент ёндашув – педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантириш омили**

##### **1- вазифа.**

Лойиҳаларнинг (лойиҳаларнинг) ҳар хил тури учун мавзулар келтиринг (асл нусха юзасидан). Уларни маълум ва бошқа белгилар бўйича таърифланг (алоқалар мазмуни бўйича, уларнинг давом этиши, иштирокчиларнинг сони бўйича). Албатта муаммони таърифланг, лойиҳанинг мақсади ва вазифаларини баён қилинг, кўрсатилган муаммони ҳал қилиш учун ишлатилиши тахмин қилинаётган фанлар бўйича ўқув материални кўрсатинг, шунингдек қандай қилиб лойиҳа натижалари расмийлаштирилишини ва бу қандай соҳада амалий (назарий) аҳамиятга эга эканини тушунтиринг, Ўқувчиларнинг қандай ақлий, ахлоқий, маданий ривож топиши юзасидан қандай мақсадлар кўйилиши алоҳида кўрсатилиши лозим.

Ҳар қайси гуруҳда лойиҳага нисбатан турли ғояларни муҳокама қилинг. Лойиҳа муаммоси нимадан иборат? Лойиҳа турини аниқланг. Иштирокчиларга лойиҳа устида ишлашлари мобайнида қандай билим (қайси соҳадан) зарур бўлишини белгиланг, лойиҳа натижаларини расмийлаштиришнинг имконли кўринишларини тақдим этинг.

Ўз лойиҳангиз таркибини унинг турига мувофиқ равишда тайёрлашга уриниб қуринг. Тадқиқот услублари, ахборот манбаларини аниқланг, муаммони ечиш фаразини таърифланг.

Тадқиқот, лойиҳани ҳимоя қилиш натижаларини расмийлаштириш режасини тайёрланг.

Дарсларга қатнашинг ва уни асосий тавсифномалар (мақсади, тури, кўришиши, лойиҳалаштириш шакли, унинг қанчалик оммабоплиги ва нима учунлиги) даражасида таҳлил қилинг.

## **2 - вазифа.**

Лойиҳавий фаолиятнинг мазмуний белгилари рўйхатини таҳлил қилинг. Биринчи қарашда бу келтирилган позицияларнинг қайси бирлари бир-бирларига зид туйилади? Қайси тартибда уларни лойиҳалаш вақтида «яраштириш» мумкин?

## **3 - вазифа.**

Боб материалларига асосланиб, педагогик моҳиятга нисбатан «лойиҳа», «лойиҳалаш», «лойиҳавий фаолият» тушунчаларининг тузилишининг мантикий чизмасини тузинг. Бу вазифани (топширикни) бажариш учун луғатлардан, Интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланинг.

## **4 - вазифа.**

“Лойиҳалаштириш-лойиҳалаш” тушунчасининг барча тавсифларини диққат билан ўқинг. Ундаги лойиҳавий фаолият моҳиятини ёритувчи асосий сўзларни ажратинг. Қийинчилик туғилганида сиз тушунмаган сўзлар ва сўз бирикмаларининг маъносини очиш учун махсус луғатларга мурожаат қилинг.

## **5 - вазифа.**

1-боб ўқилсин муаллифларнинг нуқтаи назарлари аниқлансин, педагогик лойиҳалаш, педагогик лойиҳалаш тамойиллари, уларнинг тавсифномаларини ушбу жадвал тарзида дафтарга ёзилсин:

Муаллиф	Педагогик лойиҳалаш таърифи	Таълим технологияси тавсифлари
---------	-----------------------------	--------------------------------

Вазифа - топширикни бажариш режаси:

1. Таълим технологиясини таърифлашга турли ёндашувларнинг қисқача тавсифи. Муаллиф - ёндашув - таъриф.

2. Педагогик лойиҳалаш асосий тавсифномаларини аниқлаш.

3. Педагогик лойиҳалаш тамойиллари мазмунини очиш.

## **6 - вазифа.**

### **Гуруҳ ишини лойиҳалаш.**

**Вазифанинг мақсади** - Гуруҳ ишини таълимнинг технологик усули сифатида ўзлаштириш.

Кичик гуруҳ учун топширик:

1. Машғулот мавзуси ва мазмунини танлаш. Гуруҳ иши учун топшириқлар турини аниқлаш: топшириқлар умумий ёки табақалаштирилган. Кичик гуруҳларга ажратиш усулини уйлаб кўриш.

2. Ўқув материали мазмунини танлашда билимнинг шундай соҳасини олинганки, унга ўзингиз ҳам яхши тушунган бўлинг. Материал аниқ мазмунга эга айрим саволларга осон ажратиладиган бўлиши керак. Олий таълим курслари (масалан, педагогика, психология ва бошқалар) назарий мазмунидан фойдаланиш маъқул.

3. Машғулотдан кузатилган мақсадни таърифлаш ва унинг режасини тузиш. Асосий диққатни кичик гуруҳлар иши мақсади бажарилиш натижаларига қаратинг. Агар вазифалар (топшириқлар) умумий бўлса, уларнинг такрорланмаслигини олдини олиш керак. Агар вазифалар табақалаштирилган бўлса, кичик гуруҳлар вакиллари сўзлаб беришлари кетма-кетлигини, уларнинг ишларини ўзаро боғлаш ва умумий хулосалар чиқаришни уйлаб кўринг.

4. Дидактик материаллар: китоблар, матнлар, луғатлар, йўл-йўриқлар (йўриқномалар), иш қоғозлари ва бошқаларни тайёрлаш.

5. Машғулотнинг давом этиши - 20 дақиқа.

Машғулотни ўтказиш режаси:

1. 1- кичик гуруҳ томонидан топшириқнинг тақдим этилиши.

2. Муҳокама ва таҳлил.

3. 2- кичик гуруҳ томонидан топшириқнинг тақдим этилиши ва ҳоказо.

## **2-амалий машғулот**

### **Ўқув лойиҳаси – таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш воситаси**

#### **Лойиҳа раҳбарига (ташкилотчисига) эслатма**

1. Турли услубларга (илмий-тадқиқий, ижтимоий, ижодий, ахборотли, амалий йўналтирилган, ўйинли ва бошқ.) асосланган лойиҳа мавзуларини талабалар диққатига ҳавола этиш. Уларнинг долзарблигини асослаш.

2. Лойиҳаларнинг бошқа белгилари (алоқа тавсифи, лойиҳани мувофиқлаштириш тавсифи, давом этиш муддати, иштирокчилар сони)ни тавсифлаш ва тўлдириш. Энг долзарбларидан бирини танлаш.

3. Лойиҳа муаммосини кўрсатиш, очиб бериш. Мақсад ва вазифаларни аниқлаш. Лойиҳани амалга ошириш вақтида вужудга келадиган фанлараро алоқадорликни очиб бериш ва муаммо бўйича ўқув материалларини кўрсатиб бериш.

4. Лойиҳанинг амалий ёки назарий аҳамиятини шакллантириш.

5. Қандай мақсадларни (ақлий, ахлоқий, маданий ривожланиш) қўйилаётганлигини айтиб ўтиш.

6. Лойиҳани амалга оширишда фойдаланмоқчи бўлган ижодий услубларни санаб ўтиш.

7. Лойиҳа натижаларини расмийлаштиришни ўйлаб кўриш.

8. Лойиҳани амалга ошириш босқичларини назорат қилиш шаклларини аниқланг.

9. Лойиҳа муваффақиятини баҳолаш мезонларини таклиф этиш.



10. Лойиҳанинг ўсмирларнинг касбий шаклланишига, танлаган меҳнат соҳасига қизиқишига (фақат юқори синф ўқувчилари учун) ва ижтимоий мослашишига таъсир этиши.

11. Ушбу лойиҳани амалга ошириш натижасида қандай психологик-педагогик самарага эришилади?

### **Лойиҳаларни холис баҳолаш**

Лойиҳаларни тўғри ташкил этилган холисона баҳолаш тизими нафақат ёлибни (агар лойиҳа ишлари танлови ташкил этилган бўлса) ҳаққоний аниқлашга ёрдам берибгина қолмай, балким, лойиҳа муаллифларининг ва раҳбарининг, лойиҳа устида амалга оширилган ишларнинг ютуқ ва камчиликларини мониторинги билан, бажарган ишларининг сифатини ҳам ҳаққоний баҳолайди. Холис баҳолаш икки босқичда амалга оширилади: биринчи босқичда тақдим этилган ҳужжатларни ўрганилади, иккинчи босқич лойиҳа тақдимоти вақтида амалга оширилади. Тақдим этилган ҳужжатлар камида икки кишидан иборат баҳолаш гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилади. Холис баҳолаш натижалари гуруҳ раиси томонидан гуруҳ аъзоларига маълумот тарзида етказилади.

Лойиҳа бўйича умумий баҳо балларда баҳолаш гуруҳига тақдим этилган материалдан ва унинг мустақил эксперт таҳлилидан ва тақдимот вақтида қуйилган баҳоланишдан тўпланади.

Баҳоланиш олиб борилаётган қаторнинг у ёки бу борлигига қараб, “бор” қаторнинг ҳар бир жойига 1 балл қўйилади. Кейин бор бўлган қисмларнинг бажарилиш сифати 3 баллик меъёр билан баҳоланади. Ҳар бир савол бўйича якуний, умумлаштирилган баҳо устуннинг охирига қисмида ўз ифодасини топади. Баҳолаш жадвални тўлдиришда қаторнинг “юқори”, “ўрта”, “қониқарли”, “қониқарсиз” балларининг мос келадиган жойига “+” белгиси қўйилади.

Вақти .....

Лойиҳа номи .....

### Холис мутахассис (Ф.И.Ш.)

т\р	Лойиҳа жараёнида холис мутахассислар томонидан эътиборга олинishi лозим бўлган саволлар рўйхати.	Бажарилган қисмлар сифати				Жами (баллар йиғиндиси)
		юқори (3 балл)	ўрта (2 балл)	қониқарли (1 балл)	қониқарсиз (0 балл)	
1.	Танланган мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти					
2.	Ишнинг ижтимоий аҳамияти ва мавзусининг асосланганлиги, вазиятнинг таҳлили ва муаммонинг қуйилиши					
3.	Ишнинг амалий аҳамияти					
4.	Муаммони ечиш йўллари таклиф этиш					
5.	Муаммони ечишда тадқиқот ишларининг олиб борилганлиги					
6.	Олинган натижаларни тўғри кўрсата олиш					
7.	Материални тушунтириш:					
7.1.	Мантиқийлик					
7.2.	Тушунарлилиги					
8.	Тақдимотни ўтказишда кўргазмали куруллардан (жадваллар, плакатлар, компьютер дастурлари, видео-материаллар тақдими ва бошқ.) фойдаланиш.					
9.	Гуруҳда ишни ташкил этиш ва амалга ошириш кўникмаси (фақат гуруҳли ишлар баҳоланади):					
9.1.	Вазифаларнинг тақсимланганлиги					
9.2.	Гуруҳ аъзоларининг ишнинг натижасидан хабардорлиги					
9.3.	Ҳар бир гуруҳ аъзосининг қўшган ҳиссасини аниқлаш					
10.	Мунозара олиб бориш кўникмаси					
11.	Лойиҳани амалга ошириш йўллари гуруҳ аъзолари тушунганлиги ва ҳар бири ўз фаолиятининг аниқ мазмунга эғалигини англаганлиги					
12.	Лойиҳани амалга ошириш					

13.	Лойиҳани амалга ошириш вақтида вужудга келган қийинчиликларни иштирокчилар томонидан эътироф этилиши					
14.	Олинган натижалар ва уларни баҳолаш					
<b>Жами (устун бўйича баллар йиғиндиси)</b>						

**- тартиб рақамли тадқиқий лойиҳанинг тақдимотини баҳолаш**

Вақти: \_\_\_\_\_

Лойиҳа номи: \_\_\_\_\_

Холис мутахассис (Ф.И.Ш.): \_\_\_\_\_

т/р	Лойиҳа жараёнида холис мутахассислар томонидан эътиборга олинган лозим бўлган саволлар рўйхати.	Бажарилган қисмлар сифати				Жами (баллар йиғиндиси)
		юқори (3 балл)	ўрта (2 балл)	қониқарли (1 балл)	қониқарсиз (0 балл)	
1.	Танланган мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти					
2.	Ишнинг амалий аҳамияти					
3.	Ишнинг ижтимоий аҳамияти ва мавзусининг асосланганлиги, вазиятнинг таҳлили ва муаммонинг куйилиши					
4.	Тадқиқотнинг самарали услубларини танлаш					
5.	Олинган натижаларни тўғри кўрсата олиш					
6.	Материални баён қилиш:					
6.1.	Илмийлик					
6.2.	Мантиқийлик					
6.3.	Тушунарлилик					
7.	Тақдимотни ўтказишда кўرғазмали куруллардан (жадваллар, плакатлар, видеоматериаллар, компьютер дастурлари ва бошқ.) фойдаланиш.					
8.	Гуруҳда ишни ташкил этиш ва амалга ошириш кўникмаси (фақат гуруҳли ишлар					

	баҳоланади):					
8.1.	Вазифаларни тақсимланганлиги					
8.2.	Гуруҳ аъзоларининг ишнинг натижаси билан хабардорлиги					
8.3.	Ҳар бир гуруҳ аъзосининг кўшган ҳиссасини аниқлаш					
9.	Мунозара олиб бориш кўникмаси					
10.	Олинган натижалар ва уларни баҳолаш					
11.	Лойиҳани амалга оширилганлиги					
<b>Жами (устун бўйича баллар йиғиндиси)</b>						

### **3-амалий машғулот**

#### **Лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш амалиёти**

##### **1-вазифа. Лойиҳалаш фаолиятида фойдаланиладиган тушунчаларни таҳлил қилиш ва эслаб қолиш**

**Таълим олувчиларнинг тадқиқотчилик фаолияти** кўшимча таълим олиш технологияси сифатида, қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- бажариладиган ишларнинг ўзига хослигини, таълим олувчининг кизиқиши ва лаёқатини ҳисобга олган ҳолда тузилувчи мослашувчан таълим дастурлари;

- педагог ва таълим олувчининг ишини ташкил этишнинг якка тартибдаги шакллари мавжудлиги – гуруҳли ва якка тартибдаги машғулотлар, маслаҳатлар, кўчма тадбирлар, семинарлар ва анжуманлар.

Гуманитар фанлар соҳаси бўйича талабаларнинг ижодий ишларини шажаралаш:

- **муаммоли-рефератив** – адабиёт манбалари таҳлили асосида кўйилган муаммони ўзини талқини орқали очиб беришни назарда тутувчи ижодий ишлар;

- **тажриба-синов** – фанда ёритилган ва натижаси аниқ бўлган тажриба синовлар ўтказиш орқали бажарилган ижодий ишлар. Бу кўпроқ намоёиш этиш мазмунига эга бўлиб, берилган шароитни ўзгартиришга боғлиқ бўлган натижа хусусиятларининг мустақил талқинини очиб беради.

- **табиий ва тавсифли** – бирон бир ҳодисани тавсифлаш, илмий янгилик қисмларига эга бўлиши мумкин ва жиддий тадқиқот услубларининг йўқлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Табиий ҳолдаги ишларга мисол қилиб, экологик йўналишдагиларни кўрсатиш мумкин.

- **тадқиқотчилик, изланувчанлик** – илмий нуқтаи назардан мукаммал услубиятлар ёрдамида бажарилган ижодий ишлар, ушбу услубиятлардан фойдаланиш натижасида олинган тажриба-синов материаллари асосида тадқиқ қилинаётган ҳодисалар таҳлил қилинади, хулосалар чиқарилади. Ушбу ишларда натижалардан аниқ бўлмасдан тадқиқот натижалар аниқ бўлмасдан тадқиқот натижалари асосида аниқланади.

**Билимдонлик** – ўқиш, ўрганиш натижаси бўлиб, маълум бир соҳалар бўйича билимлар мажмуидир.

**Омилкорлик, ваколат** – маълум фаолиятни амалга ошириш учун зарурий билим, кўникма ва малакалар, мужассамлашган фаолият қурилмалари бўлиб, аниқ бир мўлжалланган натижаларга эришишга йўналтирилган бўлади.

**Танқидий фикрлаш** – қотиб қолган фикрларни қабул қилмайдиган, янги ахборотларни шахсий ҳаётини тажрибага тадбиқ этиш орқали ривожланувчи, баҳоловчи, жонли, очиқ таҳлил қилувчи фикр юргизишдир.

**Таълимий лойиҳа** – умумий натижасига эришишга қаратилган уйғунлашган услубларга, фаолият кўрсатиш йўллари ва умумий мақсадга эга бўлган ўқувчиларнинг биргаликдаги ўқув-билиш, ижодий ёки ўйин

фаолияти деб қаралади. Таълим оловчи томонидан мустақил лойиҳалаш ва тадқиқотчилик фаолиятини эгаллаш таълим муассасаларида таълимнинг барча босқичларида мақсадга йўналтирилган тизимли ишлар шаклида амалга оширилиши керак.

**Тадқиқотчилик фаолиятининг лойиҳалашдан фарқи.** Тадқиқотчилик фаолиятининг асосий натижаси тадқиқот жараёни якунида у ёки бу ҳақиқатни аниқлаш ва стандарт кўринишда намоён бўлган ақлий маҳсулот ҳисобланади.

Албатта шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, унинг асосий маҳсулоти сифатида тадқиқотда ҳақиқатга етишиш ўзининг қийматига эгадир.

Кўпинча танлов ва анжуман шартларида тадқиқот натижаларининг тадбиқий жиҳатлари, амалий аҳамияти, тадқиқотнинг ижтимоий самараси(масалан, табиатни муҳофаза қилишда фойдаланиш) таснифига бўлган талабларни учратиш мумкин.

Бундай фаолият кўпинча ташкилотчилар томонидан тадқиқотчилик деб номласа ҳам, бошқа мақсадларни (ўзининг аҳамиятига эга) назарда тутди – ижтимоийлашув, тадқиқотчилик фаолият орқали ижтимоий амалиётга эга бўлишдир.

### **Тадқиқот ёки лойиҳани амалга оширишда таълим оловчининг муваффақиятини баҳолаш**

Таълим оловчининг лойиҳа ёки тадқиқотни амалга оширишда муваффақиятини баҳолашда шуни англаш керакки, улар учун энг муҳим баҳо жамият томонидан мустақил фаолиятининг натижаларининг тан олинидир. Эришилган ҳар қандай натижа ижобий баҳоланишга лойиқдир.

Таълим оловчиларда тегишли билимдонликни шакллантириш юзасидан иш олиб бораётган педагог учун лойиҳалаш ва тадқиқотчилик фаолиятининг кўникма ва малакаларини маълум даражада ривожланиши муҳимдир.

Баҳолашда:

- 1) лойиҳанинг барча босқичларида олиб борилган ишларни бажаришда маълум даражада мустақиллиги;
- 2) топширилган вазифанинг аниқ бажарилиши ва гуруҳнинг ишида иштирок этиш даражасини;
- 3) умумий билимларни амалда қўллай олиш;
- 4) лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган янги маълумотлар миқдори;
- 5) фойдаланилган маълумотларни ўзлаштириш даражаси;
- 6) ишлатилган услубиятларнинг мураккаблик даражаси ва ундан фойдаланиш кўрсаткичлари;
- 7) муаммони ечиш йўллари ва фикрларнинг аслиги;
- 8) лойиҳа муаммосини тушуниш ва мақсадининг шаклланганлиги;
- 9) тақдимотни ташкил этиш ва ўтказилиш даражаси: оғзаки маълумот, ёзма ҳисобот бериш, кўргазмалилик билан таъминланганлиги;
- 10) ўз руҳий ҳолатини таҳлил қила олиш;
- 11) тақдимотга кўргазмали қуролларни тайёрлашда ижодий ёндошув;
- 12) олинган натижаларнинг ижтимоий ва амалий аҳамияти.

**Таълим оловчиларнинг лойиҳалаш – тузиш фаолияти** тадқиқотдан фарқи шуки, тадқиқотчи мавжуд бўлган нарсани, ҳодисани олдиндан ўрганади, тузувчи-лойиҳаловчи эса, табиатда бўлмаган нарсани кашф қилади.

Лойиҳалаш – тузиш фаолиятининг ўзгармас шарти, шундан иборатки олдиндан мақсад қилиб қуйилган (режалаштирилган) ижодий ишнинг маълум натижага эгалигидир.

Таълим оловчиларнинг лойиҳалаш-тузувчилик фаолияти қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: мақсад ва вазифаларни аниқлаш; техник вазифаларни тузиш; етакчи ғояни шакллантириш; самарали захираларни аниқлаш; фаолиятни ташкил этиш режаси, дастурини тузиш; вазифалар моҳиятини аниқлаш ечимлар услубларини ахборот тармоқ

технологияларидан фойдаланиш ҳолда қидириб топиш, лойиҳани амалиётга кўллаш; фаолият натижаларини англаб етиш.

Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятининг моҳияти мазмуни ўқув-тарбия жараёнини якка ҳолда амалга оширишдан, тадқиқотчилик фаолиятининг таълим сифатини оширувчи восита сифатида тушунишдан иборатдир. Тадқиқотнинг асосий мақсади шахснинг ривожланиши, талабаларнинг лаёқатларини ривожлантиришнинг, борликни ўзлаштиришнинг кўп қиррали йўли сифатида тадқиқотчиликнинг амалий кўникмаларини эгаллашдан, фикрлаш лаёқатини ривожлантириш, ўзига хос янги билимларни (яъни, аниқ ўқувчи учун янги ва шахсий аҳамиятга эга бўлган мустақил эгалланган) ўзлаштириш асосида ташкил этилган ўқув жараёнида талабаларнинг шахсий иштирокини фаоллаштиришдан иборатдир. Шунинг учун тадқиқотчилик фаолияти асосида таълим жараёнини ташкил этишда тадқиқотни лойиҳалаш вазифаси биринчи ўринда туради.

**Талабаларнинг ўқув-тадқиқотчилик фаолияти** - ўраб турган дунё ҳақида илмий дунёқарашини ривожланишининг турли қонуниятлари ва билиш услубларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган, билиш эҳтиёжини қондиришга қаратилган ўқув ишининг турларидан биридир. Ҳар қандай тадқиқот қайси билим соҳасида, табиий ёки ижтимоий-гуманитар фанларда, бажарилганлигидан қатъий назар бир хил ўхшаш тузилишга эгадир. Бу тизим уни амалга оширишда меъёр ҳисобланиб, тадқиқотчилик фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Талабаларнинг ўқув-тадқиқотчилик фаолияти уни тайёрлаш ва ўтказишда куйидаги аниқ босқичларнинг бўлишини назарда тутди. Жумладан:

- муаммони қўйилиши;
- мақсади ва ташкил этувчи вазифаларни шакллантириш;
- тадқиқот предмети ва объектини аниқлаш;



- фаразни шакллантириш;
- тадқиқ этилаётган муаммо бўйича адабиётларни таҳлил этиш;
- тадқиқот услубларини танлаш;
- тажриба-синов ишлар;
- олинган натижалар таҳлили;
- умумлаштирилган хулосалар.

Тадқиқот соҳасига (табiiй, техник, ижтимоий-гуманитар) қараб унинг тузилиши ўзгариши мумкин.

**Танқидий фикрлашни ривожлантириш технологияси** – фикрлаш кўникмаларини: ҳаётда ва ўқишда керак бўладиган умумлаштириш, ахборот йиғиш, эслаб қолиш, ташкил этиш, таҳлил қилиш, қайта тиклай олиш, ўзаро боғлаш ва баҳолашни шакллантиришга қаратилган истиқбол мақсадга эришиш йўли ва усуллар мажмуидир.

*Ўқув лойиҳаси таълим олувчи нуқтаи назарида* – ижодий имкониятлар энг кўп даражада ёритишда гуруҳда ёки яқка тарзда ишда кўрсата олиш, ўзининг билимини ва кучини синаб кўриш, бошқаларга фойда келтириш, эришган муваффақиятини жамоа олдида кўрсата олиш имкониятига эгадир. Бу, кўпинча лойиҳа иштирокчилари томонидан шакл-лантирилган вазифалар тарзида, қизиқарли муаммони ечишга қаратилган, ўша пайтда фаолиятнинг натижаси – бу излаб топилган муаммони ечиш йўлининг амалий хусусиятга эга бўлиши ва, албатта, жуда муҳими, изланувчилар учун қизиқарли ва аҳамиятли бўлган фаолиятдир.

*Ўқув лойиҳаси педагог нуқтаи назарида* – ривожланиш таълим-тарбиянинг ўзаро алоқадор бўлган, мужассамлашган дидактик воситасидир. Бу фаолият – таълим олувчиларида лойиҳалаш ва тадқиқотчиликнинг ўзига хос кўникма ва малакаларини шакллантиради ва ривожлантиради, ҳамда, куйидагиларни ўргатади:

-муаммонинг қуйилишини муаммо чегарасини ва унга кирувчи кичик **муаммочаларни** аниқлаш, асосийларини шакллантириш ва уларни ечимига қаратилган вазифаларни белгилаш;

-талаба фаолиятининг мазмунли бўлишига қаратилган мақсадни қўйиш ва режалаштириш;

-ўз-ўзини таҳлил қилиш ва унинг таъсирчанлиги (лойиҳа муаммосининг натижадорлиги ва муваффақиятли ҳал қилиниши);

- ишнинг бориши ва фаолият натижаларини кўрсатиш;

- лойиҳа натижалари ифодаланган махсус тайёрланган материаллардан (макет, виртуал тақдимот, чизмалар, моделлар, театрлаштириш, видео, аудио ва сахна кўринишлари ва бошқ.) фойдаланилган ҳолда турли шаклларда тақдимотни ташкил этиш;

- долзарб маълумотларни излаш ва танлаш, керакли бўлган билимларни ўзлаштириш;

- билимларни турли вазиятларда амалда қўллаш;

-лойиҳалаш маҳсулотини тайёрлаш технологиясини танлаш, ўзлаштириш ва фойдаланиш;

- тадқиқотни ўтказиш ( таҳлил қилиш, турли қисмларни бирлаштириш, фаразларни қуйиш, қисмларга ажратиш ва умумлаштириш).

Педагог лойиҳалашни ва ўқув-тадқиқотчилик фаолиятининг таркибий қисмларини иш жараёнида ёки ундан ташқарида қуйидагича шакллантиради:

- **фикрлаш фаолияти:** ғояларни илгари суриш (ақлий ҳужум), муаммони қуйиш, мақсадларни аниқлаш ва вазифаларни қуйиш, фаразни шакллантириш; фаолиятда самарали усул, услуб ва йўлларни танлашнинг асосланганлиги; ўзининг фаолиятини режалаштириш ва ўз-ўзини руҳий ҳолатини таҳлил қилиш.

- **тақдимотга доир:** бажарилган ишлар бўйича оғзаки хабарни тузиш, фаолият натижасини (маҳсулотни) кўргазмали шакл ва усулларни танлаш,

кўргазмали воситаларни тайёрлаш, бажарилган ишлар ҳақида ёзма ҳисобот тайёрлаш.

- **мулоқотчанликга (коммуникативли) доир:** бошқаларни тушуниш ва эшита олиш, ўзини кўрсатиш, келиша олиш, гуруҳда биргаликда ҳаракат қилиш, бир битимга келиш.

- **изланувчанлик:** каталогдан ахборотларни топиш, матндан, гиперматндан, интернетдан излаш, асосий сўз, тушунчаларни шакллантириш.

- **ахборотли** – ахборотнинг тузилиши, асосийсини ажратиш, ахборотни қабул қилиш ва узатиш, турли шаклларда кўрсатиш, излаш ва сақлашни тартибга келтириш.

- **буюмли тажрибаларни ўтказиш:** иш жойини ташкил этиш, зарурий жиҳозларни танлаш, материалларни тайёрлаш, тажриба-синов ишларини ўтказиш, тажрибанинг боришини кузатиш, кўрсаткичларини ўлчаш, олинган натижаларни моҳиятига етиш.

## **2-вазифа**

### **Лойиҳавий фаолиятни ташкил қилиш бўйича эслатмани таҳлил қилиш**

Лойиҳалаш услубини қўллаш босқичлари

#### **I. Тайёрлов ёки кириш (лойиҳани чуқур англаш) босқичи.**

1.1.Мавзу танлаш ва уни аниқлаштириш (лойиҳа турини аниқлаш).

1.2.Мақсадни аниқлаш, вазифаларни шакллантириш.

1.3.Лойиҳа иштирокчилари гуруҳларини тузиш ва уларга вазифаларни тақсимлаш.

1.4.Лойиҳа гуруҳи иштирокчиларига ёзма тавсияномалар (талаб,муддати, иш тартиби, маслаҳатлар ва бошқалар).

1.5.Лойиҳа мавзусини ва гуруҳ иштирокчиларининг шахсий иш режаларини тасдиқлаш.

#### **II. Тадқиқий изланувчанлик босқичи.**

2.1.Ахборот манбаларини аниқлаш.

2.2.Ахборот йиғиш ва таҳлил қилиш усуллари режалаштириш.

2.3.Тадқиқотни ўтказишга тайёргарлик ва уни режалаштириш.

2.4.Тадқиқотни ўтказиш. Иш тури ва мақсад асосида материал, далил, натижаларни йиғиш(тўплаш) ва тизимлаштириш. Намойиш этиш учун материалларни танлаш.

2.5.Ташкилий - маслаҳат машғулоти. Лойиҳа босқичлари ўртасида иштирокчиларининг ҳисоботи, лойиҳани бажариш вақтида юзага келадиган мураккабликларни муҳокама қилиш.

### **III. Намойиш этиш - расмийлаштириш босқичи.**

3.1.Лойиҳанинг дастлабки ҳимояси.

3.2.Лойиҳани билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида қайта кўриб чиқиш.

3.3.Лойиҳани ҳимоя қилишга тайёрланиш:

-вақти, санаси ва жойини аниқлаш;

-ҳимоя дастури ва сценариясини тузиш, гуруҳ ичида вазифаларни тақсимлаш (медиа ёрдам, ўқув хонасини тайёрлаш, видео ва расмга олиш ва бошқ.).

### **IV. Яқуний босқич.**

4.1.Лойиҳани аудитория олдида очиқ ҳимоя қилиш.

4.2.Хулосалаш, бажарилган ишларнинг тузилишини таҳлили.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### КЕЙС: ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК АТАМАЛАР

2014 йилнинг март ойида “Педагогика” кафедрасида “Замонавий педагогик атамалар” мавзусига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Семинар-тренингда ҳозирги вақтда таълим жараёнида қўлланилаётган “методика”, “технология”, “интерфаол метод”, “стратегия”, “график организаторлар” каби атамалар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Семинар-тренингда педагогик технологиялар соҳасига доир қатор изланишлар олиб борган мутахассис олимлар таклиф этилди.

Модератор биринчи бўлиб сўз навбатини “методика” ва “технология” тушунчалари моҳиятини аниқлаштириб бериш учун педагогика фанлари доктори, профессор Д.Сайфуллаевга берди. Олим ўз нутқида “Методика – катъий кетма-кетликка (алгоритмик характерга), илгари ўрнатилган режа (қоида), тизимга аниқ риоя қилиш бўлиб, бирор бир ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси”ни, “технология – бу режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи”ни ифода этади, деган умумий фикрни берди. Шундан сўнг, “Педагогика” кафедраси катта ўқитувчиси М.Алиева Д.Сайфуллаевга шундай савол билан мурожаат этди: “Домла, кечирасиз, сизнингча, методика ва технологиянинг бир-биридан фарқи нимада?”. И.Жўраев қисқа қилиб “Методика ўргатади, технология ўйнатади” деган жавобни берди. М.Алиева жавобни тушунмасдан ҳайрон бўлиб, индамай қўйди. Олим унга “Нега сиз жавобдан коникмадингизми?” савол назари билан қаради, М.Алиева эса индамади. Кафедра ўқитувчиси Г.Қўлдошева М.Алиевага “Нимага тушунмайсиз, домла айтмоқчиларки, ўқитиш методикаси талабаларни фаоллаштира олмайди, технология эса таълим олувчини фаоллаштириб, ўйин асосида машғулотларни қизиқарли ўтишини таъминлайди” деб тушунтирган бўлди.

Д.Сайфуллаев ўз чиқишини яқунлагач, модератор сўзни педагогика фанлари доктори, профессор Н.Абдуллаевага берди ва “замонавий педагогик технологиялар” ҳақида маълумот беришни сўради. Н.Абдуллаева бугунги кунда кўплаб замонавий педагогик технологиялар мавжудлиги, уларга Ақлий ҳужум, Б-Б-Б, каскад, пинборд, кластер, зигзаг, тармоқлар, ўйинли технологиялар кабилар борлигини айтиб, уларга қисқа-қисқа изоҳ берди. Н.Абдуллаева сўзини яқунлагач, доцент А.Икромов унга қуйидаги савол билан мурожаат этди: “Устоз, мени бир савол кўп вақтдан бери қизиқтиради: “Технология билан интерактив метод” тушунчаси бир нарсами? Ҳар доим уларни аралаштириб қўллайверамиз, шу тўғрими?”. Н.Абдуллаева саволга қуйидагича жавоб берди: “Сиз манимча, саволни ман юқорида бир нечта технологияни санаб ўтганимдан келиб чиқиб беряпсиз. Уларни “технология” деб айтиш ҳам, “интерфаол методлар” деб номлаш ҳам мумкин” деган жавобни берди. Жавобни эшитгач, А.Икромов “унда бирини қўллайверсак бўлмайдами?” деган савол назари билан қаради. Унга жавобан олима “Истаганигизни ишлатаверинг” деб жавоб берди. Шу билан Н.Абдуллаева ҳам чиқишини яқунлади.

Учинчи бўлиб сўз навбати Л.Василжоновага берилди. У “Нутқ сўзлашдан аввал мен сизларни қизиқтирган саволларни эшитмоқчиман” деган фикр билдирди. Шунда қолганлар индамасдан турганда, А.Икромов “ман савол берсам, майлими?” деб рухсат сўради. Беринг, деган ишора қилингач, у “Мен ҳали профессор Н.Абдуллаевага ҳам шунга ўхшаш саволни бергандим, сизнинг ҳам фикрингизни билмоқчиман: Метод билан технологияни бир-биридан нима фарқи бор? Сизни педагогик технологияга доир китобингизда кейс-стади, ўқув лойиҳаси ҳақида маълумот берилганда, уларга нисбатан ҳам метод, ҳам технология сўзлари қўлланилаверган. Ўзи бу тушунчаларни қандай қўллаш ўринли бўлади?”. Л.Василжонова: “Менимча, сиз Н.Абдуллаеванинг фикрларига яхши эътибор қаратмабсиз, улар бу тушунчаларнинг икаласини ҳам қўллайвериш мумкин, деб айтдилар. Мен

сизга осонроқ тушунтириб бераман. Мана эътибор қаратинг: мен ишхонада Василжонова Латофат Абдурашидовнаман, фарзандим учун онаман, турмуш ўртоғим учун аёлиман, барибир ўша Латофатман” деган жавобни берди. Ҳамма мийиғида кулиб, бир-бирига қараб қўйди.

А.Икромов яна савол беришга рухсат сўради. Узр сўраган ҳолда, Л.Василжоновага “Сиз китобингизда график организаёрларни “таълим воситалари” деб бергансиз. Мен бу фикрга қўшилмадим. Чунки биз дидактик воситалар деганда китоб, чизма, расм, жадвал, нутқ, лаборатория жиҳозлари, ўқув қуролларини тушунамиз. График организаёрларни восита деб айтиш тўғрими?” Л.Василжонова саволга қуйидагича жавоб берди: “График организаёрлар тузилишига кўра чизма, жадвал кўринишига эга бўлганлиги учун уларни “восита” деб талқин қилганмиз”. Сўнг А.Икромовга савол билан мурожаат қилди: “Сиз график организаёрларни қандай характерга эга деб ҳисоблайсиз?” А.Икромов “График организаёрларни восита эмас, метод деб қўллаш ўринли бўлади” деган жавобни берди. Унга жавобан Л.Василжонова “Сиз истасангиз шундай қўллашингиз мумкин” деб айтди.

Л.Василжонова чиқишини тугаллаганидан сўнг, модератор умумий тарзда семинар-тренингга яқун ясади. Кафедра-ўқитувчиларининг кўпчилиги семинар-тренинг давомида замонавий шароитда кенг қўлланилаётган тушунчалар ҳақида аниқ маълумот олишмаганини ўзаро бир-бирларига секин-секин шивирлаб қўйишди...

**Сиз нима деб ўйлайсиз, семинар-тренинг олдига қўйилган мақсад тўлиқ амалга ошдими? Замонавий таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ҳолда қўлланилаётган тушунчаларнинг моҳияти етарлича аниқлаштирилдими? Сиз мазкур тушунчаларни қандай изоҳлаган бўлар эдингиз? Семинар-тренингда қайси тушунча моҳиятига умуман эътибор қаратилмади? “Методика” ва “технология” тушунчаларини фарқлашга доир И.Жўраев томонидан берилган жавобга сиз қандай муносабат билдирасиз? Д.Абдуллаеванинг ўз нутқида Ақлий ҳужум, Б-Б-Б, каскад,**

**пинборд кабиларни технология деб ишлатиши тўғрими?**

**Л.Василжонованинг “метод” ва “технология” тушунчаларига нисбатан**

**айтан фикрини қандай баҳолайсиз? График органайзерларни “таълим**

**воситаси”ми ёки “метод” сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқми?**

## **КЕЙС-СТАДИ: ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ**

Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда. Бироқ илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам кўзга яққол ташланмоқдаки, уларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Бундай долзарб муаммолар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) олий таълимда қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Гарчи республикамизда Ж.Ғ.Йўлдошев, Н.Н.Азизходжаева, Л.В.Голиш, Ў.Толипов, Н.Сайидахмедов, Б.Зиямухаммедов, М.Тожиев<sup>1</sup> каби олимлар томонидан педагогик технологияга доир қатор ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамасдан, мазкур ўқув қўлланмаларда олий таълим жараёнида қўллаш мумкин бўлган интерфаол методлар ва уларни қўллашга доир методик кўрсатмалар аниқ ўз ифодасини топмаган. Мазкур ҳолат олий таълим профессор-ўқитувчиларининг интерфаол методларни қўллашга доир маълумотлардан тўла хабардор бўлмаслигига олиб келмоқда. Олий таълим муассасаларидаги

---

<sup>1</sup> Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005; Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003; Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006; Тожиев М., Зиёмухаммадов О. Миллий педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиқи ва уни ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни. – Т.: МО’МТОЗ SO’Z, 2010; Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. – Т.: ТДИУ, 2010.



таълим жараёнини кузатиш профессор-ўқитувчилар кенг қўллайдиган интерфаол методлар жуда камчиликни ташкил этишини кўрсатади. Бундай методлар сифатида кластер, Б-Б-Б чизмаси, ақлий ҳужум, “Балиқ скелети” чизмаси, “Қандай? диаграммаси” кабиларни айтиб ўтиш мумкин;

2) профессор-ўқитувчилар интерфаол методларни қўллаш қоидаларига ҳам тўлиқ риоя қилишмаяпти. Бошқача айтганда, интерфаол методлар фаннинг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мақсад ва вазибалари, талабаларнинг ёш хусусиятлари, машғулот шакли, аудиторияда мақбул шарт-шароитнинг мавжудлиги каби жиҳатларни аниқ ҳисобга олмасдан қўлланилмоқда. Оддий бир мисол: профессор-ўқитувчилар, айниқса, ёш ўқитувчилар деярли ҳар бир машғулотида кластер методини қўллайди. Энг қизиғи, мазкур метод орқали ўқув мақсадига эришиш мумкин ёки мумкин эмаслигидан қатъий назар ундан фойдаланиш ҳолати кўп учрайди. Бундан ташқари, уч-тўрт доирани чизиш орқали тармоқлар ҳосил қилиш ҳам мумкин эмас. Мазкур метод талабаларнинг маълум бир нарса-ҳодиса, жараён ёки тушунчага оид фикрларини умумлаштириш, уларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда, кластер методидан ўтилган материални мустаҳкамлаш босқичидагина фойдаланиш мумкин. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, интерфаол методдан ноўрин фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга эмас, аксинчи машғулот сифатини пасайтиришга олиб келади. Демак, профессор-ўқитувчиларнинг когнитив компетентлигини оширмасдан туриб, интерфаол методларни қўллашда маълум самарадорликка эришиб бўлмайди;

3) олий таълим профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган ва яратилаётган таълим технологиялари таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аксарият профессор-ўқитувчилар ўқув мақсадларини педагогик вазибаларга айлантириш, уни кутиладиган натижага мос ҳолда аниқлаш кўникмасига эга эмасдирлар. Улар томонидан ишлаб чиқилган барча машғулотларнинг технологик ишланмаларида идентив ўқув мақсадларини

вазифаларга айлантириш бир хил феъл туркумидаги сўзлар (маълумот бериш, очиб бериш, ёритиб бериш, изохлаш кабилар)дан фойдаланилган. Яна-да, аниқроқ қилиб айтганда, аксарият профессор-ўқитувчилар таълим технологияларини тайёр намунага ўхшаш тарзда яратганлар. Мазкур ҳолат профессор-ўқитувчиларнинг Блум таксономияси ва шунга ўхшаш таксономияларни амалиётда қўллаш кўникмаларига эга эмасликларини кўрсатади. Идентив ўқув мақсадларини ўқув вазифаларига айлантириш кўникмасига эга бўлмасдан туриб, машғулот жараёнини муваффақиятли лойиҳалашга эришиш мумкин эмас.

Профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган таълим технологияларида ўқув мақсадини вазифаларга айлантириш, ўқув мақсадига эришиш методларини белгилашда бир хилликка йўл қўйганликларининг яна бир сабаби ўқув-услубий мажмуаларни тўплайдиган мутахассисларнинг андозадан чиқиб кетмасликни қатъий талаб қилишидир. Ҳатто айрим технологик ишланмаларнинг деярли барча мавзуларида бир ёки бир нечта методларнинг қайта-қайта такрорланиши кўзга ташланади. Профессор-ўқитувчилар айнан шу методлардан фойдаланилмаса, улар томонидан яратилган таълим технологиялари қабул қилинмаслигини ҳақидаги фикрни билдиришади. Технологик ишланмаларни яратишни бундай тарздаги талабни қўйиш ҳам технологик жараён қоида ва мезонларига зиддир;

4) олий таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш анъанавий ўқитиш тизимининг муқобили сифатида хизмат қилиши лозим. Чунки барча аудитория машғулотларида интерфаол методларни қўллаш имконияти мавжуд эмас. Олий таълим профессор-ўқитувчиларидан ҳар бир машғулот жараёнида интерфаол методдан фойдаланишни талаб этиш ҳам ўринли бўлмайди. Энг асосийси, технологик ёндашув асосида ўқув машғулотида кутилган натижага эришилиши лозим. Мазкур жараёнда мақсадга эришишга имкон берувчи исталган мақбул методлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, айрим профессор-ўқитувчилар технологик

ёндашувни ногўғри талқин этган ҳолда, маъруза машғулотларини талабаларнинг ўзлари томонидан ўтиб берилишини талаб қилишмоқда. Маъруза машғулотига нисбатан бундай ёндашув унинг самарадорлигини таъминлашга тўлиқ хизмат қилмайди. Олий таълимда ўқитишнинг асосий шакли сифатида маърузага қўйиладиган дидактик ва методик, шу жумладан маърузачига қўйиладиган талаблар мавжуд. Мазкур талабларнинг тўлиқ бажарилиши профессор-ўқитувчи (лектор) орқалигина самарали амалга ошиши мумкин. Фақат анжуман-маъруза машғулотларини талабаларнинг маърузалари асосида ташкил этиш имконияти мавжуд ва бу соҳада республикамизда катта тажриба тўпланган. Бунда ҳам анжуман-маърузани ташкил этиш ва ўтказиш талабларига риоя қилиниши лозим.

**Сиз нима деб ўйлайсиз, юқорида баён этилган ҳолатда яратилган таълим технологияларини амалиётда қўллаб самарадорликка эришиш мумкинми? Таълим технологияларини яратишда ўқитувчида қандай касбий компетентлик шаклланган бўлиши лозим? Таълимни технологизациялашда асосий эътибор нимага қаратилиши зарур? Педагогик вазифалар ва кутиладиган натижаларни аниқлаштириш қандай йўл билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ?**

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Интегратив ёндашув асосида олий педагогик таълим жараёнини лойиҳалаштириш.
2. Ўқув топшириқларини лойиҳалаш.
3. Касбий компетентлик тузилмасида педагогнинг лойиҳалаштириш фаолияти моҳияти ва даражалари.
4. Лойиҳавий фаолиятнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари ва тамойиллари.
5. Контекстуал таълим.
6. Фреймли ўқитиш.
7. Таълим технологияларини лойиҳалаш ва конструкциялаш.
8. Олий таълим тизимида лойиҳалаштиришнинг ўрни ва имкониятлари.
9. Педагогик лойиҳалаштиришнинг концептуал асослари.
10. Педагогик лойиҳалаш шакллари.
11. Педагогик лойиҳалашнинг психологик асосларию
12. Педагогик лойиҳалашнинг тамойиллари.
13. Педагогик объектларни лойиҳалаштиришга доир ҳаракатлар тартиби ва тавсифи.
14. Таълим тизимини лойиҳалаштириш.
15. Олий таълим тизимида инновация.
16. Лойиҳалаштиришнинг асосий босқичлари.
17. Лойиҳалаштиришга доир фаолият муваффақиятини таъминлаш шартлари.
18. Ўқитувчининг лойиҳалаштиришга доир фаолиятининг тузилиши ва ўзига хосликлари.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Педагогика</b>	Педагогика – ёш авлодга таълим-тарбия бериш қонуниятлари ҳақидаги фандир	Design pedagogy is the area of inquiry into processes and tools for design learning and education.
<b>Метод</b>	Метод – энг умумий маънода мақсадга эришиш йўли, усули	Method – a way of doing something especially a systematic way
<b>Ўқитиш методи</b>	Ўқитиш методлари таълим мақсадига эришишга доир усул ва қоидалар йиғиндиси	Teaching method – the principles and methods of instruction
<b>Абстрактлаш</b>	Мавҳумлаштириш орқали назарий умумлашмалар ҳосил қилишдан иборат таълим методи	Abstraction in its main sense is a conceptual process by which general rules and concepts are derived from the usage and classification of specific examples, literal ("real" or "concrete") signifiers, first principles, or other methods.
<b>Адаптация</b>	Янги меъёр, анъана ва кадриятларни ўзлаштириш ва интериоризациялаш жараёни	Training is aimed at employees who are assuming new management functions.

<b>Акмеология</b>	Инсонни ўз тараққиёти динамикасида, такомилли ҳамда ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида ўзидаги энг кучли қобилиятларини намоён қилишнинг комплекс масалаларини ўрганадиган фан тармоғи	Acmeology is a new direction of interdisciplinary researches of the person.
<b>Педагогик маҳорат</b>	Педагогик жараёни билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш, педагогик жараёнинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези	It is an art of communicating a message with impact on audience.
<b>Такт</b>	Такт ахлоқий тушунча бўлиб, у инсонларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш, тартибга солишни талаб этади	Tact is skill teaching general education subject
<b>Педагогик тактика</b>	Педагогик такт – ўқитувчи касбий маҳоратининг асоси бўлиб, ўқувчиларга барча демократик талаблар асосида педагогик таъсир ўтказиш, мулоқотни инсонпарварлик туйғулари асосида ўрнатиш ўлчови, ўқувчиларда мустақил фикр юритишни ҳамда онгли	Professional quality of the teacher, with which he, the student applies the most effective means to influence education

	интизомни таркиб топтириш кўникмаларини ҳосил қилиш шаклидир.	
<b>Нутқ</b>	Нутқ – тилдаги мавжуд ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда реалликка айланган фикрдир	Manner of articulation describes how the tongue, lips, jaw, vocal cords, and other speech organs are involved in making a sound make contact.
<b>Қобилият</b>	Қобилият – одам психикасининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида акс этади	Possession of the qualities required to do something; necessary skill, competence, or power
<b>Коммуникатив қобилият</b>	Ўқитувчининг таълим олувчилар ва жамоа билан педагогик мақсадга қаратилган муносабатни ўрната олиш кўникмаси	Communication skills are the key to developing (and keeping) friendships and to building a strong social support network.
<b>Педагогик артистизм</b>	Педагогик артистизм – педагогик ижодкорликнинг барча босқичларида ўз аксини топувчи воқелиқдир.	Pedagogical artistry is the phenomenon functioning with varying degrees of activity in the process of pedagogical creativity

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Назарий-методологик адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов. И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – – Т.: Ўзбекистон, 2010.
3. Каримов. И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Каримов И.А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти. –Т.: Ўзбекистон, 2014.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
2. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997.

### **Асосий адабиётлар:**

1. Муслимов Н.А., Уразова М.Б. Проективная деятельность будущего учителя. Учеб.пособие. – Т.: GrandPaper, 2011. – 92 с.



2. Йулдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: 2011.
3. Педагогические технологии. Учебное пособие. Т.П.Сальникова – М.:ТЦ Сфера, 2005.
4. Ходжаев Б., Уразова М. Умумий педагогика. – Т.: ТДПУ, 2015.
5. Neil Selwyn. Education and Technology: Key Issues and Debates. – Continuum, Australia, 2011.
6. Terhart E. Teacher education in Germany. – Bucharest : UNESCO-CEPES, 2003.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Взятыхшев В.Ф. Методология проектирования в инновационном образовании//Инновационное образование и инженерное творчество. - М., 1995.
2. Воровщиков С.Г. Школа должна учить, мыслить, проектировать, исследовать: Управленческий аспект (Страницы, написанные консультантом по управлению и директором школы) – М.: “5 за знания”, 2006.
3. Громыко Ю. В. Понятие и проект в теории развивающего образования В. В. Давыдова // Изд-в. Рос. акад. образования.- 2000.- N 2.- С. 36-43.- (Филос.-психол. основы теории В. В. Давыдова).
4. Гузеев В. В. “Метод проектов” как частный случай интегративной технологии обучения.//Директор школы, № 6, 1995.
5. Гузеев В.В. Образовательная технология: от приёма до философии М.,1996
6. Гузеев В. В. Развитие образовательной технологии. — М., 1998.
7. Заир-Бек Е.С. Основы педагогического проектирования. - СПб., 1995.
8. Колесникова И.А., Горчакова-Сибирская М.П. Педагогическое проектирование. Учебное пособие. - М.: Академия, 2005.

9. Коньшева Н.М. Проектная деятельность младших школьников на уроках технологии. - Смоленск: 21 век, 2006.
10. Круглова О.С. Технология проектного обучения//Завуч. - 1999.- №6.
11. Новиков А.М., Новиков Д.А. Образовательный проект: методология образовательной деятельности. - М.,2004.
12. Новикова Т. Проектные технологии на уроках и во внеурочной деятельности. //Народное образование, № 7, 2000, с 151-157.
13. Пахомова Н. Ю. Учебные проекты: его возможности. // Учитель, № 4, 2000, — с. 52-55.
14. Пахомова Н. Ю. Учебные проекты: методология поиска. // Учитель, № 1, 2000, — с. 41-45.
15. Пахомова Н.Ю. Метод учебного проекта в образовательном учреждении: Пособие для учителей и студентов педагогических вузов. - М.: АРКТИ, 2003.
16. Пахомова Н.Ю. Метод проектов. /Информатика и образование. Международный специальный журнал: Технологическое образование. 1996.
17. Пахомова Н.Ю. Методология учебного проекта. /Учитель №1, 2000г.
18. Полат Е.С. Типология телекоммуникационных проектов//Наука и школа. - 1997. - №4.
19. Проект “Гражданин” — способ социализации подростков. //Народное образование, № 7,2000.
20. Радионов В.Е. Нетрадиционное педагогическое проектирование. -С-Петербург, 1996.
21. Раппопорт А.Г. Границы проектирования /Вопросы методологии, №1. 1991.
22. Сидоренко В.Ф. Генезис проектной культуры //Вопросы философии. - 1985. - № 10.
23. Слободчиков В.И. Основы проектирования развивающего

обучения. - Петрозаводск, 1996.

24. Чечель И. Метод проектов //Директор школы. - 1998. - №3,4.

**Электрон таълим ресурслари:**

1. <http://schools.keldysh.ru/labmro> — Методический сайт лаборатории методики и информационной поддержки развития образования МИОО.

2. [www.researcher.ru](http://www.researcher.ru) — Портал исследовательской деятельности учащихся при участии: Дома научно-технического творчества молодежи МГДД(Ю)Т.

3. [vernadsky.info](http://vernadsky.info) — сайт Всероссийского Конкурса юношеских исследовательских работ им. В. И. Вернадского.

4. [www.issl.dnttm.ru](http://www.issl.dnttm.ru) — сайт журнала «Исследовательская работа школьника».

5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)